

R 496
1968/2

ГУЛИСТОН



Экз
№2

2 (14) • 1968




50

↑ Танкчи аскар А. Ашуров.

← Танклар машқда.

↓ Отувчи мерган Тўлаган Қорабоев.
А. Асанов фотолари.



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



№ 2 (14)

февраль

1968

ЎзССР

Н

УШБУ СОН МАЗМУНИ

Совет Армиясининг

50 йиллиги

Қизил курашчи

Ҳарбий врач жасорати

Бухенвальд тутқуни

Ўн ёшли жангчи

Германия Демократик

Республикасида бир йил

Оташ йилларда

Ҳамза мукофоти муборақ

Бир колхоз тарихи

Йўқолган юлдузим

Доғистоним

Наврўзи олам

Мўйчинаяк

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

М. Бақоев, О. Жуманазаров, Ю. Велгонский, Саъдулла Норматов, Жуманиёз Жабборов, Тўра Сулаймон, Сано Саидов, И. Пулатов, Қ. Юсупов, Абдуқаҳҳор Раффоров, Ҳ. Каримов, Очил Тоғаев, Одил Ёқубов, Б. Маҳмудов, С. Улбоев, А. Губенко, Расул Ҳамзатов, Ҳайитбой Азимов, К. Маҳмудов, Асрор Самад, Анвар Муқимов ва бошқалар.

Ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий безакли журнал

ЗАРВАРАҚЛАРДА:
Биринчи бетдаги плакатни рассом
М. ГРОМИКО чизган.
Тўртинчи бетда — тоғ манзараси.

М. ГРАФҚИН фотоси.



КЕЛАСИ СОН
мазмун

Бухоро зардўзлари
Бир сафар хотиралари
Горький 100 йиллиги
Шеърият шайдоларига
Ўзбекистон ва хориж
Қизлар куйлайди
Иби Сино зилзила ҳақида
Мўйчилик



„Марднома“ китобини

яратайлик

Улуғ Ватан уруши иштирокчилари диққатига

Совет Армиясининг шонли эллик йиллиги шарафига ёшларимизни жанговар аъналаримиз билан ошно қилиш мақсадда «Гулистон» журнали «Марднома» тўплашга киришди. Тўғилажак китоб Улуғ Ватан урушида иштирок этган ҳар бир ўзбек йиғити ва қизининг жанг майдонига кўрсатган мардлиги, баҳодирлиги, жасорати, бошидан кечирганлари, кўрган-билганлари, эсида қолган ажойиб воқеалар, хотираларининг мажмуаси бўлади. Унда ҳар бир жангчи ва офицернинг ўз қўли билан ўзи ва дўстлари ҳақида ёзган хотиралари ёки уларнинг ўз оғзидан ёзиб олинган ҳикоялар, топилган ёки тақдим этилган ҳужжатлар, суратлар, шакл-хариталар бошланади.

Маълумки, Улуғ Ватан уруши даврида халқимиз фарзандлари, бошқа қардош халқларнинг вакиллари билан елкама-елка туриб жангларда мислсиз мардлик, баҳодирлик кўрсатдилар. Афсуски, жуда кўп баҳодирларимизнинг жасурлиги ва жасоратлари ёритилмай, камтарин кишиларимизнинг ички бисотида қолиб келмоқда. Ешларни жанговар аъналаримиз мисолида тарбиялаш учун халқимизнинг энг ноқадруқ бўлган бу бойлиқни барчанинг мулкига айлантиришимиз зарур.

Шу сабабдан Улуғ Ватан урушининг иштирокчиларидан ўқиниб сўраймиз:

Москва муҳофазасида қатнашиб, фашист галаларини тор-мор этишда иштирок қилган ва Москва бўсағасидан Берлингача борган жангчи ҳамда офицерлар ўз хотираларини «Москвадан Берлингача» деган белги билан, Сталинград жангларида қатнашган ва Волга бўйидан Берлингача борган кишилар «Сталинграддан Берлингача» деган белги билан «Гулистон» журнали идорасига юборсинлар. Юборилган хотиралар, хатлар моҳиятига қараб, «Гулистон»да пешма-пеш босиб борилади ва салмоғи тўлиб, қиёмига етгач, «Марднома» юзага чиқади.

Мабодо бирор сабабга кўра ўзларининг бой хотираларини ўз қўллари билан ёза олмайдиганлар бўлса, у ҳолатда «Гулистон» идорасига келиб ҳикоя қилиб берсалар ёки бошқа бирор кишининг ёрдами билан ёзиб юборсалар кўп сўз бўлур эди. Халқимизнинг фашизмни тор-мор қилиш ишига қўшган жанговар ҳиссасининг заррачаси ҳам эътибордан четда қолмаса деймиз. Ҳар бир материал муаллифи ўз касби-кори, адреси ва биттадан суратини қўшиб юборса, аини муддао бўларди.

Бизнинг адресимиз: Тошкент, Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

Бу яхши ишга қўл урган ҳамма ўртоқларга аввалдан ташаккур изҳор қиламиз.



ФАРЗАНД ЕДИ.

С. Безносков фотоси.

Республикамиз пойтахтида Москва, Ленинград, Киев, Боку, Тбилиси, Харьков шаҳарларидан кейин олтинчи бўлиб метро қурилиши кўзда тутилмоқда. Ер ости йўлининг биринчи навбати 22 километр uzunликда бўлиб, Чилонзория шаҳар маркази билан улайди.

● Тошкентда Ўзбекистон ўқитувчиларининг III съезди бўлиб ўтди.

● Шу йил декабрь ойида Ўзбекистонда қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги, келгуси йил май ойида Қорақалпоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги ўтказилади.



«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ 20 ЙИЛЛИГИ» ТАНКЛАРИ



Совет кишилари ва Қуролли Кучларининг немис фашизмни тор-мор келтиришда кўрсатган сабот-матонати, қаҳрамонлиги ва чидами инсоният тарихига ўчмас лавҳа бўлиб ёзилди. Бу лавҳа Совет Армиясининг шонли ярим асрлик жанговар йўлида ёрқин нур бўлиб ёлқинланади.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқи ҳам мардлик, жасорат кўрсатди. Унинг қанчадан-қанча ўғил-қизлари она-Ватан озодлиги йўлида азиз жонларини фидо қилдилар, евуз душман галаларини қириб, ажойиб ботирлик намуналарини кўрсатдилар. Халқимиз жанг майдонларидан кўчирилган қардошларимизга бошлана берди, фронтга озин-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳани пайдар-пай жўнатиб турди, ўз жамғармаларини ғалаба йўлига тикди. Сиз суратда кўриб турган танклар ўзбек халқининг ана шу жамғармалари ҳисобига қурилган «юрувчи истеҳком»лардир. Уларнинг икки ёнларига «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» деб ёзиб қўйилган. Бу танкларда ботир йигитларимиз ёвга қирон келтирдилар.

Вобкент районининг Тезгузар қишлоғида туғилиб, шу ерда ақлини танган Абдугани Набиевнинг йигитлик йиллари Россияда ўтди. Ҳаёт тақозоси билан Оренбургга келиб қолган А. Набиев Россия чоризмининг барча жабр-зулмини бошидан кечирди. Бу ердаги иккилобчилар билан учрашиб, марксистик тўғарақларга қатнашди, хат-савод чиқарди, ўзининг чинакам ҳақ-ҳуқуқини таниди, иккилобчи бўлиб етишди. Шундан кейин Бухоро амирлигини ағдариш, Бухоро Совет Халқ Республикасини ташкил этиш, коллективлаштириш, босмачиларга, ички душманларга қарши курашни ва иккилоб ғалабасини мустақамлаш ишларида фаол қатнашди. Бухоро Совет Халқ Республикаси, кейин эса, Ўзбекистон ССР ҳукуматида масъул ўринларда ишлади.

1920 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятидаги пенсионер Абдугани Набиев ўз ҳаёти ҳақида китоб ёзмоқда.

Қўйида ана шу иккилоб фарзандининг ҳаёти ва ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

* * *

Россияда ғалаба қозонган Октябрь иккилобининг ҳаётбахш шамоли Бухорога ҳам етиб келди. Коммунистлар ва ёш бухороликлар партияси атрофида тобора кўпроқ уюшаётган меҳнат аҳли амрлик салтанатига ҳавф сола бошлади. Бундан талвасага тушган амир Олимхон ва унинг ҳомийлари ҳар қандай жирканч йўл билан бўлса ҳам халқни тинчйтиш, ҳокимиятни қўлда сақлаб қолишга интилди. Россия оқвардиячилари, Англия ва Америка империалистлари ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар, амирга катта-катта ваъдалар бериб, уни халққа,

ИККИЛОБ

ёш Советлар ҳокимиятига қарши қонли жангга ундадилар.

Хурриятталаблар сафи тобора кенгайди. Улар орасидан прогрессив кучлар етишиб чиқди. Халқ фарзанди Файзулла Хўжаев раҳбарлигида ёш бухороликлар ташкилоти бахт-саодат учун курашнинг олдинги сафларида борди. Амир Олимхондан манифест беришни талаб қилиб халқ намоёнларини уюштирди. Бу қудратли тўлқиндан қўчиб қолган амир маслаҳатлашиб, кейин жавоб беражагини айтди. Уша кезларда амир амалдорлари орасида ҳам прогрессив фикрдаги кишилар йўқ эмас эди. Улар амирга таъсир кўрсатиш учун анча ҳаракат қилдилар. Лекин фойда бўлмади. Усмоқул қўшбегии Россияда халқнинг кайфиятини, вазиятини ҳисобга олиб, манифест беришни амирга айтган эди, у қутуриб кетди. Бухоро қозон калони Бурхониддин ва Судур эшонлар билан тил бириктириб, Усмоқул қўшбегининг бошини олдиртди. Унинг ўрнига Урганжибек деганини тайинлади. Амир «Бухоро муллалариники, манифест беролмайман» деб ошқора айтди ва зулмини кучайтириб юборди.

Ёш бухороликлар Туркистон Совет Республикаси Министрлар Советининг Ранси Колосовага бу тўғрида мурожаат қилдилар. Колосов раҳбарлигида Амир Олимхон ҳузурига — Арка вакиллар келишди. Аммо амир уларни қонли ур-калтак билан қарши олди. Ёш бухороликлар ташкилотининг раҳбари Файзулла Хўжаевни қўлга тушуролмаган қонхўрлар уни икки марта сиртдан ўлимга ҳўки этдилар. Хурриятталаб мулла Теша Шокиров амир зиндонида қатл этилди. Садриддин Айний таёқланди. Минг-минглаб бегуноҳ кишилар зиндонларга солиниб, сўнгра ўлдирилди. Амрнинг жойлардаги бекари ҳам бўш келмадилар. Ҳар қандай йўл билан халқдан ўч олдилар. Ҳатто Қарши беги шубҳали ҳисобланган кишиларнинг гўдақларини ҳам тириклайин ерга кўмарди...

Шундай қилиб Бухоронинг ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиққан ёшларига, коммунистларга кенг қўламда ҳужум бошланди. Чет эл агентлари эса амрнинг бу ишларини қўллаб-қувватлаб турдилар. Минг-минглаб ёш бухороликлар ўзлари туғилиб ўсган Ватан тупроғини вақтинча тарк этишга мажбур бўлдилар. Ватандан, қавм-қариндошларидан, дўстлардан йироқларда яшаш, рус революционерлари билан учрашувлар уларнинг қарашларида туб бурилиш ясади.

* * *

Бундан 76 йил муқаддам Шофрикон туманидаги Тезгузар қишлоғида дунёга келган Абдуганини ота-онаси ташлаб амир-

ликдан пинҳона қочиб Қозогистоннинг Қазали шаҳрида қочпана топади. Оиладан ажралиб қолган Абдугани Вобкент тумани қишлоқларида анча вақт сарсон бўлиб юрди. Ниҳоят ота-онасининг дарагини топиб, 1902 йилда уларнинг ёнига борди. Афсуски, у ўз ота-онасининг меҳридан узоқ баҳраманд бўла олмади. Кўп ўтмай етим қолди, яна сарсонлик-саргардонлик бошланди. 1914 йилнинг қузида тирикчилик ва ҳаёт тақозоси билан Оренбург вилоятига келди. Бу ерда Вафобой Ҳакимов деган катта бойга юк ташувчи бўлиб ишга кирди. Николай подшонинг 1916 йилдаги умумий сафарбарлиги мурғакгина Абдуганини ҳам ўз гирдобига олди, ҳарбий хизматга чақирилди. Бахтни қарангки, у бир қанча тенгқурлари билан Аҳмаджон Тоҳиров деган командирнинг ротасига тушди. Аҳмаджон бўлса В. И. Ленинни кўрган, унинг сўзларини эшитган, партиянинг бир қанча топириқларини бажарган кишилардан эди. Аҳмаджон Тоҳиров уни Лениннинг шоғирдларидан бири П. А. Кубузевининг иккилобий тўғарагига бошлади. Абдугани П. А. Кубузов раҳбарлигидаги тўғаракка қатнашиб, ўқиш-ёзишни, энг муҳими рус тилини ўрганиб, марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланди. Шундан кейин у Кубузов тавсияси билан аскарлар орасида, сўнгра эса Оқбулоқ, Оренбург, Илетук деган жойларда аҳоли орасида иккилобий тарғибот ишларини олиб борди. Ниҳоят Октябрь иккилобининг иштирокчиси бўлди, қизил гвардия сафига биринчилар қаторида ёзилди ва у Советларга қарши ҳужумга ўтган генерал Дутов шайқасини тор-мор келтиришда қатнашди.

1918 йил охирларида эса ипчи-солдат депутатлар Советининг йўлланмаси билан А. Набиев Қазалига ишга юборилди. Бу ерда у ички душманларга қарши курашди.

Бир кунги Абдугани акани Қазали шаҳар партия комитетининг секретари Семёнов ўз ҳузурига чақирди.

— Сиз актив иккилобчилардан бўлган-лигиниз учун муҳим бир гап ҳақида фикрлашиб олмақчи эдим.

— Марҳамат,— деди Абдугани ака.
— Когодан телеграмма келди. Бухоро амрлиги Советларга таҳдид солаётган экан, шунинг учун шахримиздаги барча ёш бухороликларни чақириништи,— деди секретарь ва юз берган вазиятни муфассал тўшунтирди.

Эртасига шаҳар партия комитетида йигини бўлди. Коммунист Бобоназар Хидиров раҳбарлигида бир гуруҳа ёшлар Бухоро фронтга жўнатилди. Қазалидан чиққан қисм 1920 йил 24 августда Когонга кириб келди.

Шу пайт Бухорода вазият қандай эди? Ҳаддидан ошиб кетган амирини тавбасига



Абдугани Набиев (1923 йил).

таянгириб қўйишга қатъий бел боғлаган Бухоро инқилобчилари Совет Россияга ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. В. И. Лениннинг таклифи билан М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бошчилигидаги Совет Қизил Армияси қисмлари Бухоро халқига ёрдамга келади. Туркистон Компартияси Марказий Комитети ва Туркистон ҳукумати курашларда синалган бир қанча коммунистларни, миллий кадрларни бу ерга юборди. Улар орасида Бухорода туғилиб шу ерда ўсган, кейинча эса амирлик ва Россия ҳарбий агентлари томонидан бошқа ўлкаларга сургун қилинган Собиржон Юсупов, амир тазйиқидан қочиб кетган Файзулла Хўжаев ва бошқалар ҳам бор эди.

1920 йил 28 августда Бухоро революцион комитети тузилади. Унинг составига В. В. Куйбишев таклифига биноан Туркистон Компартиясининг атоқли арбобларидан С. Юсупов, Н. Хўжаев, шунингдек Ф. Хўжаев бошлик яна қўлгина маҳаллий инқилобчилар киритилди.

Бухоро эътиборли меҳнатқашлар оmmasининг қонхўр амир ва беklar ҳукуматига қарши қатъий ҳужумга ўтиш вақти келди. Шундай қилиб амир салтанатига қарши ҳужум бошланди. 29—30 август кунлари давомида Бухоро қалъаси қамал қилинди. М. В. Фрунзе раҳбарлигидаги Қизил Армиянинг замбаракларидан Арк деворига қараб отилган ўқнинг дастлабки зарбаси амир салтанатини ларзага келтирди. 1920 йил 31 августда Санд Олимхон ўзининг энг яқин аркони давлати билан Бухорони ташлаб қочишга мажбур бўлди.

1920 йил 2 сентябрда М. В. Фрунзе амирликни ағдариб, Регистон устида Қизил байроқ ўрнатилгани ҳақида В. И. Ленинга телеграмма юборди. Худди шу кун Бухорони овоз қилишда қатнашган бешча жангчиларни, командирларни ўртоқ Фрунзе Россия ҳукумати ва большевиклар партияси номидан қизгин қўлади. Революция арафасида Компартия сафига ўтган оташин жангчи, биринчи ўзбек командирларидан бири Абдуғани Набиевнинг номи ҳам шу кун таъкидлаб ўтилган эди.

* * *

1920 йил 14 сентябрда Бухоро меҳнатқашлари вакилларининг биринчи ташкилий қурултойи бўлди. Унда Файзулла Хўжаев Бухоро халқ инқилоби ва навбатдаги иқтисодий-сиёсий вазифалар ҳақида доклад қилди.

Қурултойда Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил тоилганиги тантанали сурада эълон қилинди ва унинг составига номзодлар кўрсатилди. Қурултой қатнашчилари Файзулла Хўжаевни Бухоро Совет Халқ Республикаси назирлар шўрасининг

раиси, Абдуқодир Муҳитдиновни Республика Марказий Ижроия Комитетининг Раиси, Ёқубзодани Ташқи ишлар назирини, А. Ориповни Ҳарбий ишлар назирини, Қорийўлош Пулатовни Халқ маорифи назирини, Мухторжон Саиджоновни Ички ишлар назирини, Фитрат афандини Молия назирини, Собиржон Юсуповни Бухоро шўролар ҳукумати революцион комитетининг раиси қилиб яқдиллик билан сайладилар.

Еш Совет давлати халқ хўжалигини тиклаш, камбағал деҳқонлар ва ҳунармандлар аҳволини яхшилаш учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширишга киришадиган пайтларда Шофриков, Вобкент, Ёғдудов, Кармана туманларида ҳам босмачилик ҳаракати авж олди. Эндиги энг муҳим вазифа дарҳол юз берган ташвишли аҳволнинг олдини олиш, халқ республикаси душманларига, босмачиларга қарши қақшатқич зарба беришдан иборат эди. Файзулла Хўжаев раҳбарлигида тузилган фавқулодда комиссия Россияга мурожаат қилди, амирликка қарши курашларда синалган кадрлардан иборат қуроли отрядлар тузилди. Ички ва ташқи душманларга бирин-кетин зарба берилди бошланди.

Бухоро Совет Халқ Республикасининг назкур ходимларидан бири коммунист Абдуғани Набиевга Вобкент ва Шофриковнинг шимолидаги Тикайқудуқ яйловига куч тўплаётган Ҳожилатиф девонбеги бошлиқ босмачилар шайқасига зарба бериш вазифаси топширилди. 1922 йил 24 августда Вобкент қўроғига етиб келган Совет Қуроли Кучлари душманга тўсатдан ҳужум қилиш планини ишлаб чиқдилар. Абдуғани Набиев бошчилигидаги оператив группа душманлар жойлашган ерининг шаронти ва уларнинг асосий кучи билан танишиб қайтди. Е. В. Газеен командир бўлган 13-ўқчи корпус тўсатдан ҳужум бошланди. Тикайқудуқдан 20 километр берда бўлган жангда Ленинград ҳарбий академиясини яқиндагина тугатиб қайтган Газеен ҳалок бўлди. Гарнизон командирлиги Абдуғани Набиевга юклатилди. Шиддатли ҳужум натижасида 1500 босмачи қириб ташланди. Қаҳҳор қўрбошининг яқин кишиси ҳисобланган Бўзча Ботир асир олинди. Лекин унинг ўзи қочиб улгурди. Бир гуруҳ босмачилар эса Хўжа Ориф қишлоғига келиб Ўбекиддилар. Кўп ўтмай таслим бўлдилар.

Партия Абдуғани Набиевни ҳар гал оғир участкага ишга юборар эди. Чунки у қаерда бўлмасин партия ва халқ ишончини оқлар, душманларни зир титратар эди. Шу босдан уни Карманага фавқулодда комитетнинг вакили қилиб юбордилар. Абдуғани ака бу ишни ҳам қўнгилдагидек бажарди. Бухоро Совет Халқ Республикасининг гарби-шимолидаги босмачиларга сўнги ва ҳал қилувчи зарба берилди.



Абдуғани Набиев (1967 йил).

Абдуғани Набиев шундан кейин ер ислохотини амалга ошириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш, коллектив хўжаликлар тузиш, мелiorация-ирригация ишларини амалга ошириш, ички душманларга қарши кураш олиб бориш ишларига фаол қатнашди. Жилвон каналини қазинишга амалий раҳбарлик қилди.

Россия большевиклар партияси Марказий Комитети Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг истақларини ҳисобга олиб, миллий чегараланиш ўтказиш юзасидан зарур тадбирлар белгилади. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш юзасидан тузилган комиссия составига инқилобчи Абдуғани Набиев ҳам киритилди. Ўртоқ А. Набиев ўзбек, қозоқ, қирғиз, тоjik, туркман, қорақалпоқ ва бошқа миллият фарзандларидан ташкил топган комиссия аъзолари билан ҳамкорликда ишлаб, анчагина муҳим таклифлар киритди. Иттифоқдош республикалар тузиш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлашда қатнашди.

Республиканинги ижтимоий-сиёсий ҳаётига актив қатнашаётган А. Набиевга қундалиқ ҳаётида юз бераётган вазифаларни бажариш топширилларди. 1925 йил 6 февралда расмийлаштирилган 121/39 рақамли ҳужжат билан у, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи ташкилий съездини чақирини комиссиясининг раиси қилиб тайинланди. Ўзбекистон КП биринчи съезди ташкилий ва гоивий жиҳатдан юксак савияда ўтди.

Абдуғани Набиев узоқ йиллар давомида партия, совет ва хўжалик органларида садоқат билан ишлаб келди. Партия ва ҳукуматимиз революция, меҳнат ветерани А. Набиев хизматларини муносиб тақдирлади.

Кураш ва меҳнатда тоилган кекса инқилобчи афсуски ҳозир орамизда йўқ. Яқинда биз у билан бир умрга видолашдик.

Муҳаммаджон БАҚОЕВ,
Бухоро.

ФАРЗАНДИ

ПАНФИЛОВЧИ

ҚИЗ



Панфиловчи Кейникеш Диева ва умр йўлдоши Донёр Абдурахмонов.

(1944 йил).

— Опа, сен нима десанг шу!— деди Кейникеш мактабни битирган кунни кечқурун онасига.— Уч укам билан сени ёлғиз ташлаб кетмайман. Укаларим катта бўлиб ишга яраганларича колхозда ишлаб тураман. Ундан кейин докторликка ўқийман.

Ибодат қизига меҳр билан бирдам тикилиб қолди.

— Етимман деб ўқисма, қизим,— деди Ибодат Кейникешнинг пешонасидан ўтиб,— мен эсон бўлсам укаларнинг кўчада қолмайди, колхоз ҳам ёрдам бериб турипти. Хоҳлаган жойингга бориб ўқи, мен розиман!

Қиз 1937 йилда Олмаотага келиб рабфак (ишчилар факультети)нинг кечки бўлимига ўқишга кирди.

Кейникеш тўртинчи кўрсда ўқиб юрганида гитлерчи фашистлар мамлакатимизга ҳоинларча ҳужум қилдилар. Бу совуқ хабар барча совет кишилари қатори Кейникешни ҳам изтиробга солди. Қани энди рухсат беришсаю, ёвуз босқинчиларга қарши жанг қилаётган, Ватан учун жон олиб-жон бераётган жангчилар ёнига етиб борса. Уларнинг дардига малҳам бўлиб, ўлим билан олишаётган ботирларга қайта ҳаёт бағишласа!

Ниҳоят, Кейникешнинг студентлик ҳаёти поёнига етди, у 1942 йилнинг августидан институтни иттифозли диплом билан ташовлади. Кейникеш билан бир гуруҳдада ўқиган ўн беш қизнинг ҳаммаси ўзларини фронтга юборишларини сўраб ариза беришди.

Эндигина врачлик дипломини олган ўн беш қиз тушган поезд ярим кечада Москвага қириб борди.

Қизлар Москвада уч ойлик махсус курсда ўқиганларидан кейин уларни турли фронтларга бўлиб юборишди. Кейникеш 2-Болтиқ бўйи фронтга бориб тушди. Қиз дастлаб Великие Луки, сўнгра эса Тарапецк шаҳарларидаги кўчма госпиталда ишлади. Орадан бир йил ўтгач, 1943 йилнинг августидан 8-панфиловчи дивизиянинг 23-ўқчи полки медпунктига младший врач қилиб тайинланди.

Кейникеш дунёга танилган афсонавий қаҳрамонларни етиштирган дивизияга келган кунни ҳам эсдан чиқармайди. Кечга яқин у йўловчи ҳарбий машиналарнинг бирида полк штаби жойлашган ўрмонни топиб келди. Бир томон куюқ ўрмон, иккинчи томон чексиз ботқоқлик. Қўшининг сўнгги нурулари найзадек санчилаётган ғарб тарафдаги тепаликларни душман позициялари эгаллаган.

Кейникеш соқчига ҳужжатларини кўрсатди-да, штаб жойлашган ертўлага кириб борди. Қотмадан келган, кекса подполковник ертўланинг тўрига қўйилган омонатгина стол устида картага энгашиб нималариндир белгиляпти. Подполковник боштини картадан кўтариши билан қиз у томон шаҳмадан юриб келди-да, доклад қилди:

— Тошириққа мувофиқ ҳарбий врач, старший лейтенант Диева ҳузурингизга келди!

Подполковник қизнинг жануб қўбидида қорайган тундек сочларига, анордек дўппи чехрасига, чакноқ кўзларига оталарча меҳр билан қараб қўйди, бошини ўйчан қимирлатди. Сўнг фронтга қачон келганини сўради-да, полк медресати бош вазири Абдукаримов номига йўллашма ёзиб берди.

8-панфиловчилар дивизияси душманга қараганда анча ноқулай позицияда жойлашган эди. Шарқи-жануб томон нуқул ўрмонлардан иборат бўлса, ғарби-шимолий қисм чексиз ботқоқликлар билан қопланганди. Фашистларга ҳужум қилиш учун эса чуқур ва суёқ ботқоқликларни кечиб ўтишга тўғри келарди. Гитлерчилар позиция тутган адирликлар стратегик жиҳатдан ҳам анча қулай, ботқоқликдан ҳар бир ҳаракат қафда тургандан аниқ кўринарди. Совет қўшинлари томонида Старая Русса шаҳридан қувилган фашистлар узундан-узқоқ қўбидида кетган «Холм» тепалигиндаги қулай вазиятдан фойдаланиб, унга тип-тироғи билан ёпишиб олдилар. Улар тепалиқнинг ҳар бир қаричини танкка, пнедаларга қарши минаяр билан тўлдириб ташлашди. Лекин нима қилиб бўлса ҳам олдинга юриш, душманин янчиб ташлаш керак.

Гитлерчилар ҳужум қилишга ботинолмасалар-да, пайт пойлашар, тепалиқни қулдан чиқармаслик, панфиловчилар ҳужумини шу ерда тўхтатиб қолишни ўйлардилар Совет жангчилари эса ботқоқликни кечиб ўтиш учун катта тайёргарлик кўришарди. Дивизия штабларида кечаю-кундуз тайёргарлик ишлари муҳокама қилинар, олинган янги маълумотлар ишлаб чиқилар, разведкачиларимиз оёқларига тахта бойлаб ботқоқликдан ўтиб, душманиннинг ўт очиш нуқталарини, ботқоқликдан танклар юра олиши мумкин бўлган жойларни аниқлардилар. Ниҳоят тонг қоронғусида панфиловчилар дивизиясининг гитлерчиларга қарши шиддатли ҳужуми бошланди. Кейникеш хизмат қилаётган 23-полк ва унга қўшни бўлган 19-ўқчи полкка душман позициясининг биқинига зарба бериш топширилди.

Оғир ва узоққа отувчи тўпларимиз тепалиқни икки соат давомида муттасил ўққа тутди. Сўнг ботқоқликнинг кечиб ўтиш мумкин бўлган еридан совет танклари тепалиқ сари отидилар. Пнедалар фашистлар позициясига ташландилар.

Ботқоқликдан бир қадам силжиб ниҳоятда машаққатли эди. Ботқоққа ботиб қолган тўпларни баъзан саккиз от билан ҳам тортиб чиқаришнинг иложи бўлмай қоларди. Лойга беланган панфиловчилар олға, фақат олдинга интилардилар.

Барча ҳарбий врач ва санитарлар қатори Кейникеш ҳам олдинги позицияда, шиддатли жанг бўлаётган ерда ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатар, гоҳо эса ботқоқликка кўксини бериб, тепаликда кўринган фашистларга пистолетдан ўқ узарди.

Тепаликка етиб борган танкларимиз гитлерчиларни босиб-янчиб, ўрмалаб чиқа бошлади, пнедаларнинг авангард қисми ҳам тепаликка тирмашди. Кейникеш қуруқликка қадам қўйгани ҳамон, қирғоқда бир ярадор лейтенантни маҳкам қучоқлаганича ётган олтойлик санитар Мирошниченкога кўзи тушди.

Қиз яқин бориб қаради, санитар ҳаётдан кўз юмган эди. У билан ёни-ёни ётган лейтенант ҳам хушсиз. Мирошниченкога энди ҳеч қандай ёрдамнинг фойдаси йўқ. Лекин лейтенант ҳаётини сақлаб қолиш керак. Санитар келишини кутиш мумкин эмас. Ярадорни тездан операция қилиш зарур.

Кейникеш ярадорни елкасига кўтарганича ботқоқликка, медицина пунктни тарафига йўл олди. Толлиқан ерида ярадорни лойда суради, минг азоб билан қуруқликка етказиб келди. Бош врач Абдукаримов кўмағида лейтенант кўкрағидаги мина парчасини олиб ташлади.

Шу кўйи бир сутка давомида тик туриб ишлашга тўғри келди. Жанг майдонидан кетма-кет келтириб турилган ярадорларнинг ярасини боғлади, лозим бўлганларини операция қилди. Кечга бориб «Холм» тепалиғи панфиловчилар қўлига ўтди.

Эҳ-ҳе, Кейникеш, яна қанча-қанча жангларни кўрмади дейсиз! Унлаб ярадор жангчиларни ўқлар ёнгирдай ёниб турган жанг майдонларидан олиб чикди, неча-неча жангчиларни яна ҳаётга қайтарди.

Кулларнинг бирида подполковник Ломов уни чақириб қолди, Маълум бўлишича, разведкачилар бўлими душман орқасига ўтиб қайтаётганида фашистларга дуч келиб қолишган. Қаттиқ жанг бўлган, уларнинг командирини граната парчаси тегиб, қаттиқ ярадор бўлган. Бу ерга келтириладиган бўлса, кўп қон кетиб, ҳалок бўлиши мумкин эди. Ярадор командирнинг ёнида бир разведкачини соқчи қилиб қолдириб келишибди. Подполковник шу гапларни айтди-ю, қизга қаради.

— Ярадорни ўша ернинг ўзида операция қилиш керакка ўхшайди. Кимнинг боргани дуруст?

Кейникеш ҳеч ўйлаб ўтирмай дарҳол жавоб қилди:

— Агар ижозат берсангиз ўзим бора қолсам, ўртоқ подполковник!

Подполковник норизо бўлгандай қошларини чимирди:

— Сизга тўғри келмайди. Қирқ километрга яқин масофа. Бундан ташқари чакалакзорли ўрмон оралаб бориш керак. Ҳар қадамда фашистлар учраб қолиши мумкин. Яхшиси эркаклардан юбора қолайлик.

— Ўртоқ подполковник, ўрмонларда душман орқасида қизлар партизанлик қилиб юрганида, нахотки, мен бир кунга ҳам ярамасам.

Полк командири Ломов бу жанублик қорақўза қизнинг сержаҳлигига одатланиб қолгани учун кулиб қўйди:

— Борақолинг, розиман!

Кейникеш тунда сибирлик разведкачи йигит билан йўлга чиқди. Ўрмон оралаб душман орқасига ўтиб олишди. Эртасига чоп-гоҳда ярадор ёнига етиб боришди. Ярадорни ўзи ётган горда операция қилиб, елкасига санчилиб қолган граната парчасини, оёқ сонидаги ўқни олиб ташлади.

Кейникеш дивизия госпиталига ишга ўтганида у илгари хизмат қилган 23-ўқчи полк билан доимо ёнма ён юрайдиган 19-ўқчи полк командири майор Доннёр Абдураҳмоновни келтиришди. Майор Абдураҳмоновнинг оёғи болдирини ўқ ялаб ўтган, кўкрагига теккан ўқ қовурга суянгга қадалиб қолган эди.

Тезда операция қилишга киришилди. Кейникеш майор қовурғасига қадалган ўқни олиб ташлади, оёғини даволаб боғлаб қўйди. Икки кун ўтгач, Абдураҳмонов кўзини очди. Тешасида энганиб турган санитар қиздан ўзини ким операция қилганини сўради.

— Сизни ҳарбий врач, капитан Диева операция қилди, — деб жавоб қилди санитар қиз.

— Раҳмат ўртоқ ҳарбий врач, элатим! — деди Абдураҳмонов Кейникеш унинг соғлигидан хабар олмоқчи бўлиб келганида.

Кўнгил-кўнгилга тушса ҳар бир сўз, имо-шпора кўзга кўринмас иллар билан уларни бир-бирига боғлай берар экан. Майор Абдураҳмонов ва ҳарбий врач капитан Диеваларнинг оловли йилларда туғилган муҳаббати икки ёш юракининг бир ёстиқда бош қўйишига олиб келди. Ригадан фашист газандалари қувиб чиқарилган кун уларнинг тўйи бўлди. Еш кувё-келин галаба онларини жанговар сафда бирга кутиб олишди...

* * *

Вақт парвоздаги қушга ўхшайди. Мана уруш тугаганига, ўша унутилмас жангу жадалли йиллар орта қолганига 22 йил бўляпти. Гаалабадан кейин тинч, осуда ва қувончли ҳаёт бошланди. Саломатлиги туфайли майор Абдураҳмонов занасга бўшатилди. Кейникеш ҳам эри билан Шахрихонга келди. Бу ерда улар катта тўй қилиб беришди. Кейникеш укалари ва онасини унутмади. Уларнинг ҳолидан хабар олиб турди. Укаларининг ўқишига, турли мутахассисликни эгаллашларига ёрдамлашди. Сингиллари Омينا билан Рухигул врач бўлиб етишдилар, укаси Олломурад эса консерваторияни тамомлади.

Кейникеш эри билан тотув, ширин турмуш кечирди. Бироқ бу узоққа бормасди. Ўша жангу-жадаллар—фин каллакесарлари, фашист боқинчиларига қарши жангларда орттирган яралар заласидаги майор Доннёр Абдураҳмоновга ўз зарбини кўрсатди. У 1961 йилда вафот этди.

Оғир жудодик Кейникеш опани қаттиқ изтиробга солган бўлсади, унинг пўлат иродасини буколмади. Тўрт боласини оталари каби эл-юртга чексиз садоқат руҳида вояга етказмоқда. Кичкинтойи Равшанои болалар боғчасида тарбияланипти, тўнгич ўли Шавкат Олмаота университетига дабили оляпти. Мурадбек ва Фаридалар мактабда ўқувчи. Қайиниси Анварбекнинг ҳам медицина ходими бўлиб етишишга ёрдам қилди. Қайнонаси Зеби хола-ни ўз онаси каби меҳр-муҳаббат билан парварши қиялпти.

Кейникеш опа урушдан кейинги йилларда меҳнатқашлар саломатлигини сақлаш соҳасида ҳам самарали хизмат қилди. Бунинг учун у икки марта Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг «Фахрий ёрлиғи»ни олишга сазовор бўлди. 1965 йилда эса Ўртоқ Диевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» унвони берилди. Ҳозир у Андижон область Москва район марказий касал-хонасининг юқумли касалликларга қарши кураш бўлимининг бош врач.

Пўлат иродали, жасур ва тиниб-тинчимас аёл, собақ панфиловчи Кейникеш опани инсон саломатлигини сақлаш учун бутун куч-гайрати, билим-тажрибасини сарф қилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.



Ҳисор қўйлари қани?

«Гулистон»да босилгандан сўнг

Бизга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигидан хабар қилдилар:

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1961 йилда қўйчиликни ривонлантириш билан боғлиқ бўлган масалани муҳомама қилиб, 1961 йил 14 февралда думбалиқ хисор қўйлари кўпайтириш ва уларнинг гўш ва ё сифатини яхшилаш чораларини белгиллаган эдилар.

Шу қарор асосида махсус план тузилиб, унда Сурхондарё областининг Денов, Бойсун, Шўрчи ва Сарийосё районларида хисор қўйлари кўпайтириш нўзда тутилган эди. Натижада бу районларда 1967 йил 1 январгача хисор қўйлари кўпайтириш сони 260 мингга етди. Шунингдек хисор қўйлари республикамизнинг бошқа областларида ҳам мавжуд.

1962 йилда «Бойсун» совхози базасида хисор қўйлари заводи ташкил этилди.

Қўрилган бу тадбирлар натижада хисор қўйлари кўпайтириш маъийб нетишига тамомила барҳам берилди ва натижада улар

1967 йилдан бошлаб кўпая бошлади.

Хўжаликларини ихтисослаштириш ҳисобига Сурхондарё областининг қолхоз ва совхозларида янги хисор қўйлари фермалари ташкил этилди.

Бошқа республикалардан муттасил равишда зотдор хисор қўчқорлари нелтирилмоқда. Масалан, Тожикистондан 1962 йилда 350 бош, 1963 йилда — 488 бош. 1965 йилда — 316 бош ва 1966 йилда — 317 бош қўчқор келтирилди.

Натижада 4 йил мобайнида Сурхондарё области хўжаликларидан республикамизнинг бошқа қолхоз ва совхозларига 2600 бош ёш қўчқор ва кўзи сотилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги область қишлоқ хўжалиги бошқармалари, совхозлар трестлари, район бошқармалари, қолхозлар ва совхозлар билан биргаликда республикада хисор қўйлари сонини янада кўпайтириш, уларнинг махсусдорлик сифатини ошириш соҳасида кенг иш олиб бормоқдалар.

Сут муаммоси

«Гулистон» редакциясига

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги журналнинг 1967 йил май сонида босилган «Сут муаммоси» сарлавҳали мақола билан танишиб, унда сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масаласи тўғри кўрсатилган деб ҳисоблайди. Республика қолхоз ва совхозлари озуқа базасини яратиб, бу соҳада аввало туپроқнинг унумдорлигини ошириш ва чорвачилик эҳтиёжларини қондириш мақсадида беда экиладиган майдонларни неғайтириш бўйича зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. 1965 йилда 203.800 гектар, 1966 йилда 218.000 гектар, 1967 йилда 252.800 гектар ерга беда экилди. Бундан кейинги йилларда алмашлаб экиладиган ерларда нўп йиллик ўсимлилар майдонини неғайтириш йўли билан озуқа базасини мустаҳкамлаш нўзда тутилади. Бу республика хўжаликларига сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кўпайтиришга ёрдам беради.

Қолхоз ва совхозларда озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда қорамоллар учун янги биналар қуриши, оғир

меҳнат талаб қилмайдиган ишларни механизациялаш чоралари амалга оширилмоқда. Сут фермаларини комплекс механизациялаш лавалари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, область ва район қишлоқ хўжалиги бошқармалари, совхозлар трестлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IV пленуми қарори асосида иш олиб борадилар. Бу қарорда мақола муаллифи ўртага ташлаган масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Журнал нўтарган масалалар республикамиз хўжалигида натижа ахамиятга эга экинликни, уларни хавфга татбиқ этиш сут етиштиришни кўпайтиришга ёрдам беришини назарда тутиб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бу масалани яхшироқ тушунишда ва ўз хўжалигида ишни яхшилашда қолхоз ва совхоз раҳбарларига нўман беради деб ўйлайди.

Я. КРАСИЛЬНИКОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги муовини.

Машъум уруш минглаб оилаларнинг ёстигини қуритди. Юз минглаб кишилар қалбда ўчмас жароҳат изини қолдирди. Шундайлардан бири ўзбек операсининг биринчи қалдирғочи Гали Искалиев. Унинг тўрт йил умри одамхўр лагерларда, жумладан 24 ойн Бухенвальд концлагеридеда ўтган. Аммо, таҳқирланмишлар, очлик, қийновлар, минг турли зулм унинг қўшиқчилик санъатига бўлган муҳаббатини сўндиролмади. Концлагерда қўшиқ, куй...! Қўйида биз ана шундай қўшиқ санъатига содиқ қолган бардошли қўшиқчи ҳақида ҳикоя қиламиз.

* * *

Ҳарбий комиссарнатдан такрор чақириқ қогози келди. Бу сафарисиде «сафар анжомлари билан келишин» деган сўзлар ҳам ёзилган эди... Валентин арияси билан вақтинча хайрлашишга тўғри келди. Аммо, «Фауст» томини ўзи билан олди.

Қизил вагон, йўлда, ёш йигитлар даврасида. Тошкент, театрлар орқада қолиб кетди... У уйига биринчи бор шундай хат ёзди. «Хизматни бошлаб юбордим. Белоруссия ССР, Волковск шахридаман. 1941 йил 20 май». Ҳа, уруш, жану жадал дейдилар бунн. Кечаги қўшиқчи бугун солдат...

Минск йўлида Дзержинск шаҳарчасига етишганда уларнинг бўйинмаси таққа-тақ тўхтаб қолди. Кунн кеча дунёнинг у кетида туюлган душман ана кўз олдида: у аблах хурсанд, қорин тўқ, шундай қувноқни, гўё бу ерларнинг хўжайини у. Хашпаш дегунча орадан икки ҳафта ўтди. Мана у асир, уларни вагонларга қамаб, Ғарб томон олиб кетишлати. Кўнига 10—15 асир ўлиб турибди. Зулм, касаллик, очлик асирликнинг кундалик ҳаёти бу.

Ҳарбий асирлар ҳаётининг янги саҳифаси бошланди. Улар Бельгияга келишди. Шахталарда тонгдан тун қоронгусиғача иш. Кўнига 200 грамм қора нон, бир коса шилдир ёрма суюқ ош, бир неча ҳафта ичидеёқ кўпчилиқнинг силлеси қуриб, ялиги қалтираб қолди. Гали эса ишга чиқолмай ётиб қолди. Дўсти Николай Киног ёрдами ва қанчадан-қанча қаракатларидан сўнг, у касалхонага ётқизилди. Мана, эртага уни операция столига ётқизишади. У шифтга тикилиб ётибди. Қани энди, уйқу келса. Хаёллари чувалшиади:

1936 йил Мақтабини энди битирган ёш йигит эди, ўшагда. Вокал қўшиқчиларнинг Ўрта Осие конкурси. Қўриқ комиссияси столда танаққил ўзбек артистлари Мухитдин Қори-Ёқубов, Ҳалима Носирова, Қарим Зокиров ва Москвадан келган вакиллар ўтиришибди. Ундан ўзи севган қўшиқларни сўрашади. Қорабог қишлоғида айтиб юрган «қозоқча, ўзбекча, қирғизча ашуларини айти. У яна қуйламоқчи эди. Бирок, — «Бўлди, энди музика билим юртига қабул қилинганингиз билан табриклаймиз» — дейишди.

Ўн тўққиз ёшида Москва консерваториясига ўқишга келди... Ширин хотиралар, хотиралар... Кўзини аста очиб оқ халатли қиз ҳамшира Марияни кўрди. Вақт бўлди, қани операцияга деб турибди у...

Операциядан чиқди, аҳволи оғир, аммо хаёлидан ширин: уиничи кўрсдан бошлаб, СССР халқ артисти И. М. Москвин уни ўз оталиғига олди. Унга Дон-Жуан серенадасини италяни тилида айтишни ўргатиниға жазм этди. Бир кун машқ найтда курсдошларидан бири Гали эмас бу ҳақиқий Галилей деди. Шу, шу ўроқларни, ўқитувчилари ҳам уни Галилей дейишга одатланиб кетишди.

Қўлда диплом. У опера студиясини аъло тугаллади. Яна Тошкентда у. Свердлов номли опера ва балет театрининг кўзга кўринган солисти. «Бўрон», «Улуг канал», «Лайли-Мажнун» каби миллий опералардаги қўшиқчиларнинг моҳир ижроси. Классик асар «Борис Годунов»да Валентин партиясини тайёрлаётган пайтлар. Саҳнада мустақил иш бошлаганига атғи 8 ой бўлган эди...

Кўзини очса, Мария жилмайиб, — кўп

азобланаверма, албатта соғайиб кетасан деб турибди. Шу кунн Николай келди. Галидан ҳол-аҳвол ўсрағач, лагерда бир группа асирлар қочиб ҳаракатида эканини айтди.

...Уларга лагердан қочиб насиб қилмади. Искарботпарлар билиб қолишди. Мана, яна қийновлар. Такрор-такрор сўроқлар. Иккисини алоҳида хоналарга ташлади. Ҳарчанд қийновлардан ҳам натижа чиқмади. Минг бэр қийноққа қарамасдан дўқ-пўиса билан берилган саволлар ҳаммаси жавобсиз қолди. Сўнг ҳар иккаласини Германиянинг Франкфурт-на-Майне деган жойига жўнатди. Нотаниш ўрмонлар, тоғлардан ўтишиб Бухенвальдга етиб келишди.

1943 йил, 19 сентябрь, Бухенвальднинг совуқ куз тонги.

**Унутмайман сени, Бухенвальд,
Сенсан менинг аччиқ қисматим.
Сендан омон чиқолсан агар,
Озодлик қадрига умрим тикардим*.**

Гали Бельгияда немис назоратчиси шахтадан хўрланган кишиларга:— чўчқалар, сенларни бу санаторий ўнига Бухенвальдга жўнағиш керак, деганини эслади. Аблахнинг айтганича бор экан.

Крематориянинг совуқ мўриси. Ундан икки метрга кўтарилиб ёнган мурдалар алангаси, қора гутун чиқяпти. Қуйган гўшт ва суякнинг қўлакса ҳиди анқиб ётибди. «Хар минутига битта мурда!» деб «ҳай-вон» лар ёзган шпор бу.

Янги жафоашларни икки қаватли бинога тўплаб, қиймларини гўё олтин толиб оладигандай титқилаб теширишди. Дезинфекциядан кейин — йўл-йўл қўйлак, иштон улашди. Ҳаммага уч бурчакли номер тарқатилди.

— Мен махбус. Бу ерда одам эмасман. На номим, на фамилиям бор. Номиншонсиз мисоли бир номерман, — махбуслар орасидан бир шпор шундай ёзади.

8682 номер — Гали. Шу рақам «кичик лагер»га юборилди. Асирлар «қатта лагер»ни дўзах, кичигини дўзахнинг-дўзахи дейишарди.

Гали билан Николай ўн еттинчи блокка тушди. Тўрт қаватли тоо йўлакчага темир ланжаралар ортидан тоо тушиб турибди. «Пенналар»да 8—12 та одам — ана шундай катаклардан иборат баракларнинг ҳар бирида бир ярим минтадан тутқин...

Бир кунн Николай Галини бир киши билан таништириб:

— Ян Борисович цирк артисти — деди. Шу киши Я. В. Гофман билан маҳкам алоқа бўлиб, Ваъзан четроқ бараклардан бирига тўпланишиб концерт қўйишган кунлар бўлиб турди. Кейинчалик ажралишиб кетди. Николай 30-қублар барагига, Галини сийёсий асирларга 45-баракка юборди. Бу жойда немисларнинг мафкуравий асирлари ўларидан соғра-саломлаб олиб турар, шароит сал тузукроқ эди. Одам сафидан чиқиб оёғини зўрға судраб юрган эди, энди сал қувватга кира бошлади.



Антифашист немис Генрих Зундерманд билан танишиб олди. У 1938 йилдан бери «шу ерлик» экан. Бу ажойиб одам ўз ҳаётини хавф осидеда қолдириб, кўнига 10—15 тадан тош қирқувчи совет кишиларини турли баҳоналар билан ишдан озод қиларди.

Генрих рус тилида бемалол гаплашарди. Биринчи жаҳон урушидан кейин у Россияда бир неча йил яшаган экан. Рус халқ қўшиқларини севиб эшитаман, — деб ўша кеч танишишимиз шарофатига бирорта қўшиқ айтиб берасан дедди. Ўша кунн Гали тун ярмигача рус халқ қўшиқларини куйлайди. Унинг атрофига тўпланганлар она юрти, ўз қишлоғи, юртошларини ўйлаб тин олиб эшитишади.

Тадқалиш олдидан Николай унга «эртага эрталаб Генрих сени кутади, келгин» деб шивиллайди.

Эрталаб, Генрих Галини Йошеф деган букрисимон одамга топширди... У киши

*) «Бухенвальд жафоашлари қўшиғидан». Бу қўшиқ эвасчилар буйруғи билан австриялик иккита асир томонидан ёзилган. Кейинчалик бу қўшиқ лагернинг гимни бўлиб қолади (муаллифнинг изоҳи).



бир ертўлага бошлаб кириб қўлига игна бериб, ўттизгача пайпоқ тикаётган асирларга қўшиб қўйди.

Ўзбек Галилейси Николай билан ҳар кун алоқада бўлиб, фронтдаги аҳвол, Совет армиясининг сўнги муваффақиятлари ёзилган варақаларни тарқатишда актив қатнашди.

Бухенвальд узра озодлик нурлари ёлқиди. Совет Армияси кун сайин фашистларга қақшақтич зарба бериб, ғарб томон силжимоқда. Асирлар руҳи тетиклашиб, Совет Армиясининг 27 йиллигини нишонлашга яширича тайёргарлик кўришди...

Ян Борисович Гофман бўшчилигида қўшиқчи, музикачи, акробатчилар катта концерт программаси тайёрлашди.

Уша кечани Бухенвальднинг собиқ жафони Боқи Назиров ва артист В. Хейфиц қўйидаги таъсирлайди:

... Томоша зали лик тўла. Парда очилгач, асирлар саҳнада совет солдати формасидаги чапдаст йигитни кўришди. Қарсақ устига қарсақдан деразалар титраб кетди... Кейин зал сув қўйгандек жим. Композитор И. Дзержинскийнинг «Тинч Дон» операсидан «Улкадан-улқаларга» қўшиғи янграйди.

Одатдан ташқари бу концерт ана шундай бошланади. Ҳар бир минут хавф остида, эссачилар келиб қолиб концертни бузиб юбормасинин деган тарзда ўтди.

Концертни бошқарувчи асирларнинг семимли кишиси «Яна амаки» (Я. Б. Гофман бир неча ҳажвий номерларни бажарди). Кейин ўзбекистонлик қўшиқчи Галилей Искалиев деб навбатдаги чиқишини эълон қилди. Гали Фигаро ва Шчелкалов арияси ва «Тоглиқ қиз», «Олга» сингари бир неча оммавий қўшиқларни ижро этди.

Март охи ўрталарида Германия бир оёғида турарди. Фашизмнинг умри туташига бир неча ҳафта қолгани аниқ бўлиб қолди. 1945 йилнинг 11 апрелида Бухенвальдни ҳаводан ҳужум бошлаб яқсон қилиш ҳақида буйруқ берилди. Лекин, гитлерчилар бу қора ниятига етиша олмади. Шу кунги лагерда асирларнинг катта кўзголови бўлиб, ўзларини озод қилишди. Эссачилар қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин сичқонини минг танга деб қочиб қолди. Бухенвальд устида шу кунги қизил байроқ ҳил-пиради.

Уруш тугагач, Гали Дрезден ҳарбий ансамблида ишлади. Концерт бригадаси билан шу вақт ичиде бутун Германияни айланиб чиқди.

1946 йил кузда ниҳоят у жонажон Ташкентга қайтди. Сўнг тинч меҳнат кўчоғига шўнғиб кетди. Театр, севиқли касби. Агрофида эски танишлар. Тўғри, у баъзи йилларда оғир дамлар синовида ҳам ўтди...

Бироқ, тинч меҳнатда ҳам қанчалик чиғалликларга тўғри келмасин ҳаммасини енгди, семимли касбидан узоклашмади. 1952 йилда «Пионовая дама»да Елецкий ролини олиб чиқди. Урушдан олдинги орузига 12 йилдан кейин етди. Кейинчалик Алишер Навоий номи опера ва балет театрининг кундалик журналида қўйидагича ёзув пай-

до бўлди. «1952 йил, 17 июнь. Гали Искалиев, «Большой театр солисткаси Татьяна Талахадзе» билан «Фауст» спектаклида ўйнади».

Келгуси йил Галини Ўзбекистон Давлат филармониясига таклиф қилишди. Унинг қўшиқлари Украина, Узоқ Сибирь, Болтиқбўйи, Урал — бутун мамлакат бўйлаб парвоз этди. Қанчадан-қанча олқишларга сазовор бўлди. Юзлаб шахарларда бўлди. Ҳозир унинг репертуарида юздан ортиқ қўшиқ бор. У Чайковский, Рахманинов, Мусорский, Шуберт симфонияларни ижро этади. Ўзбекча, қозоқча, русча, татарча, қорейсча, чехча, полякча қўшиқлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлгати.

Биз Чиловоэарда унинг шинамгина уйда ўтирибмиз. Эгасининг ижозати билан фото-альбомдаги суратларни кўраман, Сурат орқасига қора қаламда битилган ёзувлар: «**Ўқимтой, «қорачағина» Галилейга бадий раҳбар Ян Гофмандан. Эсиндан чиқмасин Бухенвальд.**» — Билмадими унинг кейинги тақдирини нима бўлди. Ҳозир қаерда, дарағи йўқ, — дейди Гали Шарипович.

«Галилей, Бухенвальдни унутиб юбормаган. Юрий Белоусов», «Бухенвальдда хизмат кўрсатган артист Галилей Искалиевга, И. Лезгишвили».

— Бу ўртоқларимнинг ҳаммаси артист, — дейди у.

Фотосуратлар кўп. Ҳаммасида ёзув бир хил: «Бухенвальдни унутма!» Йўқ у унутмайди. Унутуш асло мумкинмас!

Мана бутун концерт залида ўтирибман.


Конференсье—Вано Мурадели «Бухенвальд бонги» Ўзбек давлат филармониясининг солисти шу лагернинг жафони 8682 номерли собиқ туғқун Гали Искалиев ижро этади. Бир лаҳза зал жим қолди, кейин гулдурос қарсақ. Бу ўша менга ўзи айтган янги ўрганган қўшиқ. Гали чиқиб, «Бу қўшиқни лагерда бирга заҳмат чеккан, тирик қолган ва зулм домиде ҳалок бўлган дўстларимга бағишлайман» — деди.

Ғамгин, мардонвор куй оҳанглари янграйди. Қўшиқ бошланди:

Бизларни пиштинди жанглар оташ,
 Қонимиз тўкилган жанг майдониде,
 Қурбонлар ердан кўтариб бошин,
 Қайтадан жўш ураб қалби исбанде.
 Ер узра бонг янграб, янграб беқарор,
 Эфирда акс-садо хавда, ҳаяжон:
 Одамлар, яна ҳам бўлингиз хушёр
 Тинч бўлсин, тинч бўлсин, тинч бўлсин жаҳон!

Қўшиқнинг охириги бандларига оёқча турган зал қўшнлиб жўр бўлади...

Юрий ВЕЛГОНСКИЙ



Маҳалладошлардан маҳалладошларга

Тошкентнинг Олмазор маҳалласида Улуг Ватан уруши қурбонлари хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Бу маҳалла комитети раиси Абдулҳай Нурмуҳамедов бошчилигидаги аҳил маҳалладошлар ташаббуси билан бунёд этилди. Қарангки, атин беш миң аҳолига ёта бўлган бир маҳалладан юзга яқин киши туғилиб ўсган жойидан олиса — бири Россияда, бири Украинада, бири Берлинда Ватан шон-шарафи учун, халқ бахти учун қурбон бўлибди. Уша ёдгорликда мәрмарга олтин ҳал билан ёзилган номларнинг ёгалари шу маҳалланинг манава ҳанг йиғинлари эди.

Ёдгорлик тахтасидаги ҳар бир исм ва фамилиянинг ўзига хос тақдирини ва тарихи бор. Уларнинг ҳар бири жанг майдонларида қўлидан келганича яқсон кўрсатган йиғилар. Аҳмаджон Ёқубов маҳалланинг биринчи шоферларидан эди. Унинг жасади Кенгсбергга қолди. У қизин жанг борётган вақтда оқонда туриб, бир ўзи бир

неча душман танқини портлатди. Нетмакет бостириб келаятган фашист танқини Аҳмаджон Ёқубов отган гранаталардан яқсон бўлаверди. Охири бун пайқаган фашист танқинларидан бири оқондан бош кўтарган Аҳмаджон Ёқубовга ўқ узиб яралор қилди. Қонга беланган жасур совет жангчиси саросиммага тушмади, балки тегишли тadbир ўйлаб топди. Ҳамма гранаталарини белига боғлаб, бир амаллаб оқондан чиқди ва бир неча қадам жойга эмаллаб ораниб, фашист танқининг йўлига ётиб олди. Мақсад аён эди: танк жангчини босиб ўтаётганида портлаши керак эди. Вироф шу нагир ёрдамга келиб қолган жангчи дўстлар душман танқини портлатдилар. Уша пайтда унинг укаси — болалар шоирни Ҳамидулла Ёқубов ҳам Кенгсберг учун олиб борилаётган жангларда жонбозлик кўрсатаётган эди. Уруш ҳам тугади. Ҳамидулла Ёқубов акасининг қабридан бир сизим тупроқ олиб қайтган эди. Уша тупроқ шишага солиниб, мана бутун шу усту шаклидаги ёдгорлик ичига қўйилди.

Бу Олмазордан чиққан бир жангчининг қиссача тарихи. Агар ҳамма қурбонлар ҳақида ҳикоя қилганим бўлсан, намида юз варақ ёзишга тўғри келади. Балки шундай интиб ҳам ёзилар. Ҳозирча бизлажак сўзлар фаёат дилимида. Бу ёдгорлик ёшилдан ўтаётгани, мизда қадамимизни беихтиёр секинлатамиз, бахт-свадатиимиз қурбонлари қошида жимгина таъзим қиламиз, уларнинг пойига гул қўямиз. Гўё улар шу ернинг ўзида дафн этилгандай.



Мажнун ҚОРАКЎЗГИНАМ

Кўшчинор соясига жон талпинар чоғ эди,
Саратон салтанати — кўк юзи бедоғ эди.
Сой бўйи, сайхонларда кўйчиларнинг нағмаси.
Келин уйи, ўтовда санамлар хангамаси.
Ўркач-ўркач тоғларнинг қоясида сор кезар,
Кўз илгамас чўққида чўнг мўғуз олқор кезар.
Жайрон бола қайдандир тушиб келар булоққа.
Овчининг кўзлари тўрт, келсин деб яқинроққа...
Шу йўсинда ҳафталаб мен тоғ кезмоқда эдим,
Қуш овлаб, кўнгир овлаб, кун ўтказмоқда эдим,
Холи бўлгандай эдим оламнинг ташвишидан,
Риёкорлар гийбати, нодон дўст олқишидан...
Дунёга қайта келиб, қайта туғилган каби,
Ҳам тупроққа, ҳам нурга қайта йўғрилган каби,
Ўтда эмас, пиёда, қанчалаб қир ошгандим,
Овсарликнинг акими, ҳарқалай, адашгандим..
Адашиб кетмоқдайдим, бир кетсиз жилга бўйлаб.
«Қиз дарди, қимиз дарди»... ўзимча нелар сўйлаб.
Ноғиҳон малак сиймо бир қиз чқди қошимдан,
Хурккан бўлди оҳудай суқланиб қарашимдан.
Ақл бовар қилмасди минган аргумоғига,
Кўз тегмасин кўзига, қирмизи яноғига...
Гўё табиат бермиш борлиқ кўҳликлигини,
Марол боқишларини, жилга шўҳликлигини...
Товланарди сочлари асов Сир тўлқинидай,
Безавол пок нафаси — айни ёз ёлқинидай.
Ўсмага ҳеч ҳожат йўқ: қошнинг қоралигини...
Лек бозорга солмасди соҳибжамоллигини!
Калимага келмас тил, таажжубдан лол эдим,
Бошдан учиб ақлу-ҳуш, беҳол, бемажол эдим...
Қизнинг кўзи йироқда, қайгадир шошар эди,
Туйғундай талпиниши бирам ярашар эди.
Фарҳоддан мадад тилаб, сўз қотдим бу гўзалга.
Шайдоингман, тириклай қўймагил деб заволга:

— Лаъли лабинг ол, сулув,
Сочинг мажнунтол, сулув.
Оқ юзингга хол бўлсам,
Келмайми малол, сулув!
— Қош қораси, қораси —
Бу кўнгил садпораси,
Хол бўлгунча бўлурсиз,
Бу жаҳон аввораси.
— Мен овчиман, овчиман,
Тўйларда жирловчиман.
Бу кун сендан дардимга,
Даво сўроғловчиман.
— Олтин топган дараси —
Дараларнинг сараси.
Табибларсиз бу дарднинг
Топилгайми чораси?!

Бу сўзни айтар-айтмас, яйлов томон қиз кетди,
Мен қолдим Мажнун мисол — юрагимга муз кетди.
Дилбар кўнглини топиш қанчалар қийин эди.
Гар қилсам енгилтаклик — айрилиш гайин эди,
Ақлини олсаммикан, қайдам, саҳар най чалиб?
Тўрғай кўндирсаммикан қошида тинмай чалиб?
Ё Фозил ота янглиғ қирқ дoston айтсаммикан?
Ё қўйчи бўлиб элда обрў орттирсаммикан?..
Йил ҳам ўтиб боради, ўлиб-тирилмоқ қолди.
Ўлиб-тирилмоқ гапми, сендин айрилмоқ қолди.

Сендин ўзга дардимга табиб топабилмасмен,
На мурод ва на мақсуд, ҳабиб топабилмасмен.
Эликдай поклигинга, сувдай синиқлигинга,
Ирмоқдай соқлигинга, сутдай тиниқлигинга
Сини десанг, сининиб, гард, ғубор кўндирмасам,
Шафқатсиз рашк ўтида куйдириб, ёндирмасам,
Кутарминдинг боришим бу гал интизор бўлиб?
Онт ичардим ўшанда мен вафодор ёр бўлиб:
Сендин ўзгани десам қон ютай лахта-лахта,
Ёлғиз ўтай, зор ўтай, бир умр айрилиқда...

* * *

Дилда армон не қилсин, зонг яхши, замон яхши.
Ким дегай ҳақ бор жойда бадном, бадгумон яхши?!
Олмалиқ атрофида ёридан кўйчибон шод,
Кўйчибон — каминангиз, бундан мохитобон шод.
Кўйчибон бўлган билан қўлдан соз тушгунча йўқ,
Аввалги оҳангидан чалғум адашгунча йўқ.
Акс ҳолда авж пардаси авж олмоқда кун сари,
Ва лекин талпинар дил баъзида Сайхун сари...
Ким сўраб келса бизни, хизматида торимиз,
Ҳамдард, ҳамнафас бўлса, тарқагай ғуборимиз,
Пешвоз чиқар қошига менинг қоракўзгинам,
Ўзи бепардозгинам, ўзи дилнавозгинам...

Қува районидаги Арсиф қишлоғида ўрта бўйли, буғдойранг, юмалоқ юзли, 35 яшар бир одам яшайди. Исми шарифи — Жумабой Мирзаев. „Шарқ юлдузи“ колхозининг таниқли тракторчи звено бошлиқларидан.

Унинг тақдири, ҳаёти, қилган ишлари, саргузаштлари ҳайратланарли даражада қизиқ.

Жумабой 1932 йилда туғилган. 10 ёшида — 1942 йилда 94-алоҳида ўзбек ўқчи бригадаси сафида фронтга боради. Ватан ҳимоячилари сафида фашистларни ўз инигача қувиб боради. Дон бўйларига, Сталинграддаги жангларда алоқачи жангчи, разведкачи сифатида актив қатнашади. Жангларда икки марта ярадор бўлади. 1945 йилда — Галабадан сўнг кўксига бешта жанговар мукофот тақиб, она қишлоғига қайтиб келади.

1952—1953 йилларда эса Москвада ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб қайтади.

Жумабойнинг ўта камтарлигидан ўтган 23 йил давомида унинг шахси ва хизматлари оммадан сир қилиб келди.

Жумабой Мирзаев ҳақида Саъдулла Норматов қисса ёзди. Қуйида шу қиссадан парча ўқийсиз.

1968

'гулистон'
музоҳабасиС. МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Кинемато-
графия союзи раёсати
сининг прависаи

Гални бошидан бошлай, бинобарин, ижодий секцияларимиз юбилей йилида қатор тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, кўпгина ёзувчиларимизнинг сценарийлари муҳокама қилинди ва ижодий йўл-йўриқлар кўрсатилди. Шунинг таъкидлашим керакки, Союзимиз «Ўзбекфильм»га сценарий тасдиқлаб берадиган уюшма эмас, бунинг учун студиянинг ўзида бадий кенгаши бор. Союзимиз ижодий секциялари ёзувчи билан ҳамкорликда сценарийни пишиштириб чиқарилади, бир сўз билан айтганда союз—ижодий излашлар маконидир. Бу нуқтаи назардан ўтган йили «Кинода актёрлик маҳорати» мавзусида пленум ўтказдик. Бу йил ҳам мана шунга мавзуслик ижодий баҳслар ўтказиш ниятидамиз. Ҳозир «Кинодраматургия ва актёр» мавзусида баҳс очилиши ниятида бор. Бу баҳс бир марта эмас, кўп марта давом этиши керак. Бундан ташқари яратилган ҳар бир янги фильм Союзимиз назари

ридан тушиб қолмайди, улар ҳақида муҳокама ва мунозаралар уюштирилмиш бор. Бу кинодраматургияга катта кўлак бўлар, деган кийт-дамиз.

Дарвоқе, Союзимизнинг яхши ташаббусларидан бири ёш кинодраматурглар семинари эди. Бунинг унутганимиз йўқ. Чунки, бу семинар ўзбек кинеси учун яхши кадрлар етиштириб чиқаради, деган умиддамиз. Ҳозир семинар қатнашчиларининг рўйхати 27 кишига етди. Семинар машғулотларида суҳбат ўтказиш учун Иззат Султон, Фаттоҳ Зоҳидов, Михаил Мелкумов каби сценарийнависларимиз ва режиссёрларимиз, операторларимиз жалб этилди. Утган йили Олий сценарий курсига уч киши юборилди. Бунинг ушбу семинаримизнинг самараси, деб туюнмоқ керак. Бу йил ҳам семинар қатнашчиларидан саралари Олий курсларга юборилади.

Режаларимиз мўл. Энг муҳими изланасанк, беҳнат қилсанк деймиш. Мақсад— киношонаандаларни хурсанд этиш.

НАВОНЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Не дардга чулғанибсан эй, нигоро, ваҳм-хоб ичра,
Енурин ташнадек сахро сениндек чўғ-сароб ичра,
Шифо истаб, тополмасдан давосини китоб ичра,
Иситқон, нозанин, жисмининг тердан тушди тоб ичра,
Эрур бир оташин гул баргиким ётқаб гулоб ичра.

Бу ҳасрат жисми зоримни ёқибдир мисли чақмоқким,
Ишим фарёд ила оламини энди ўтга ёқмоқким,
Куяр оқим шароридан бу ўтга бўлса бармоқким,
Иситма ранжидан, эй гул, бўлибсан гунча андоқким,
Ҳариру хуллалиқ жисминг тушибдир печу тоб ичра,

Нечук нозик бу кўнгил шипаси ғам сангидан синса,
Ниҳолимга қазо офатлар бу чанд ёприноса,
Умидим шул, баногоҳ бунча гурбатлар тамом тинса,
Иснглиқдан танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча толпинса,
Ҳароратдин қолибдир шуъла доим изтироб ичра.

Иложин қил, ўзинг, нечук ўлмоғин истарсея,
Эзиб жонимни малҳам айласамми, жонин асарсея,
Сариқ ранг солмасин соя, ҳали бир гунчан тарсея,
Қизил чодаршабу мовий тўшаклар ичра титрарсея,
Анингдеким, қуёш кўклар билан гулгун саҳоб ичра.

Ҳарорат зўридан гоҳи бўлибсан худ, гаҳи беҳуд,
Кўзингни оч, мени дарду аламда қилмайин, нобуд,
Рухнинг ранж чекмасин, эмди саломатлик удумин тут,
Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур, ёхуд
Тушибдир дона-дона нижу икки лаъли ноб ичра.

Менга етқуздилар ногоҳ, қаро бўлди деб осмонинг,
Неча кунким, бу дард ичра ёнарини жисм ила жонинг,
Кўтар бошинг, кулиб оққил, бўлай ёнингда қурбонинг,
Дедиларким, хароб ўлмиш иснимоқ бирла жонинг,
Не ўтларким бу сўздан тушмади жони хароб ичра.

Ниёз, айтдим ўзинга, ёр дуосини зиёд этким,
Бўлиб ёнида парвона, садоқат, эътиқод этким,
Тиллаб соғлиқларин, илгин ўпинб, қутлуғ мурод этким,
Навоний, ёрни топсанг саломат, ҳайрбод этким,
Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жонинг азоб ичра.

ТҶРИҒИМНИ

Лейтенантнинг спирт ичишга таълифида ҳеч қандай ғайри табиийлик йўқ эди. Бир кружка сувни селиб юборсанг ерга чирс этиб муз тушадиган совуқ эди.

Йигитлар сал қизишиб олгандан сўнг лейтенант аҳволни тушунтирди.

— Полк штабига чопар юбориндан бошқа илож қолмаганига кўзим етди турибди.— деди у.— Бу ҳам осон эмас. Ўрталликда тўрт-юз-тўрт юз эллик метр келадиган очиқ майдон қолди. Тентак ҳам тушунганини, бундан ўтгандан кўра қил кўприкдан ўтиш осон бўлса керак. Чунки ҳар икки томонда душман пулемётлари қонсираб турибди. Чикдинг, қоқиб ташлайди. Қўш бўлсанг ҳам учиб ўтмайсан.

Фикримча, битта иложи бор. Тўпчилар дивизиони ва мавжуд барча миномётлар душманин кўз очишга қўймай ўт очиб туришни, милтиқ ва пулемётлар эса тўғри отишма билан душманиннинг қолган қуроллари эътиборни ўзинга қаратиб туришни шарт. Беш-етти минут шундай қилиб туролсан бас. Алоқачи ана шу масофадан эсон-омон ўтса батальондан ёрдам келди дейвер, ёрдам келгунча эса ўзини ҳам бўш қелмаймиш. Хўш, нима дейсанлар?

Лейтенантнинг плани ҳаммага маъқул бўлди. Зотан бундан бошқача йўл топшиш ҳам мумкин эмасди.

— Ардвизионнинг энг чопқир отини оламиз. Хўш, пакетни ким олиб боради, ўртоқлар.

— Рухсат беринг, мен бораман.— деди Кабилин.

— Отни сен кўтариб чопасаним ёки от сеним.— лейтенант мийғида кулди.

— Бу томонни ҳам бор.— деб Кабилин пешонасини қашлади. У ўз таълифининг, фикрининг нотўғрилигига ўзи ишонганда ёнида ҳеч ким бўлмаганда ҳам шундай қиларди.

Звезд командирлари ўз қўл остларида эпчил ва чаққон жангчиларини бир-бир эслаб лейтенантга таклиф қилишди.

Эшик ёнида турган Жумабой эса «артдизиондаги энг чопқир от» сўзини эшитиш биланогоҳ қашқа тўриқни эслаган эди. «Қани энди у шу ерда бўлса» деб турарди у.

— Жўраевич.— деб қолди Кабилин йўқотиб қўйган нарсасини топиб олгандек қувониб.— Сиз уни яхши биласиз, ўртоқ лейтенант, қўл пулемётининг отувчисин.

— Уми? Бўйи теракдай. Бўлмайди.

— Бўйи узун бўлган билан тарашадай қотиб кетган, эллик киллограмм ҳам эмас.

— Мана.— деди лейтенант Жумабойга ишора қилиб.— Жора бери кел.— Жумабой келиб тик турди.

— От минишини биласанми?

— Биламан.

— Чопдиришини?

— Чопдиришни билмаган одам от минаман, дейдими.— Лейтенантнинг бу саволи малол келгандек гурурланиб жавоб берди Жумабой.

— Қойилми, йигитлар. Эгарда ўтиргани ҳам билинмайди. Масала ҳал, Жора боради.

— Ешда, қандай бўларкин.— деди Кабилин.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Бунақа кўнгилли болаларнинг бсиши тошдан, ўқ ҳам буларни челаб ўтади.

Ҳаммалари ертўладан чиқилди. Лейтенант Жумабойга йўлни тушунтирди. Кабилин унинг автоматига ўз автоматининг ўқдонини қўйиб берди.

— Бунинг Комбатга берасан.— Лейтенант дала сумкасида пакет чиқариб унга узатди. Унгайроқ чўнтагинга бекит. Комбат бўлмаса штаб бошлиғига топишириб, ҳозироқ очиб ўқинг, дейсан. Бор гап ёзилган.

Саъдулла НОРМАТОВ

ТОПДИМ

Бухоро Давлат педагогика институтининг немис тили кафедрасининг мудири, филология фанлари кандидати, доцент.

Германия Демократик Республикасида бир йил

Мен бу ўлкага бир йилга илмий командировкага бордим. Бу фурсат ичида ўз мутахассислигим бўлмиш немис тилини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишим, таржимачилик санъати билан шуғулланишим, ўзбек тилини ўрганаётган немис студентларига дарс беришим, немис халқининг сиёсий-маданий ҳаёти, урф-одати ва халқ маорифи билан яқиндан танишишим керак эди.

Республиканинг деярли ҳамма шаҳарларида бўлдим. У ерлардаги музейларни, тарихий ёдгорликларни, қадимий обидаларни кўрдим, одамлари билан суҳбатлашдим.

ДРЕЗДЕН. Эльба соҳили.



Лейпцигда бўлган давримда бир қанча кечаларга, мажлисларга қатнашдим. Мактаб директорлари ва илгор ўқитувчилар билан учрашувларда ўқиш-ўқитиш масалалари бўйича дўстона баҳслар қилдик. Мактаб ҳаёти билан танишдик. Рус тили, она тили ва адабиёт дарсларини таҳлил қилдик.

К. Маркс номли университет коллективига социалистик бригада унвони берилиши муносабати билан ўтказилган тантанали кечага бизни ҳам таклиф қилдилар. Совет делегациясига раҳбарлик қилиш менга nasib бўлди. Совет ҳукумати тинчликсевар сиёсати ва бегараз ёрдамини қайта-қайта тилга олишиб, ижодкор халқимизга чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишди.

Бу университет Германиянинг энг қадимий маърифатхоналаридан бири ҳисобланади. 1409 йилда асос солинган бу илм даргоҳида ҳозир жа-

ҳонинг 38 мамлакатидан 14 миң студент ўқийди.

Мен дастлабки тўрт ойна Карл Маркс университетга қошидаги Хердер, Чет тиллар ва таржимачилик институтларида ўтказдим. Бу даврда профессор Гроссе, Флайшер, Флеминглар, доцентлардан Бергер, Шпехт, Буша, Клайн, Шрамларнинг лекцияларини тинглашга муяссар бўлдим. Таржимачилик институтининг илмий ходими таржимон Лайн билан биргаликда таржима сирлари билан шуғулландим. Бу наънипларимнинг якуни сифатида ўнга яқин илмий мақола ёзиб, немис журналларида бостирдим.

Маълумки, республикада ҳозиргача немис тилидан тўғридан тўғри, бевосита ўзбек тилига таржима қилинган биронта ҳам асар йўқ.

Уларнинг ҳаммаси рус тилидан қилинган таржималар. Ҳолбуки, таржимадан қилинган таржимада ҳар қандай

асар ҳам ўзининг оригиналлик хусусиятини бир қадар йўқотди. Бинобарин, таржимадан таржима қилиш усулидан алоҳи борица қутулишга ҳаракат қилиш, бевосита таржиммага ўтиш керак. Биз шу хусусда фикр алмашиб, илмий иш олиб бордим.

* * *

Берлиндаги Гумбольдт университети ГДРдаги энг катта, қадимий ўқув юртиларидан бири. Карл Маркс, Генрих Гейне каби улғур зотлар шу даргоҳда таълим олганлар; Гегель, Эйнштейн, Кох сингарч жаҳонга машҳур олимлар шу даргоҳда ишлаганлар. Ҳозир университетда 15 миңга яқин немис ва чет эллик студентлар ўқимоқда. Университет қошида Осиё халқлари институтини ишлаб турибди. Бунда ҳам миңлаб студентлар форс, турк, хитой, араб тилларини ўрганиб, мутахассис бўлиб етишадилар.

Турк тилини ўрганаётган студентлар қўшимча мутахассислик сифатида ўзбек тилини ўрганадилар. Ўзбек тилидан доктор Дорис Шульц дарс беради. Бу немис аёли серкубшо Ўзбекистонимизда икки марта бир йилдан яшаб, Тошкент Давлат Чет тиллар институтини немис тилидан дарс берган, лекциялар ўқиган, немис тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан немис тилига таржима билан шуғулланган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтини ходимлари билан биргаликда илмий иш олиб берган. Олима халқи ҳам таниқли тилшуносларимиздан А. Гуломов, З. Маъруфов, Ғ. Абдураҳмонов, М. Мирзаевларнинг, марҳум Ф. Камоловнинг ёрдамлари ва дўстона маслаҳатларидан гоят мамнун бўлганини ёслагди. Уларга салом етказишни лутфан илтимос қилади.

Олима Тошкентдан ўз ватанига қайтгандан сўнг, «Ўзбек

тилади ҳозирги давр ижтимоий ҳаёт тушуналигининг фойдаланиш усуллари» деган темада кандидатлик диссертациясизни ёқлади. Ўзининг ўзбек тилига доир илмий мақолалари билан туркий тиллар бўйича Москва, Венгрияда ўтказилган халқаро симпозиумларга қатнашди. Унинг хусусан кейинги йилларда ёзган «Ўзбек тилида тушум келишигининг суффиксацияси», «Ўзбекистонда халқ маорифи» каби илмий мақолалари диққатга сазовордир.

Агар бу ёлга Дорис хоним деб мурожаат қилсангиз, Сиздан ранжигандай бўлади-да:

— Мени Ўзбекистонда Дорис эмас, Дилором дейишарди, илтимос, Сиз ҳам мени Дилором дея қолинг, мен бу номни жуда яхши кўраман, — дейди кулиб.

Дилоромхон ўзбек тили ва адабиёти, маданияти ва санъатини Германияда тарқатишда айниқса кейинги уч йил ичда катта ишлар қилди. У ана шу қисқа давр ичда ишдан ажралмаган ҳолда 50 минг сўзлик ўзбекча-немецча лугатни тайёрлаб нашрага топширди. Намна шу лугатга масъул муҳаррир қилиб тайинланди. Дилоромхон мени университет кутубхонасига бошлаб бориб ходимларга «Ўзбекистондан келган меҳмон», деб таништарди. «Шарқ» бўлимига бирга кирдик. Бу ердаги нодир ва сон-саноксиз китобларни кўриб ҳайратда қолдим. Шарқнинг улуг доғонимандлари Форобий, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Улугбекнинг немис тилига таржима қилинган асарлари гард юкмай турибди.

Немецлар ҳозир ҳам Шарқ адабиётига зўр ихлос билан қарамондалар. Совет адабиёти жоманида юртдошим С. Айнийнинг «Одина», «Судхўрнинг ўлими» каби қиссаларини, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» драмасыни, икки марта кўп нусхада чоп қилинган «Синчалак» повестини немис тили таржимасида кўришингиз мумкин. Кутубхонадан истаган ўзбек ёзувчисининг асарини олиб, ўзбек тилида ўқий оласиз. Шу жовонларда Америка, Англия, Австрия, Фарбий Германияда чиққан «Ўзбек тили грамматика»лари ҳам бор. Алоҳида стол устида «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти» газеталари ва «Мушум» журналининг подшивкиси турибди. Кутубхона ҳар йили Ўзбекистонда чиқадиган бир неча газета ва журналларга ёзиларкан.

Серқўёш Ўзбекистонининг довури жаҳонга шунчалик таралиб, унинг ҳаётига қизиқли ортаётганлигини кўриб қалбимда севинч туғди урди.

Ҳамоҳири кутубхонани кўрсатиб бўлгач, мени уйига меҳмонга таклиф этди. Мен ҳам Дилоромхоннинг раёйига қардим. Мана ҳамоҳири эшикни тақиллатди. 15 ёшлар чамасидаги қора қош, қора кўз бир қиз эшикни очди. «Бу менин кизим Томи, Тошкентда уни Тамара деб айтишарди» деб қизини таништарди. Унга кирганимиз ҳамон мезбон мендан «ётиқни қўлгаги тагига олиб, кўрпачада ёзилиб ўтиришни

соғинган бўлсангиз керак» деб қолди. Мен ҳам мийғимда кулиб «асти қўяверинг» дедим. «Ундай бўлса мана бу чолага марҳамат қилинг», деб ишора қилди Дилоромхон. Чолага кириб ўзимни Ўзбекистонда — уйимдагидек тасаввур қилдим. Нега десангиз бу хона ўзбекча дид билан безатилган. Полга гилам тўшалган, ўртада хон тахта. Унинг ҳар икки ёнига кўрпача ташланган.

Деворларда рубоб, дутор, бир тарафда Дилоромхонга ва унинг қизи Томига Тошкентда совга қилинган дўпчилар, бошқа тарафда эса қордай оппоқ, охири кўсақларига очилган бир туп ўзбек пахтаси осилиб турибди. Сервантда Ўзбекистонда чиққан чинни-пёла, коса-товуқлар териб қўйилган.

Мезбон мени жуда яхши кўтиб олди. Мен немис тилида гапирсам, у ўзбек тилида сўзлашар, мени ҳам шу тилда сўзлашга мажбур этарди. Анчагача ўзбекча пластинкалардан қўйиб, хурсандчилик қилиб ўтирдик.

Дилоромхон менинг иш режам билан таниш эди. Шунинг учун ишимнинг давоми сифатида яна бевосита таржима масалалари билан шугуллана бошладим. Таржимага ўтишдан олдин ўзбек ва немис тилларидаги айрим мураккаб конструкцияларни биргаликда чағиштириб чиқдик. Бу конструкцияларнинг ҳар иккала тилда берилиш усулларини аниқладик. Дилоромхоннинг дарслари талабалари билан танишдим. Ниҳоят ўзим ҳам таржима санъатидан дарс бердим.

Студентлар ўзбек тилида ўз фикрларини бемалол ифодалай оладилар. Дарсларга қатнашиб шунинг гувоҳи бўлдимки, студентлар «Синчалак», «Меҳробдан чаён», «Шинели йиллар» каби асарларни ўзбекча ўқиб, немисчага деярли қийналмай таржима қиладилар.

Айниқса 65 ёшдаги пенсиянер аёл Анна Шмидтга айтамангиз. Еши анчага бориб қолишга қарамасдан бу аёл ўзбек тилини ўрганишга аҳд қилди. У ҳам «Ўзбек халқ эртаклари»ни бир ёқдан ўқиб, иккинчи ёқдан немис тилига таржима қилиб кетаверади.

«Сиз ўзбек тилини нима учун ўрганиясиз?» деб сўраганимда, «мен саёхати сифатида велосипедда Совет Иттифоқига, жумладан Ўзбекистонга ҳам бормоқчиман, ўзбеклар

билан ўз она тилида сўзлашмоқчиман» дейди у.

Ҳа, Берлинда, Гумбальд университетига студентлар ўзбек тилига ана шундай қизиқадилар ва ҳавас билан ўрганадилар.

Мендан ҳам ўз наватинда Ўзбекистонда чет тилларнинг, шу жумладан немис тилининг ўқитилиши ҳақида доклад қилиб беришни илтимос қилдилар. Мен бу таклифга рози бўлдим. Ниҳоят белгиланган кун етиб келди. Университетнинг сенати (илмий совети)да «Ўзбекистонда чет тилларнинг ўқитилиши» мавзусида доклад қилдим. Докладдан, унда келтирилган жонли фактлардан ҳайратда қолган кўпгина саято аъзолари «наҳотки Москвадан шунча олисдаги Ўзбекистонда чет тилларни ўқитиш бўйича шунча ишлар қилинаётган бўлса?» деб ажабландилар. Менга халқ маорифи, миллий қадрлар, Ўзбекистондаги рус мактабларида ўзбек тилининг ўқитилиши, ўқиб ва ўқитиш процессида техника воситаларидан фойдаланиш юзасидан қайта-қайта саволлар бердилар. Охири қаноат ҳосил қилдилар. Қарсақлар остида менга университетнинг илмий совети номидан китоблар совга қилдилар. Докладнинг фактларга бойлигини назарга олиб, илмий совет қарори билан уни Германия Министрлар Советининг сўёсий ва илмий органи «дас Хохшўлвезен» («Олиий мактаб») журналига юбордилар.

Университетда оlima Дорис Шульц билан икки ой ишладим. Ана шу қисқа вақт ичда анча ишлар қилдик: Дилоромхонга тушунилиши қийин бўлган айрим мақолалар, фразеологик иборалар бўйича ёрдам бердим; ўзимнинг қилган ишларнинг натижаси сифатида катта илмий мақола ёзиб, Германия Фанлар академиясининг журнали «Ориентфоршунг» («Шарқшунослик»)га топширдим; Германияда традицияга айланб қолган ёшлар байрамга қатнашдим; ёзувчилар билан учрашдим; Дилоромхон ва унинг қизи билан биргаликда Берлин шаҳри атрофидаги тарихий ёдгорликларни бориб кўрдим.

Ниҳоят Гумбальд университети билан хайрлашиб, Дрезденга бордим.

Бу ерда мен кўпинча техника университетига ва педагогика институтига дарсларга

Ўзбек меҳмони немис дўстлари даврасида.

*

қатнашдим, студентлар билан суҳбатлашдим. Бу олий ўқув юртиларида чет тилларни ўқиб ва ўқитишда техника воситаларидан фойдаланиш масалалари билан қизиқдик.

Биз қаерга бормайлик, ҳамма жойда бизни очиқ чеҳра, табассум билан кутиб олдилар. Ҳамма жойда халқимиз, Ватанимиз ҳақида илқ сўзлар айтилди.

Саёхат даврида немисларнинг ишинг кўзини биладиган, ҳар нарсадан, катта ва кичиклигидан қатъи назар, тежаб-тергаб фойдаланадиган, бир қарич ер бўлса ҳам кўруқ қўймайдиган, унинг қадрига етадиган кишилар эналиги сезилиб турди. Бир неча юз километрларга чўзилган йўлларнинг ҳар икки томонида бошдан охиригача мевали дарахтлар ўтқазилган. Шаҳар марказларида, ариқ ва йўл бўйларида, уйлارнинг олди ва орқасида мевасиз дарахтни дерайли учратмадик. Дўстларимизнинг яна бир ибратли ишлари, тарихий ёдгорликларни, музейларни, қабристонларни авайлаб сақлаши, уларнинг қадрига етишидир.

Қайси бир музейни, диққатга сазовор жойни, тарихий ёдгорликни бориб кўрмаг, ўша ерда шуларга доир китобчаларни, отқирталарни ва шуларнинг расми туширилган значокларни истаганингизча соўиб олишингиз мумкин. Кўп шаҳарлардаги музейларда фақатгина бир киши ишлайди. Бу киши шу музейнинг ҳам мудири, ҳам экскурсоводи, ҳам кассири, ҳам хизматчисиدير.

Дўстларимиз ўзларининг миллий традицияларига жуда катта ҳурмат билан қарайдилар, улар билан фахрланиб, ифтихор билан тилга оладилар. Биргина мисол: Алтенбург шаҳри ўзининг ўйин картаси билан машҳур. Ана шу шаҳарда ўйин картаси музейи ташкил қилинган. Бу музейда ишлаб чиқарилган карталарнинг ҳамма нусхалари сақланмоқда. Мана шундай табиий бир савол туғилди: чоқинча бир шаҳарда ўйин картаси музейи ташкил қилинган бир пайтда, ҳаётки 4 миллион тонналаб «оқ олин» бераётган Ўзбекистонда республика пахтачилик музейи ташкил қилинмасми? Пахтакорлик қадимдан ота-боболаримиз касби-ку, ахир! Ўзбекистон — СССРнинг пахта қони, пахта ўзбек халқининг ифтихори-ку! Ени Зайффен шаҳрини олиб кўрайлик. Бу шаҳарда деярли машина ёрдамисиз ўйинчоқ ишлаб чиқарилади. Ана шу шаҳарда ҳам ўйинчоқлар музейи ташкил этилган.

Визингча, бу соҳада дўстларимиздан ибрат олсанг арзийди.

Пировардида мен Гумбальд, Карл Маркс, техника университети, педагогика, таржимачилик, Херлер институти ахлига, менга ўйининг туғридан жой берган Фёстер, Шмидтларга, ўзбек тили мухлиси Дорис Шульцга ва бошқаларга яна бир бор ташаккур изҳор қиламан.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ барча совет ҳалқлари қатори ижодкор совет зиёлилари ҳам она-Ватан ҳимоясига отландилар. Улар Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача халқ хизматига бўлдилар.

Ижодкор совет зиёлилари олдида фронтга қандай ёрдам кўрсатиш масаласи турар эди. Уруш ёзувчиларга, композиторларга, rassомларга ва бошқа ижодкорларга жуда кўп мардонавор мавзулар берди.

Оташ йилларга

Ҳамид Олимжон, Ислом Шоир, Рафур Фулом, Уйғун, Фозил Йўлдош, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор каби ўзбек ёзувчилари, шоирлари ва драматурглари совет халқининг ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилган ва жангчиларга маънавий бойлик берадиган жуда кўп насрий асарлар, дostonлар, шеърлар ва қўшиқлар яратдилар.

Республика ёзувчилари томонидан адабиётга оғишланган кечалар, меҳнаткашлар ва жангчилар билан учрашувлар мунтазам уюштириб турилди.

Фронтда ўзбек халқининг ўғил ва қизлари қаҳрамонона жанг қилсалар, мамлакат ичарисида қолган жангчи-ёзувчилар ўзларининг чақириқлари билан халқни меҳнат ва жангдор жасоратга руҳлантириб туридилар.

Уруш йилларида СССР халқлари адабиётлари ўртасидаги муносабат янада мустаҳкамланди. Рус ва ўзбек ёзувчиларининг ҳамкорлиги ниҳоятда сермахсул бўлди. Биргаликда драматик, поэтик ва публицистик асарлар яратилди. Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Рафур Фулом, Маъсуд Шайхзода, Яшин, Миртемир каби пешкадам ёзувчиларининг асарлари рус тилига таржима қилинди.

Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти аввалги йиллардагига нисбатан жадал суръатлар билан ривожланди ва ўсиб. Халқ шоирларидан Фозил Йўлдош, Ислом Шоир, Қурбон ота ва бошқаларнинг овозлари зўр куч билан янгради. Улуғ Ватан уруши йилларидаги адабиёт оператив, публицистик характерга эга

эди, яъни очерк ва публицистика жанри айниқса кенг ривожланди. Уруш йилларидаги ўзбек шеърлятида сиёсий лирика айниқса кўп ўрчин олди. Ўша даврнинг энг яхши шеърлари умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлган ватанпарвар ва ҳаётий шеърлар эди.

Ўзбек ёзувчилари совет жангчиларининг қаҳрамонона жасоратини, қўрқмас ва дово-рақлигини, уларнинг бой маънавий дунёсини куйловчи асарлар ёздилар. Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун», «Қамал қилинган шаҳар устидаги ой» каби баллада ва шеърлари уруш йилларидаги совет лирикасининг энг яхши намуналари қаторига кириди. Жангчи ҳаётининг реалистик манзарасини М. Шайхзода ҳам ўз шеърларида аса эттирди. Унинг «Муҳаммад тўлчи», «Напйитан Гастелло» каби шеърлари совет жангчисига самимий муҳаббат, душман устидан ғалаба қозонишга мустаҳкам ишонч руҳи билан суғорилган. Бу ишонч эса совет адабиётида, хусусан ўзбек шеърлятида муҳим маъно касб этган эди. Душман Москва остонасида турган оғир кунларда Рафур Фулом шундай дег ёзади:

Боғимиз ҳуснида хазон офати,
Кўнлаи ели билан чечан отгуси,
Бу хўрлик, ҳаюрот, алам кулфати,
Наҳаннам қаърига бориб ботгуси,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлакан.

Уруш йилларида рўбга чиққан янги руҳий кўтарикилик, фашист қўшинларининг тормор этилиши, Совет Армияси томонидан Европа халқларини озод қилиш каби хусусиятлар барча совет адабиётида ўз ифодасини топди,

Ҳар аҳтимолга қарши бу ёғини ҳам уқиб ол. Агар ўзинг ёки отинг ўқ еб йиқилсанг, душман қўлига тушадиган бўлсанг, қоғозни чайнаб ютиб юбор. Пакет уларнинг қўлига тушса, ўзингни ҳам ўлдирди, бизнинг ҳам ҳолимиз вoй бўлади.

— Эшитаман!— деди Жумабой Кабилин узатган автоматнинг қайишини бўйнига илиб.— Банжаришга руҳсат беринг.

Лейтенант бир дақиқа унга боқиб қолди. У Жумабойнинг бетидан ўпмоқчи эди-ку, лекин фикридан қайтиб, қўлини олди:

— Бошла, Жора. Умидимиз сендан. Жумабой бурилибоқ чуқур йўлакчадан югуриб кетди. Лейтенант доим ёнича осиб юридиган чарм сумкасига қўлини қўйганича унинг кетидан қараб қолди. Сўнг бирдан:

— Кабилин, сен нима қилиб турибсан. Югур, уни жўнатиб келишинг керак.— деди.

Кабилин взводнинг ертўласи ёнида Жумабойга етиб олди.

— Эҳ, ўзимнинг отим бўлмади-да,— деди Жумабой.

— Қанақа отинг.

— Лагерда шундай отим бор эдики,— деди у чинакам болалик гурури билан.— Тўриқ, пешанасида пахтадай қашқаси бор. Одамдан эскик эди. Чолсачи, кўш дейсиз. Эҳ, у бўлгандами, билансизми, унга ўқ ҳам етмасди. Ҳа, шундай топқир эди. Мен уни Москвада бир учратдим. Таянди жонивор, шундай қўзига ёш келиб кетди. Замбарак судраб юрган экан. Қаяд бериб, теллагим билан кўзини артганман.

— Қанақа от дединг?

— Қашқа, жудаям чиройлик. Бўйиним, оёқлариям жуда узун. Аммо Москвада кўрганамда думини кесиб ташлашипти.

— Буларда худди шунақа от бор эди, шекилли. Шошмачи, ҳозир кўрамиз.— Улар арtdивизион турган дарахтзорга етиб қолган эди.

Тўпчилар лейтенантнинг топшириги билан олдиндан отни эгарлаб кўтиб ўтиришган экан. Улар келиши биланоқ япалоқ юзли қозоқ йигит, ертўладан югуриб чиқиб, отни етаклаб келди.— Ҳой, сарт боласи. От минини билесинми ўзи. Бу тўриқ кундаш учадди. Аммо қайтариб ўзимга топширмасанг, икки дунё сен билан гаш ўтаман-а.

Жумабой отни кўриши биланоқ гўё қотиб қолган эди. У ҳозиргина орзу қилиб қанча гапирган бўлмасин тўриқни шу ерда бўлади, деб сира уйламаган, Кабилиннинг «уларда шунақа от бор эди шеклиди» деган гапи эса қўлоғининг ёнидан ўтиб кетган эди. Қаршида эса қўлоқларини динкайтириб элатдоши — у билан Арсиф булогининг зилол сувидан сиққирган, у ўйнаган ўтлоқларда давр сурган ўша тўриқ турарди.

Жумабой отни эмас — дўстини, яқин ўртоғини, ҳатто ўз акасини учратгандек қувонч билан қўл узатиб, тўриқнинг бошини қучоқлади.

Жонивор Жумабойнинг қўли етмаслигини билгандек бошини сал эгди. Жумабой унинг ёлини силди.

— Бўл, Жора. Вақт тингиз, минаяқ,— деди Кабилин у ўз отини топганидан мамнуи бўлиб. Қозоқ йигит қўлтиғидан олмоқчи бўлганди улгурмай қолди. Жумабой бир сакраб қарчиғайдай эгарга қўниб олди. У Кабилинга ҳам, ўзини отнинг энг яқин дўс-

ти билган қозоқ йигитга ҳам қарамай тўриқнинг ёлини силди:

— Кейин гаплашамиз, жонивор,— деди у жиловни буриб, оёғини узангининг қайишига торткан.

— Омадинг келсин, Жора,— қичқирди Кабилин!

— Она Ватанимиз учун! Улуғ Сталин учун!— Қичқирди у тўриқни бир йўла қақкалатиб. Одатича дарҳол энгашиб жиловнинг икки қайишини икки қўлига олди. Қирқ эллик метр ўтгач, у яна қичқирди.

— Ватан учун!

— Чиндан ҳам эгарда кўринмас экан.— деб ўзига гапирган Кабилин унинг бу овозини аниқ эшитиб, оғзини катта очиб мағрур жилмайди.

Жумабой дарахтзор панасидан чиқмасданоқ ҳаммаёқ гумбураб қолди. Анча олдинда, чапирқада нетма-кет тўр-беш снаряд портлади. Унг томонда эса икки жойдан тупроқ кўтарилди. У— Ҳув, жонивор, Ҳаа!— дея тўриққа далда бериб ўрталиқни мўлжаллаб узанги силкиди. Тўриқ шамолдек учиб борарди. У бўйини қўзиб, гўё ерга етиб, қуруқ қорда сирганиб бораётгандек эди. Пулемётларнинг отнинг чопишига ноғора чалгандек эшитилиб турган «та-тата»си орқада қолди, икки ён томондан душман минаятларининг шовқини эшитилди. Тўпкор қизишиб кетганидан сувлиқ тишлаб баттар жадаллаб кетди. Жумабой «оёғи бирор чуқурга кириб, суринмасин» учун жиловни энгил тортиб, суяб борарди.

Юз метрча олдинда гув этиб келиб миная портлади. Навбатдаги миная анча орқада гумбуралади. У аини ўрталиқда келиб қолган эди. Яна олдинда миная портлади. У жиловни сал чапга бурди. Пулемёт ўқлари қорға «виз-виз» санчиларди. Душманнинг дзоти бир йўла уч пулемётдан атаётган эди. Лекин тўриқ эса нишаб-лиқдан селдай оқиб, тобора панага ўтиб бораётгани учун ўқ тобора ундан узоққа тушарди.

Жумабойнинг от қўйиб келаётганини батальон штабидагилар анча узоқданоқ дурбинда кўриб туришганди. Етиб келиши билан узун бўйли, қорасоқол, қийер бурув офицер (бу комбат капитан Чивилининг ўзи эди) унга қарши чикди.

— Казбичмисан. Азаматмисан,— деди у узангининг қайишига

ТЎРИҚИНИ

Ўзбек совет адабиёти Улуғ Ватан уруши йилларида ана шундай жанговар ҳаёт билан яшади ва қурашди. Ўзбек адабиёти бутунитти-фоғ миқёсида, ҳатто халқаро майдонда ҳам кўзга кўрина бошлади. Шу йилларда унинг аҳамияти қанчалик ўсганлигини оғир ҳарбий шароитга қарамастан 1943 йилда Москвада Ўзбек адабиёти ҳафталиги ўтганлиги, у ерда шoir ва ёзувчиларимиз ижодий ҳисобот берганликлари кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонга келган атоқли ёзувчилар, шoirлар, драматурглар билан ўзбек зиёлиларининг ижодий ҳамкорлиги туғилди ва раvнақ топди. Уруш йилларида Тошкентда яшаган А. Толстой, Б. Лавренев, Я. Колас, Вс. Иванов ва бошқа ёзувчилар Ўзбек қаламкашларига яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Уруш йилларида ўзбек шoirлари ва бастакорларнинг кўп асарлари юксак ватанпарварлик руҳи билан сугорилган бўлиб, улар халқни Ватан мудофасига сафарбар этди. Хамид Олимжон, Чустий, Собир Абдулла, Миртемир, Темир Фаттоҳ, Шайхзода каби шoirларимизнинг шеърлари асосида бастакорлар оммавий мудофаа ва эстрада кўшиқларини яратдилар.

Санъаткорлар

Улуғ Ватан уруши ўзбек бастакорлари ижодига кескин бурилиш ясади. Ўзбекистон бастакорлари фашист Германияси еримизга сурбелларча кириб келган кунданонқ ўзларининг айтив ижоди билан совет халқларига ёрдам кўлини кўздилар. Еш мелодистлардан Ҳасанов, Нишонов, Зокиров ва илгари бошқа жанрда ишловчи композиторлардан Тўхтасин Жалилов, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафийлар мудофаа кўшиқлари яратдилар.

1942 йилда Ўзбекистон композиторлари союзи мамлакатимизнинг бир қатор областларидан эвакуация қилинган Украина, Белорусия, Москва, Ленинград композиторлари ва музикашуносларининг янги аъзолари билан тўлди. Иркин ижодий коллективга айланган ташкилотга атоқли композиторлар, Давлат мукофотининг лауреати Л. Н. Ревуцкий, РСФСР халқ артисти С. Н. Василенко, хизмат кўрсатган санъат арбоби М. О. Штейнберг келиб қўшилди. Бу ерда жангчи-ўзбеклар учун тушунарли ва ҳарбий қисмларда икром этиладиган ўзбек кўшиқларини яратиш масаласи муҳокама қилинди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон композиторлари кўригиде бир қатор турли тиндаги ҳарбий маршлар муҳокама қилинди ва 1942 йилнинг февралда Қизил Армия уюнда махсус эшитириш уюштирилди.

Вастакорлар Қизил Армия учун оммавий кўшиқ ва маршлар яратиш билан бирга Ўзбекистонда севилиб қолган жанрда, яъни ватанпарварлик руҳидаги музикали драма устида ҳам кўп ишладилар. 1941 йилда Т. Жалиловнинг «Қурбон Умаров», Т. Содиқов ва А. Козловскийнинг «Даврон ота», Ю. Ражабий ва Б. Надеждининг «Қасос» драмалари намойиш қилинди. Бу ўзбек драматургиясининг либреттоси асосида ёзилган ватанпарварлик руҳидаги биричун музикали драмалар эди.

1942 йилда Ўзбекистонда музика жанри, айниқса симфоник музика кенг тарқалди. 1942 йил июнида Композиторлар союзи Фрунзеда, ги Ўрта Осиё республикалари музикаси декадасини тайёрлаш ва ўтказишда актив иштирок этидилар ва у ерда махсус делегация юбордилар. Ўзбекистон декадасига бағишланган кечаларда, ҳисобот концертларида Г. Мушелнинг иккинчи симфонияси, М. Бурхоннинг «Ўзбекистон қиши» сунтиси, М. Ашрафийнинг «Тантанали марш», Содиқов ва Глиэрнинг «Лайли ва Мажнун» операси, Ашрафий ва Василенконинг «Буюк канал» икром этилди. Декада жюриси ва матбуоти Ўзбекистон музикасига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон санъаткорлари фронтда муттасил бўлиб, ҳаранатдаги армия қисмларида 4000 дан ортиқ концерт бердилар. Шунингдек, Ҳамза номли Академик драма театри, Муқимий номли ўзбек республика музика театри, Навоий номли давлат Академик катта опера театри, Андижон, Фарғона, Қўқон, Наманган ва бошқа область музикали ва драма театрлари асосан мудофаа спектаклирини намойиш қилдилар.

Уруш йилларида театр санъати соҳасида атоқли ўзбек артистлари — СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Аббор Ҳидоятлов, Саодат Қобулоса, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова, Фароғат Раҳматова, Раззоқ Ҳамроев, Собибжон Хўжаев, область театрларидаги халқ артистлари Аббос Бакиров, Жалил Раҳимов, Хадича Аминова, Нуъмон Муродов, Муроджон Аҳмедов, Мукаррама Азизова, Тамара Назарова ва бошқалар катта хизмат қилдилар.

И. ПУЛАТОВ,
тарих фанлари кандидати

тиқилиб қолган этигини чиқариб, Жумабойни тушуриб олди. У эса Чивилининг ҳазил саволига тушунмаган бўлса-да «Жумабойман» деди. Бир ўзбек йигит тўриқни етаклаб кета бошлади.

— Айил — пуштонини бўшатинг, — командирлардан сира тортинмай қичқирди Жумабой. — Тагин дарров боғлаб қўйманг. Юргизиб туринг. Бўлмаса оқсаб қолади.

— Эҳ-ҳа, — деди капитан, — чиндан ҳам Казбич ҳам, Азамат ҳам эмас, Жумабой экансан. Хўш, бу ёққа ўтир-чи. Пакетни ўқидим. Бу тушунарли. Энди ўзинг гапириб берчи.

Жумабой билганини, аҳволни, қандай келганини сўзлаб берди.

— Келган йўлингни аниқ биласанми, — сўради Чивили.

— Виламан.

— Яхши. Энди бориб дамнингни олиб тур. Чавандозни яхшилаб овқатлантиринглар, — капитан ўз чопарига қичқирди.

Жумабой эса овқатни кейинроқ ейишни айтиб тўриқни ёнига борди. Жангчи отни бир-бир бостириб айлантириб турган эди.

— Йесе, сувлигини чиқармасиз-ку ака, беринг ўзим бироз айлантирай.

У тўриқни ўн минутча тўхтовсиз юргизиб турди. Тинмай гапирар, гўё от уни тушунаётгандек қўзларига тикилиб сўзлар эди.

— Энди шу ерда туриб тур жонивор. — Мен борайчи, берганини баҳам кўрамыз. — Отни бўш қўйиб ошхонага томон юрганди, тўриқ эшиккача эргашиб бориб, депсиниб тўхтади. Жумабой бир бўлак нон ва муштдек келадиган иккита қант олиб қиқиб тўриқни «меҳмон» қилди.

Чивили Жумабойнинг қўлтиғидан ушлаб ичкарига бошлади ва тўриқни отхонага элтди топширишни буюрди.

— Икки соатдан сўнг келган йўлингдан бизни бошлаб борасан, — деди капитан ертўлага киргач.

— Шулардан хоҳлаганингни кўкрагингга тақиб қўярдим. Афсус мумкин эмас. — Капитан шинелнинг ёқасини очиб, кителнинг кўкрагини тўдириб турган орден ва медалларга ишора қилди. — Майли, биз сенинг жасурлигингни муносиб тақдирлаймиз...




Ҳар касбнинг ўзга бир гашти бор. Кулиб турган бу ошамиз ўз ҳаётини қўй-қўзларисиз тасаввур қилолмайди. Турсуной Азезова Нурота районидаги «Қизилча» қорақўлчилик совхозда узоқ йиллардан бери бош чўпон бўлиб ишлайди. Унинг ихтиёрида етти юз бош қўй бор. Шуларнинг ҳар юзтасидан йил сайин 160 тадан қўз, ҳар бирдан уч ярим килограмдан жун олади. Район меҳнаткашлари унинг хизматини юқори баҳолаб, Турсуной Азезовани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайладилар.

И. Глауберзон фотоси.

ТОПДИМ

«Юрган дарё, ўтирган бўйра»,
Шофёр халқин севган мақоли.
Ҳамиша у кезади дунё,
Сафардадир бахти-иқболи.
Йўллар борки, тор, ўйдим-чуқур,
Йўллар борки, текис кафтингдек.
Гоҳо юриш бағишлар хузур,
Баъзан юкнинг қолар кифтингда.
Гоҳо йўллар хавфу хатарли,
Жар бўйига келиб қоласан.
Йўллар борки, раvon, зафарли,
Юриб, эркин нафас оласан.
Ҳаётда ҳам гоҳ шундай бўлар:
Йўллар учрар осону қийин.
Бахтинг оғир йўлларда қулар,
Буни фақат сезасан кейин.
Довонлардан чидамла ошиб,
Манзилига етганлар бахтли.
Дарё бўлиб жўш уриб, тошиб,
Муродинга етиш кўп тотли.

Абдуқаҳҳор ҒАФФОРОВ,
милиция подполковниги.



Комил Яшин.

Я Ш И Н

Комил Яшин. Бу номни тилга олишимиз ҳамоно кўз ўнгимизда ҳамма театрларимизнинг пардаси бирданига очилиб кетгандай бўлади.

Парда очилади: сахнада «Гулсара» — у эскилик ва янгилик ўртасида. Гулсаранинг инсон қадри учун олиб борган толмас курашини кўрамиз. У бахтга, эркамга, эркин муҳаббатга эришиши йўлида тоғмай курашади. Биз ҳам у билан, унинг йўллари билан янаш бошлаймиз. Унинг орзу-ўйларига, иштилишларига хайрихоҳ бўламиз. Бизнинг вакилимиз

бўлиб, янги тузум, янги ҳаёт кишилари Гулсарани ёлғизлатмайдилар, уни курашга, янги турмушга давват этадилар. Гулсара эскилик дунёсидан устун келади. Бахти порлайди, орзуси ушалади. Саҳна чарақлаб кетади, чунки унинг порлоқ зинданидир дилларимиз чарогон бўлади. Бахтини топан Гулсарага офарини айтиб хайрашамиз. Офаринимиз Яшин ака қўлоқларига етиб боради. У ҳамамиздек мамнуният билан бахтиёр жилмаяди.

Ҳамза мукофоти лауреати

Парда очилади: «Нурхон»ни кўрамиз. Нурхон ўз фожияли қисмати ҳикоя қилиб беради. Кечаги зулмат оғушига гарқ бўлган ўтмиш. Оналар, опаларимизнинг аянчилик қисматлари. Эрк учун, муҳаббат учун, инсон қадри учун кураш... Бу йўлда фидойий бўлган Нурхон опамиз. Мусавффо кўксига санчилган қотил пичоғи. Юракдан отилиб чиққан фарёд қони... Ҳаммаси-ҳаммаси кўз ўнгимизда содир бўлган. Нурхон опамиз қисмати юрак-юракларимизни чавачлаб ташлайди. Кўздан оққан дув-дув ёшидан ўлкамиз тўлиб энтикалмиш...

Кечаги мусибатли кунимизга нафрат ила боқиб, бузғини нурафшон ҳаётимиз қадри қилматини яна бир бор кўнгилдан ўтказамиз.

Парда очилади: ўзбек халқининг қаҳрамон генерали Собир Раҳимов қошимизга чиқиб келади.

Унинг Ватан меҳр-муҳабботи билан ёниб, фашист босқинчилари балоларига бало ёғдириб турганини кўрамиз.

Россия, Россия азамат ўлка,
Эй, осмон сингари бепеён
Ватан!

дея ҳайқариб, Ватан меҳри оташинда ёниб, ёвга олов сонаётган баҳодир сиймога шарафлар ўқиймиз. Унинг жангдор жангчилари сафига туриб Ватан мудофаасида кўксимизни қалқон этамиз.

Дақиқалар кўзимизга илчимади. Ёни она тўпроқ оғушидан қувиб кетамиз. Ғалаба байроғини Рейхстаг қўббасига тикмағунча ором билмаймиз. Ватан меҳри, халқ муҳаббатидан, элар тинчлиги учун кураш ишоримиз бўлиб қолади.

Парда очилади: сахнада «Йўлчи юлдуз» чарақлайди. Ҳар биримизнинг кўксимизда порлайди у. У келажак уфқларимизни ёритиб, тўғри, равоон йўл кўрсатади. Қардошлар оиласида тенг, сеvimли оғанидай қадрини топиб, камолга эришяётган ўзбеклар хонадонига буюк доҳиймиз Владимир Ильич Ленин кириб келади. Доҳий қўшидек порлоқ сиймоси ҳаётимизни равиан қилиб юборади. Ўзбек халқининг ўз Отаси Ильич, бизни зафар йўлларига бошлайди. Зафардан-зафарга одим ташлаймиз. Келажак йўлида бел боғлаб иша тугтаймиз. Рўҳ баланд бўлгандан сўнг нимагаки қўл урсак ўрнидан тўрғазиб, тиклаб, чарақлатиб қўйишимизга инсон, кўксимизни тўлдириб юборади...

Парда очилади: сахнада улкан адабимиз Яшин ака. Ўрчимиздан турамиз. Севимли адабимизни оқшилаймиз:

— Адабимизнинг бепеён осмони порлоқ юлдузларга тўлаверсин!

САИЕР.

Аҳмад ЖАВБОРОВ,
Ўзбекистон Композиторлари союзи правленийининг раиси



Тўртта опера, саккизта балет, ун бешта музикали драма ва комедияларга музика ёзилди. Ўттиздан кўпроқ симфоник ва вокал симфоник асарлар, қатор камера ва романслар, эстрада қўшиқлари яратилди. Хуллас ўтган йил якуни процентда ҳисоблаудек бўлса, композиторларимиз ўз планларини юз фоиз адо эттишти.

Янги йил режалари ҳам чакки эмас. Буюк мутафаккир Алишер Навоий юбилейига катта тўёна тайёрлаш орзусидамиз. Навоийнинг «Сухайл ва Меҳр» асари асосидаги балет музикасини Манас Левиев тугалламоқчи. Мутал Бурҳонов «Навоий» операси, Сулаймон Юдаков «Она» кантатаси устида ишлаяптилар.

Ёш композиторларимиздан Эйнмарк Солиҳов «Ёрқин қўшиқ» балети музикасини

ёзиб тугаллаш орзусида.

Режаларимиз катта. Бироқ, рост гап, ҳаммасини бирма-бир санашга ҳали вақт эрта, энг яхшиси янги орзу, янги режаларимизни амалда кўрсатайлик, сўнг мақтовга арийди. Ана шунда миллий музикамининг боийтишга 1968 йилда салмоқли ишлар қилинди, ҳисса қўшиқ деяр оламиз. Янги йилда асосий эътиборни кўпроқ йирик ва классик асарлар яратишга қаратамиз.

1968

«Гулистон»
мусоҳабаси

Ҳамза мукофоти лауреати

Расмчиликнинг мураккаб ва ўзига хос турларидан бири портретчилик жанри, мўйқалам соҳибидан алоҳида маҳорат ва қобилият талаб этади. Чунки расм портрет асарида тасвирланажак қаҳрамоннинг фақат ташқи қиёфаси, умуман кўринишини айнан ўзига ўхшатиб тасвирлаш билан қифолянмайди. Балки у мойли бўёқлар воситаси ила холстага кўнжажак кишининг ўзига хос характери, бой ички руҳий олами, айна айни чоқда қаҳрамоннинг миллий ўзига хослигини кўрсатиши зарур. Шу талаблар ифодасини топа олсагина расм портрет ёдими дея олинса ҳақли. Шундагина у ниҳоятда сезгир, зийрак, иродали ва ўткир психолог эканлигини намойиш эта олади.

Ана шундай профессионал ижодий хислатларга молик бўлган санъаткорлардан бири Ҳамза мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ расмони Раҳим Аҳмедовдир. Ҳозирги замон ўзбек тасвирий санъатчилигининг йирик намояндalarидан бири бўлган Раҳим Аҳмедовнинг ижодида назар ташлар эканмиз, унда юксак профессионал маҳоратга эга бўлган мўйқалам устасини, миллий ўзига хос санъаткорни кўз олдимизга келтирамиз.

Тўнғич асари—«Халқ ҳофиз» сюжетли-тематик картинасини бундан ўн беш йил муқаддам диплом иши сифатида яратиб, устозлари ва мухлислари олдига катта синавдан муваффақиятли ўтган Раҳимжон қўлида сайқал топаётган портрет, тематик картиналар, манзара ва натюрморتلари нингоҳимиз тушиши биланқо—бу Раҳим Аҳмедовнинг қаламига мансуб дейдиган бўлиди. Чунки у яратётган асарлар ўзига хос бўёқ, миллийлиги, композицион тузилми, бадиий тили билан фарқ қилиб туради.

Санъаткор ҳар бир янги асарига оригинал ёндашади, янгиликлар излайди, темани мураккаб ва умумий ҳал этганидан қочади. Яна шуниси муҳимки, расм қалдирғоч асаридан бошлаб оддий кишиларнинг ўзига хос маънавий ёғзаллигини кўрсатишга ва шу воситалар орқали шу кунинг нофасини беришга интилади. У тасвирлаган тилик қаҳрамонларни биз кундалик ҳаётимизда, турли давраларда кўриб учратамиз, сўхбатларда биламиз.

Расм ижодининг яна ўзига хос томони шундаки, у ҳам бўлса «Инсон ва табиат»дир. Раҳимжоннинг ижодида чуқур назар ташлар эканмиз, у деярли кўпгина картиналарида қаҳрамонини улар яшоб турган табиат фониде беради, совет кишии характери ни дийрмизининг ёғзала ва бой табиати билан боғлиқ ҳолда



Раҳим Аҳмедов.

УСТА

олинса интилади. Асардаги табиат манзараси киши расмини бўрттирувчи оддий, фон вазифасини ўтмайди, ишон фаолиятининг маъносини очиб берувчи восита бўлибгина қолмайди, балки уларнинг ёғзаллиги ва жасоратини очиб берувчи калит бўлиб хизмат қилади. Яна шуниси муҳимки, у манзарани эҳтиёткорлик билан, академик малака билан чизади ва унда тасвирий санъат қонун-қоидаларини ҳамда пластик бутунлигини сақлайди.

Расмнинг новаторлиги ифодали, хотирада қолувчи композиция, мақсада мувофиқ қолорит танлашига, асосан замондошларимизнинг ўзига хос тилик образини топа билишида, уни умумлашмаалар орқали холстага тушира билишида яққол сезилади. Бу новаторликки биз унинг «Она йўлари», «Оналик Тонг», «Ба мураккаб ва умумий ҳал этганидан қочади. Яна шуниси муҳимки, расм қалдирғоч асаридан бошлаб оддий кишиларнинг ўзига хос маънавий ёғзаллигини кўрсатишга ва шу воситалар орқали шу кунинг нофасини беришга интилади. У тасвирлаган тилик қаҳрамонларни биз кундалик ҳаётимизда, турли давраларда кўриб учратамиз, сўхбатларда биламиз.

«Тонг. Борлиқ уйқуда. Фақат ёшгина мувоин бедор... У ҳозиргина талибин йўғзалаган кенжаотини бағрига олиб, меҳр сўтини бермоқда. Она сал мураған ҳолда ширин халға гарқ бўлган. Ҳатто эндиёна уйғониб келаётган табиат ҳам унга сўқланиб боқайтанди. Чиндан ҳам ҳаётий, жонли картина бу.

Раҳим Аҳмедов ҳақиқия напакирон, башарий ёғзала оналик муҳаббати темасини аjoyиб тасвирий воситалар билан оригинал, айни вақтда ҳамма учун тушунарли қилиб, чуқур келималар асосида талқин қила

олган. Унинг бу тематик картинасида биз ҳақиқий миллий характери эга бўлган мукамал образни кўрамиз. Бу суратнинг қиммати шундаки, расм бунда тасвирийликнинг барча қонун-қоидаларига амал қилган. Бўёқлари эса ёрқин. Қолорита классик назариялар традицияларига мос келадиган бўёқлар йиғиндисини кўрамиз. Шу сабабли ҳам у тасвирий санъатда умумлаштириш ва типиклаштириш нуқтаи назаридан ягона эстетик бирликка эришади. Унинг полотнолари томошбинига катта поэтик асардек таъсир этади ва томошбининг руҳини ўзгартириди. Фақат шунгина эмас, унинг бошқа кўпгина асарлари ҳам шундай таассурот қолдиради, кишида.

Мухлислар муҳаббатига мушарраф бўлиб келаётган Раҳим Аҳмедов тинимсиз изланувчан, меҳнат машаққатларидан қочмайдиغان расм. Унинг устахонасида борсанеиз, ҳар сафар янги асарлари билан танишасиз, турли вариантларда чизилган эскизларни кўрдан кечирасиз.

Портрет асарлари келажак авлодни ҳозирге даврда яшадиган кишиларнинг қиёфаларини, касб-корлари билан таништириш учунгина эмас, балки уларнинг қалб уришини, орзу-ўйларини ҳам асарларга етказиш учун яратилади. Шу ният билан қўлига мўйқалам олган Раҳим Аҳмедов эртанги куннинг шавқ-заъки билан нафас олмоқда. У улғур доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шодийниси шарафига замондошларимиз ҳақида баркамол асарлар армуғон этиши ниҳайти.

ҲАБИБ КАРИМОВ

Тошкентликлар

Ҳамид Гулом «Тошкентликлар» номли янги асарида Улғур Ватан уруши даврини, оғир жанговар йиллардаги тошкентликларнинг ҳаёти ва курашини акс эттирган.

Роман кўп планли. Адиб ўша давр ҳақида мумкин қадар кенг тасаввур беришга интилади. Романда персонажлар кўп. Улар орасида тарихий шахслар ҳам, тўқима образлар ҳам бор. Улар хилма-хил табақа, турли-туман касб эгалари. Уларнинг ҳар бири ўз индивидуал тақдири, қиёфасига эга. Воқеалар гоҳ Тошкентда кечади, гоҳ жанг майдонларига қўчади, гоҳ республиканинг турли бурчақларида ўтади.

«Тошкентликлар» — оилавий роман «Оилавий романнинг даври ўтгани» ҳақида баҳслар кетаётган бир шароитда ёзувчи бу тур романинг дуруст намунасини яратди. Шуниси ҳам борки, «Тошкентликлар» эски оилавий романлардан фарқ қилади, бу ерда оила кенг ижтимоий тарзда талқин этилади. Ойинса оиласининг тарихи, тақдири эл-юрт тарихи, тақдири билан муштаҳкам боғлиқ ҳолда берилади. Бу ҳол оиланинг, оила аъзоларининг шахсий бисотини очиниша асло ҳалақит берган эмас.

Ойинса ҳаётда мураккаб айлан босиб ўтган, кўп қурашларни кўрган аёл. Эри босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган икки етиммаси билан бева қолган. Бу шайхондан Ойинса қисмати адабининг клас романи «Машғал»даги Эъвозхон қисматини эслатади. Ойинса тақдири Эъвозхон тақдирининг давомидек туюлади. Ойинса фироқ алаңасига дош беради, икки фарзандини не-не машаққатлар билан вояга етказиб, энди орзу-ҳавас кўраман деб турганида юрт бошига катта ташвиш тушади, уруш бошланади. Фарзандларини жананга кузатар, яна фироқ алаңасида, изтирораб ичида қолади. Шу ҳолатлар тасвири эҳтида таъсирли чиққан.

Ойинсанинг севгиси, унинг Алижон билан муносабати ҳам ҳаляжонли. Алижон — Тоштемурнинг яқин дўсти. Тоштемур йўлмидан кейин унинг оиласини ўз ҳимояси остига олади. Ойинса катта ҳиммат кўрсади, фарзандлари тарбиясида кўмаклашади, бора-бора Ойинсани севиб қолади. Ойинсанинг ҳам унга майли бор, аммо эрига бўлган садоқати туфайли бу йўлда дадил ҳаракат қилишга боғинолмайди. Алижон эса Ойинсага бўлган меҳри туфайли уйланмай танҳо ўтади.

Автор бу айёнинг интим ҳаётини, шахсий изтиробрларини тасвирлаш билангина чекланишга ҳаракат қилган. Чунки, Ойинса бош қаҳрамон бўлганидан хилма-хил аспектда кўрсатилади, ёшлардан Йўлдош ва Эраш образлари тасвирида романтик бўёқ ишга солинади, қизлар — Гуноз, Назокат, Зухро образлари лирик руҳда талқин этилади, Меҳрибон буви тасвирида алаҳқандай майинлик, Карвон, Йўлдош бобо тасвирида илқ юмюк бор, Зулдубек билан Лобар тасвирида эса сатира ишга солинган.

Ёзувчи характерлар тасвирида роман жанри имкониятларидан кенероқ фойдаланишга ҳаракат қилган. Чунки, Ойинса бош қаҳрамон бўлганидан хилма-хил аспектда кўрсатилади, ёшлардан Йўлдош ва Эраш образлари тасвирида романтик бўёқ ишга солинади, қизлар — Гуноз, Назокат, Зухро образлари лирик руҳда талқин этилади, Меҳрибон буви тасвирида алаҳқандай майинлик, Карвон, Йўлдош бобо тасвирида илқ юмюк бор, Зулдубек билан Лобар тасвирида эса сатира ишга солинган.

Тарихий шахслар — Йўлдош Охунбобоев, Ўсмон Юсуфов, академик Филатов образлари, гарчи эпизодик бўлса-да жонли чиққан, ёзувчи бу сиймоларни аввалдан таниш характерли дегаллар топан.

Асар ўзгир ифтихор руҳи билан тузилган. Романи маълум маънода ўша оғир дамларда Ватан ва тарих олдидеги бурчини атлаво адо этган ҳаляшарларимиз шайнига айтлиган мадҳия дейиши мумкин.

Ўмарали НОРМАТОВ,
филология фанлари кандидати

В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси

1967 йилнинг 17 марти. Кўклам шабадалари бодомларни сийпалаб гуллатай деб турган наврўзи олам, Қаердадир, мумликлар ичида ян-тоғлар кўнара бошлаган субҳи содиқ.

Элгалди қишлоғига бир ёғи Гандимён, бир ёғи Боголондан, бир ёғи Оққум, бир ёғи Эшим, жийрондан, бир ёғи Бешта, бир ёғи Боготдан, бир ёғи Дашё, бир ёғи Менагасдан, бир ёғи Уртаё, бир ёғи Чондирқётдан, бир ёғи Қангли, бир ёғи Шовот қалъадан, бир ёғи Томадур, гадик, бир ёғи Чиқирчидан «Морак бўлсин»га одамлар нела бошлашди.

Амунинг жини кўзиган эди, Узанларини ташлаб, қуритиб, нариги соҳилга маҳкам ёпишиб олган дарёнинг яна чапақай жаҳли чиққан, гўё ўзининг ҳамма қилиқларини кўтарган онайзор заминдан қочиб नेताётганга ўшарди. Бир вақтлар Чақалоқ сома сув ичган жойларга минг хўплама насослар ўрнатилган, Мошинёрган, Қорамози, Байрам соқалар боши чуқурлатилган, пастлаб оққан сувни Урганч-орнага,

Бу водийда бўлиб дарё талаб, бир қатра сув томмай, Насибим оқибат мухлик сароб ўлгонга ўшарман.

Кўп ўйлашди. Муаммолари, жумбоқлари кўп эди. Иш юришиб нетишига умид бўлса-да, эътиқод ҳали туғилмаган эди.

Деҳқоннинг ичида таваккалчиси кам, Таваккал қилиши қийин унинг. Ун ўлчаб бир несади. Ун ўйлаб бир энади.

Охири бир тўхтамага келишди.

«Таваккалиям худо берган, бир сафар таваккал қилиб, омадимизни синаб кўрайликчи,— дейишди улар.— Болшавой айтгани дуруст бўляпти, зора бунисиям кўл келиб қолса».

Ун беш чоғли одам йиғилган мажлис қарор қилди. Қарорни бир парча рангпар қоғозга арабча қилиб бўзишди:

ЭЛГАЛДИДА ТҮЙ

Октябрь-орнага кўтариб оқишиш учун умум-халқ нураши бошланган ташвишли дам, Элгалдининг тўй-томошасига бало борми дерсиз ҳойнаҳой. Бир қарашда ажабланиш ҳам мумкин. Аммо тағи ўйлаб кўриلسа, бу ҳам, аслида — нураш. Қирқ йиллик оғир нураш, Сув нураши. Ер нураши. Ширкат нураши, Колхоз нураши. Ҳосил нураши, Довруқ нураши. Халқ бош кўшган нурашларнинг охири эса ҳамма вақт бахайр, тантанали бўлади. Бу ҳам тарих саҳифасига кирган катта нураш эди.

Элгалдидаги ҳозирги Олтибой Қурбонов номи колхоз, 1927 йилги «Янгилик» артели, Хоразм воҳасидаги тўнғич хўжалик шу нуни қирқ йиллигини нишонлаб, қийин йилларни эслади, нураш оловларида исинди, фидойилар хотирасини абадийлаштирди, ютуқларни сарҳисоб қилди, неланганга режа тузди.

Тарихда тарихий бўлмаган ҳеч нима йўқ. Қишлоқнинг ҳам тарихи бор. Шаҳарнинг ҳам. Овулнинг ҳам, Кўчанин ҳам. Қўрғоннинг ҳам. Заводнинг ҳам. Тупроқнинг ҳам. Дарёнинг ҳам. Ленин бу тарихнинг ҳаммаси ҳам хатланиб қолган эмас. Эски қўшиқдай оғиздан оғизга кўчиб юрипти.

... Қирқ йил бурунги воқеа.

У ер-бу ерига қора уй қаңқайган Элгалдида ун беш ялангтўш деҳқон йиғилиб маслаҳат қилди. «Нешатиб бирлашсан экан?». Улар бир-лашининг ҳосиятини эсинларнинг гапларидангина билардилар, холос. «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деганлар. Бошинг икки бўлмагунча, молинг икки бўлмайди. Деҳқон икки бўлмагунча, экин-тикин бўлмайди. Улар бир ёнадан бош чиқармоқчилар, ерни бирлашиб ишламоқчилар. Умр бино бўлиб кўрилмаган ҳодиса. Ғайри иш. Қаердан ва нимадан андаза кўтаришсин? На нусха бор, на тажриба.

Деҳқон азалдан сўқнабош, ёлғиз кўл бўлиб келган. Бир-бирига кўш чиққанда қарашиб юрмаса, бошқа вақтлар ўз холича, ўз дарди билан йшаган, ерни ерга, сувни сувга кўшай демаган. Худди Муҳаммад Ризо Эрннёз ўгли Оғаҳий айтгани каби: қатрага зор, насиби оқибат сароб.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихини яратиб жамоатчилик асосидаги институт тайёрлаган материаллардан.

Тракторчи Омонгелди Аvezов Олтибой Қурбонов номи колхозда 1935 йилдан бери ишлаб келади.

«БИЗ ДЕҲҚОНЛАР ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК АРТЕЛИГА УЮШИШ, ҚҮЛОҚЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ. ДАН УМРБҮД ОЗОД БУЛАМИЗ ВА АРТИЛ АЪЗОСИ БУЛИБ ЕЗИЛАМИЗ».

Ушандан буюн кўп сувлар оқиб кетди. Дарактлар қирқ марта хазон тўқди. Омочдан оқсой плугига, кейин «Фордзон»га, кейин ЧТЗга ўтилди. Чигир насос билан алмашди. Уроқ комбайн билан. Эшак мотоцикл билан. Қоп-қанор прицеп билан.

Энг ёқимлиси — деҳқон ўзгарди. Ўзгарган деҳқон эса амирнон чигитини ўзгартирди, Даланин бичимини ўзгартирди. «Шахмат» чиқди. Квадрат-уллаб экиш чиқди. Бугина эмас. Далада мусобақа чиқди, Ударник чиқди. Юз центнерчи чиқди.

Селекция пайдо бўлди. Агротехника пайдо бўлди. Ирригация пайдо бўлди. Маданий ўғит пайдо бўлди. Механизация пайдо бўлди. «Ободон» деган кўшиқ тўқилди. Зарип Рамазов доврўқ чиқарди. Ойшахон янги ер очди. Уғилжон «зангори нема» ҳайдади.

Мана, леникча кооператив планининг ҳаётбахшлиги! Мана, колхоз тузуми ўрнаги!


Деҳқон кўлданим оқовага зор эмас. Омоч билан ер тирнамайди. Шўр ниҳолларини қирқиб ташлашга ожиз.

Амирнонни ўй-отиза экнарлар, Теша билан челларини чекнарлар, Тўкимини янка-янка тўнарлар, Тера-тера кўйлагимдан айрилдим. Пуч кўрагин бири қолмай очилди, Пахталари челларинда сочилди, Тера-тера ўнг ён тизим очилди, Тера-тера ич кўйлақдан айрилдим, Қурғур бойи бизларга ҳеч бормайди, Бизнинг эккан амирнонни кўрмайди, Кўйлаги тўзганга кўйлан бермайди, Тера-тера иштонимдан айрилдим.

деб ҳасрат қиладиган, йиғлаб-йиғлаб бир гал-вир пахта йиғадиган бибилар йўқ энди.

20-йилларнинг охиридада сочилган уруғларнинг шунақа мева беришини ним билипти дейсиз ўшанда. Болаларнинг етти ухлаб туши, га қирмаган нарсалар: миллионер молхозлар, дастёр машиналар, қишлоқ хўжалик ўцув юртлари, тезпишар навлар, минерал ўғитлар, ёруғ элентрлар, беминнат газлар, фахрий унволлар, мўмай пуллар...

...Башанг клуб, Пештоқдаги алвонда зарҳал ёзув: «КОЛХОЗЛАР ДЕҲҚОНЛАР УЧУН КОММУНИЗМ МАКТАБИДР».



Деҳқоннинг жонига ора кирадиган машина-механизмлар жуда қўп яратилди. Шулардан энг мураккаб, энг аълоси — пахта териш агрегатидир.

Бугунги кунда терим машинасида мамнуи бўлмаган бирон механизаторни, пахтакорни учратмайсиз. Бу машина пахтачиликни комплекс механизациялашда катта инқилобий иш қилди дейишга ҳамма асослар бор.

Бизда яратилган тик-шпинделли осма икки қаторли терим ускунаси хорижий мамлакатлардаги ўтмишдошлари ва тенгдошларидан тубдан фарқ қилади. Ҳатто Американинг энг яхши ётиқ-шпинделли ускунасида ҳам ўтиб тушди. У машиналар АҚШда юз йилдан кўпроқ вақтдан бери тузилиб, қўлланиб келинаётганини эслаб кўрсак, бизнинг ихтирочиларимиз муваффақияти янада кенгроқ намоён бўлади. Олимларимиз, инженерларимиз яратган терим агрегатлари катта қулайлик ва устуниқларга эга. Уларни яратишда машина қимматини арзонлатишдан ташқари 6—8 қатордаги ҳосилни тира оладиган қилиб мослаш ҳам мумкинлиги назарда тутилган.


Бу агрегат яратилди, аммо у дунёга келгунча қанчадан-қанча кишилар кунни тунга, ҳафтани ойга, ойни йилга уламаган дейсиз! Бу орада ижодий баҳслар, омадли-омадсиз дамлар, машаққатли меҳнат ҳафталари бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана энди республикамиз далаларида неча ўн минглаб «зангори кема»лар ишлаб турибди, улар неча юз минг теримчини оғир қўл меҳнатидан халос этяпти. Агар 1946 йилда — пахта териш машинаси энди ҳаётга кириб келаётганида Ўзбекистондаги ялпи ҳосилнинг бор-йўғи 0,2 проценти агрегатларда терилган бўлса, бултур бу рақам қарийб 40 проценти ташкил этди.

Бу ажойиб техникани П. Глазатов, А. Приходько, В. Тютков, М. Марков сингари ихтирочилар ва инженерлар ақли юзага келтирди, Жавод Кўчиев, Турсуной Охунова каби машҳур механизаторлар синаб, турмушга татиқ этдилар. Уз маслаҳатлари билан ихтирочиларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бу захматкашларнинг меҳнати юксак баҳоланди ва улар Ленин мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Суратда: терим агрегати ихтирочиларидан бир гуруҳи.

В. СВАРИЧЕВСКИЙ
Г. Графкин фотолари.



Ҳарбий машқда. Байроқча тутган йигит кузатувчи ефрейтор В. Овчинников.



Учувчи Владимир Тарасов.

Кўз олдингизда енгилмас Совет Қуrollи Кучларининг ажралмас бир қисми — Туркистон ҳарбий округи аскарлари: танкчилар ва алоқачилар, учувчилар ва пиёдалар, савёрлар ва тўпчилар. Улар она-Ватан ҳимоясига ҳамниша шайланиб, оғир аскарлик хизматини шараф билан адо этмоқдалар; Уставни қунт билан ўрганиб, ҳарбий техникани пухта эгаллашмоқдалар.

Туркистон аскарлари Қорақумнинг қайноқ кўлини кечиб, Помирнинг бўронли аёзларини писанд айламаган кечани кеча, кундузни-кундуз демай, солдатлик илмини — тиш-тирноғига қуролланган ҳар қандай ёвни енгиш сирларини ўрганмоқдалар.

Ҳақиқатдаги суратга боқинг. Ўқчилар Қорақум саҳросидан ўтиб бормоқдалар. Ватан уларга энг янги, энг мукаммад, энг ишончли машиналарни бериб қўйган, бу машиналар ўтолмайдиган ҳеч бир тўсиқ йўқ. Олдинда «душман» кўринди. Аълочи пулемётчи ефрейтор Владимир Овчинников командирнинг буйруғини ишора қилляпти. Саноқли дақиқалар ўтади ҳамки, пиёдалар душманга қарши елдек ёпириладилар, улар устига ёмғирдек ўқ ёғдирадилар, найзалар ўқталадилар. Буларнинг ҳужумига ҳеч қанақа ёв дош беролмайди.

Жанговар реактив самолётнинг қулоғини маҳкам ушлаган мана бу учувчининг жасоратига қойил қолмай бўладими?! У бошқараётган самолётни довурак, полвон, соғлом, дукўр билмли, руҳан бардам кишиларгина учира оладилар. Бундай ҳислатлар бизнинг ҳаво лочинларимизда етарли. Улар об-ҳавонинг ҳар қандай шаронтида осмонга кўтарилиб, душманин яқсон қила оладилар. Иккинчи класс учувчи коммунист Владимир Тарасов ўз самолётини неча бор учирган, энг оғир шароитларда олдиндаги нуқтани қувиб етиб, ўқув шартларини аъло даражада бажарган. Ҳар сафар энг юқори баҳо олган. Мабодо, ростакам душман йўлликқудай бўлса, Тарасов унинг адабини беришига ишонаверинг.

Катта лейтенант Валентин Табунов хизмат қилган қисм Улуу Октябрнинг 50 йиллиги арафасида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг эсдалик байроғини олишга сазовор бўлди. Бу — гоёт юксак шарафдир. Бундай шарафга муяссар бўлиш қийин. Айни пайтда бу шуҳратни сақлаб қолиш ундан ҳам оғир. Буни қисмдагилар яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам катта лейтенант В. Табунов ротаси жанговар тайёргарликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборганлар (пастдаги сурат).

Туркистонлик аскарлар фақат яхши ўқиб, машқ қилибгина қолмай, қувноқ дам олишни ҳам биладилар. Ҳарбий коллективнинг ўз Василий Тёркени, машшоқлари, шоирлари бор. Машқ оралигида озгина танаффус эълон қилинганда ҳамон оддий аскарлару сержантлар ўзларининг сеvimли ҳазилкаш ва қизиқчиси Владимир Тютинни ўртага чорлашади. У бўлса қўлига баянни олиб, қувноқ куй чала кетади. Майини мусиқа оҳанги атрофини тутлади. Аскар дили яйраб-яшнаб кетади!

Аскар ҳордиги кўпга чўзиламайди. Яна машқ бошланади. Туркистонлик аскарининг бир минут вақти зое кетмайди. Чунки Ватан ҳимояси ундан кўп ва пухта ўқишни, машқ қилишни талаб этади. Аскарлар эса бу кўрсатмага ҳамниша содиқдилар.




Ҳордиқ пайти. Ҳаваскор аскар Владимир Тютин.

А. АСАНОВ фотолари.

Рота ҳужумга отланди. Машқ пайти. Олдинда рота командири, катта лейтенант Валентин Табунов.





Г. УЛЬКО. Халқ рессоми Умарқул
Жўрақулов сурати.

Тўрни эгаллаган қолхоз қурилиши сардорлари, ҳув ўша, бодомлар қийинчилиги билан гуллаган янгирима эттинчи йил кўнлами, бир қулбан хонада «артил тузамиз» деб маслаҳат солганларини эслаб ўтиришгандир. Анави Машариб бовадан сураб, ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берад. Сур чўғирмасини бос-тириб кийган ана шу ёшулчининг кўрган-кечирганлари озмуन्छи! Ажинларидан тарихини товушсиз ўқиш мумкин.

Тарих — соқов. Ўзича гапирмайди. Уни тилга киритадиган одамлар фақат. Жуманиёз ўғли Машариб бова бир дафтар тугган. Ҳар варағи — воқеий ҳикоя. Лофларсиз, соддагина.

«1927 йилнинг аямажизлари эди. Йўқчилик кўчирган ўн беш хонадон хувулдаб ётган жойга келиб қўнди, Қўш чиқадиган пайтар эди, бамаслаҳат артия тузишди. «Янгилик» номини ним ўйлаб топгани эсимда йўқ, аммо ҳаммага маъқул тушди у. Чоракорлар кўч-кўран кўтариб кела бош-ладилар. Бир маҳал қарасак, бинойидек жой бўли қопти кўнган еримиш. Шу-шу, қишлоғимиз «Элгалди» бўли кетди.

Топғач-тутганимиз алмисоқдан қолган учта омов кунда эди. Шукур қилардик шунингизга, Янаги йили Газовотдаги қара ширати «Янгилик»га «поп. поп» қиладиган бир бало берди. Оташдони домл тутун қайтариб турарди. Билағонлар гоҳ «трактир», гоҳ «парзон» деишарди уни. Кундузи шанли-шамойилини кўрувдим, кечаси лабларимга кўк учиб тошиб чиқди. Мулланнинг қавалаги учди. Дедик, трактири шариятда йўқ нарса. Одам Атодан қолган кетмон туриб, уни ишлатиш — кўфрони нетмадур. Бир — Уланга, бир — куйганга тегма, деганлар. Жон-понимани чиқиб, «нима бўлса худодан кўрдинг» дедик.

Йиллар кўп ҳодисаларни хотирадан ўчириб юборган. Уларни тиклаш қийин. Дюкин Воқиберган ёнида бўлган бир учрашув, қуни кечадикек эсимда яхши туришти, Чамаси уч юз деҳқон тепага лой отиб тургандик. Шовот тарафдаги қум ичидан бир одам чиқиб келаварди. Мундоқ разм солгач, ўзимиздақа котмача, хушмуў, бров, деҳқон муча одам. Биров таниди, биров танимади. «Йўлдош Охунбо» деган гап оралади. Дарров ўртага олдик. Қўл олишдилар. Хийли гурунглашгач: химматларингизга балли, пўлвонлар! Кўп савоб иш қиласизлар, Катта раҳматлар айтаман. Энди гап шуки, мана шу каналнинг оёғида намбагал деҳқонлар уюшиб намунавий артел тузинглар, бутун Хоразм округига ўрнак бўлсин. Артел тузилганини манга, Ўзбекистон жумҳурияти Олий Советига хабар қилгайсизлар, ёрдамни аямаймиз, дедилар. Ҳаммамиз «важаб!» дедик.

Шу-шу, қолхозлашиб кетдик, «Оқ олтин», «Қизил юлдуз», «Иттифоқ», «Октябрь», «Шўролар», «Саноат» қолхозлари тузилди. «Оқ олтин»га батрак Абдиқарим Хўшаб ўғли, «Қизил юлдуз»га батрак Норим Одам ўғли, «Иттифоқ»га ўртақол деҳқон Раҳим Нуниёз ўғли, «Октябрь»га батрак Қўчқор Худойберган ўғли, «Шўролар»га ўртақол деҳқон Отаназар Оллоназар ўғли, «Саноат»га намбагал Жўмаш Қурбон ўғли раислик қилди. «Тузилди»нинг ўзи бўлармишим, айтишга осон. Моъ аччиғи — жон аччиғи деганлар. Газасидан айрилган пахтачи боллар, вақф ерлари кетган шариятпаноҳлар янгиликнинг илдиизига болта урмоқчи бўлар, намози жу-маларда домла-имомлар: «худуд худовандо, ялангоёқлар галомисидан ўзинг асрагайсиз!» деб тиловат қилар, собиқ қўшбегилар, қози аъламлар фирқаларини, қолхоз қурилиши феодалларини улдиришга фавво берад эдилар. Жудаям оғир, мунофиқона, пастқамлардаги кураш ани бу.

1928 йилнинг қовун пишиғимиди, Аҳмал Маҳмуд деган фуқаропарвар, жоншак, тилла одамни каллакесар Муҳиббела қавақлаб кетди. Жонабар, моқ деган санки ажойиб ташкилотчи Жўман Пирназар ўғлининг пайини қирқди, «чўпон» лақабли Қурбондурди босмачининг дастидан дол деманган одам қолмади. У худди чия бўрига ўхшаб шом қоронғисидан инидан чиқар, шарпаси ҳам дахшатли эди. Кечалари ҳаловат йўқ, жонни ҳовучлаб ўтирардик. Ана шу хароми Қурбондурди чўпон 1930 йили, беда бир ўрмита келган маҳал, қишлоқ Совети котиб Вейтйлла Евбосаровни отиб, қора қонига белаб кетди. 1931 йили инки маъсуманинг бошига етди: қишлоқ Советининг аъзоси Олажон Қаландарова билан қолхоз феолаеси Жўмагул Абдуллаева Қурбондурди чўпоннинг машъум ўқидан ҳалок бўлдилар.

Ҳали «қолхозлар тузилди» дедим, Лоини улар ҳозирги бадавлат, интизомли, серҳосил мустаҳкам қолхозларга тирпоқча ҳам ўхшамас, янги тузилган боладай йўрғаксиз, қип-ланғоч эди. Ҳар бир қолхознинг би-сотига қирқта-элликта чингирдан бошқа ҳеч вақто йўқ эди. Сувини ўн чақиримдан етказиб келардик. Еб қазмасак, шўримизга шўрва тўкиларди. Ҳар йили, эрта баҳор ва кеч кунда «суви!» деб қум-тупроқ бўлиб ётганимиз ётган эди. Ҳўниз авлиё эмасмиди, кечалари маштал ёчиб, ер ағдарардик.

Очиги, қолхоз жуда қимматга тушган бизга. Кечмишларни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим орқамга тортиб ке-

тади. Яхшиям, пешанамизга бахт битган экан, партия етатида шу улуз айёмларга етиб келдик. Мандек бир ҳоштуробни ҳам Ленин партияси кўтариб кўшега рўпара қилди, 17 йил Газовот қишлоқ Советининг раиси, 17 йил қолхоз раиси бўдим. Чаконим-да кўшалон Меҳнат Қизил Байроқ нишони яриқрайди, Ўсмирлигимда Хевани дувенинг бир ченкаси, орқасида ер йўқ, бахри уммон дердим, ақлимни танигач, замоннинг аяли билан Москвадай олами жаҳонни ҳам зиграт қилиб келдим. Уй ичим егал-гап, бола-чақаларим топармон-тутармон, ўзим пийри-бадавлат, шахсий пенсионер. Ҳаммаси авваламбор қолхознинг орқасидан. Ҳаммаларингизга насихатим, болаларим, оталарингиз туп қўйиб, палак ёган жойни, қолхоз даргоҳини суяинглар, наини, қолхозда ҳосият кўп!» (МАШАРИП БОВАНИНГ ДАФТАРИДАН).

...Кўшқўпир район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ражабов «Хоразмдаги тўнғич қолхознинг қирқ йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни очиб деб эълон қиламан» деганида зал гуриллаб кетди. Қарсанлар клубни кўтариб юборадиганга ўхшарди. Юртада «бир — билгандан, бир — кўргандан сўра» деган гап бор. «Янгилик»ни кўрган ва билганлардан икки нишигина қолган эди, холос. «Артил тузамиз» деган ўн беш батракнинг иккиси. Бир — Болта бова Хўшаниёзов эди. Фармонбардор Ислонхўнанинг собиқ чоракори. 1927 йили Йўлдош Охунбобоев билан «саломалин» қилишган деҳқон. «Янгилик» қолхозининг биринчи раиси Рўзмет Матчоновдан кейинги раис. Коллектив хўжалиқни узоқ тебратган ишбоши. Яна бири — Оллоберган бова Со. биров эди. У ҳам собиқ батрак, норанда. Қолхоз қурилишининг ветерани. Қирқ йиллик қолхозчи.

Болта бова ҳам, Оллоберган бова ҳам бобоёноқдан йўнилгандай бақувват эди. Иккаловларидан ҳам бир тутамдан соқ-соқ.

Авал тарихшуносларга сўз беришди. Минбарга Болта бова чиқди. Дарров айлиб келалавермайди гап. Бир зум халғга чўлиб қари. Хотиралар... хотиралар... хотиралар...

Қай бирини айтсин? Артилга уч жой ёзиламан: «бир — ўзим, бир — аелим, бир — хўтигим» деганлариними? Чойлада бошига ўроқ қўйиб ухлаганлариними? Почасини шимариб, ялангоёқ шўр ювганлариними? Годовойда ведомласта нўк бармоқ босганлариними? Кундузлари ер қирғишлаб, кечалари «Алифбосини ҳижжикалаб ўқиганлариними? Қурбонлар-чи, қурбонлар! Шому-сахарлардаги ола тўполонлар, «чоп-чоп»лар, «ур-йиқит»лар, «вой шў, рим»лар? Е самовар, е граммофон қангамаларини гапириб берсиникан?

Болта бова гапни узоқдан, бой бойга боқиши, сув сойга оқишдан бошлаб, эси яраларни янгилади, «ер-унда ишлаганини» деган гап чиққунча деҳқончинидан барана топмаганини, Ислонхўнанинг эшиғида қоринни ямаса, эгинини яломлай, эгини ямаса, қоринни яломлай, хору хас бўлганини, «Янгилик»дагина биринчи марта қўлига червон кирганини битталаб айтиб берди. «Артеллашганим бўлсин» деб не хусуматларга қолмади? Утирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, дедилар уни. Соқ-соқолига ўшанда оқ тушди.

Залдагилардан кимдир «тавба!» деб қўйди. Янгирамчи йилларнинг оёғида қолхоз тузиш шунчалар мураккаб, синдий масала бўлганмиди? Энди-ну, ракеталаримиз Ойга, Зухрога Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг давлат гербини элтчб қўйган қосмос асрида қолхоз тузиш нима деган гап? Даббабасиз, оддийгина воқеа. Кашфиёткиндан узоқ. Аллақачон йўл-йўриғи топишган кундалик иш.

Кейин Оллоберган бова сўзлади. — «Янгилик»ни ўн беш аъзо икки жуфт хўниз билан оёққа бостирганимиз,— деди соқолини бармоқлари билан тарақлаб, — Чарқас афанди айттардик. Советотсан кураш тушардик. Очқосан чингирини шимардик. Одамнинг жони қаттиқ экан. Иссиқ-совуқ — ҳам-

(Давоми 20—21 бетларда).



Қолхоз тузиш маслаҳати.

* Чингирик — жўжорипоя.



Олтибой Қурбонов — Элгалди камбағал-деҳқонларининг етакчиси.

масига чидадик. Кўрмаганимиз қолмади ҳисоб. Нучимиз ҳам, умримиз ҳам колхозга сарф бўлганидан ўинмаймиз, чирогларим. Эсимиз борда эл таниб, нучимиз борда ер таниб, колхоз тузганимиз жудаям боп иш бўлган экан, мана энди роҳатини кўриб турилмиз. Бизларни қовуштириб колхозлаштирган партия омон бўлсин!

Кейин Машарип бова сўзга чиқди. Кейин ўша йилларги ер шўъбасининг бошлиғи Раҳим ота Ҳасанов.

Кейин «Янгилик»нинг биринчи ҳосилоти Раҳим бова Шерматов...

Кейин... қалдирғоч тракторчи Исмоил ота Оллоберганов...

Кейин... ўша йиллар ташкил топган Ғазовот район партия кўмитасининг аёллар бўлими мудираси Шарипа опа Урозова...

Кейин... Ғазовот район комсомол кўмитасининг дастлабки нотибии Жуманиёз ота Исмоилов...

Хотиралар... хотиралар... хотиралар...

Ҳаммаси воқеабанд, табиий. Бамисоли қизич бир китобнинг айрим-айрим бошлари. Турмуш ҳиноялари. Кураш кўшиқлари. Колхоз ташвишлари.

...Колхоз раиси Раҳим Худойров «Янгилик» босган йўл ҳақида, йўлдаги нурашлар ҳақида лўнда донлад қилди.

— Асли бу мамлисини тарихий «Янгилик» колхозии ила замонавий Олтибой Қурбонов колхозининг тантанали қўшма мамлиси деган маъқул,— деб бошлади гапни у.— Сабаби

бундаги жамоат ичида ҳар инкала колхознинг намоёндалари бор. Умирларига барана берсин. «Янгилик»нинг ташкилотчиларидан Болта бова, Оллоберган бовалар барҳаёт, орамизда савлат тўкиб ўтиришпти. Йигинимизда «Янгилик»нинг аъзоларидан Рўздат Матчонов, Полвон Саидов, Собир Пирнапасов, Раҳим Холниёзов, Жумабой Оллоёров, Маъсум Қурбонниёзов, Худой Оллоёров, Аваз Отаниёзов, Хужаниёз Авазов, Аваз Полвонов, Тўйли Қурбонниёзов, Отажон Юсупов, Карим Норматовлар қатнашаётгани айниқса мароқлидир. Колхоз нурилли сардорларига шарафлар бўлсин!

...Зал ларзага келди. Ҳамма ёшунлиларга таъзим адо этарди. Раис «Янгилик»нинг «таржимана ҳоли»га ўтди.

...Ғалати эди у даврлар. Уттиз-қирч таноб ерда ҳам артел пайдо бўлаверарди. «Янгилик»нинг чекига 22 гектар ер тўшди. Исфадиёрнинг бош эазирчи Исмолхўжа номига хатланган ер. «Янгилик» ана шу жайдаги ерда Хосиён қишлоғининг «улуғ»лари Маткаримхўжи ва Жалол Эшонлардан мусодара қилган 2 от-арава, 4 ҳўниз, 2 омон-мола билан иш бошлади. Биринчи баҳори 14 гектарга чигит тинди. Қолган 8 гектарига беда уруғи, оқ жўхори, мош сочди. Офтобшувоқ нуналар ўтиб, булдуриқ ёғганда ҳисоб-китоб қилиб кўрса, гектар бошига 4 центнер пахта тўғри нелиб турипти. Шунингча ҳам шукор қилишди. «Кўтариб оламиз» дейишди.

Йил охирида қолганда Элгалди қишлоғи яна бир колхоз тузиб, номини «Қизил куч» қўйди. 28-йил бошларида «Янгилик» уни ўзига қўшиб олди. Бора-бора Сталин номли, «Иттифоқ», «Октябрь», «Қизил юлдуз» колхозлари ташкил топди. Ғазовот қишлоғи зонасида эса «Саноат», «Октябрь», «Шўролар», «Коммунизм», «Пахтакор» тузилди.

Бу ҳўжалилар икки марта йиркилашди. Биринчи сафар — 40-йил бошлари Инчинчи сафар — 53-йил охирилари. Бақувват ҳўжали, яхлит колхоз Сталин номи билан атала бошлади.

Раислар колхоз эстафетасини бир-бирларига топширдилар. Биринчи колхозии Рўздат Матчоновдан кейин Болта Хужаниёзов, Болта Хў-

ЭЛГАЛДИДА ТҲЙ

ИНСОН

Уруш инсон ҳаётининг душмани. Унга қарши курашган, балоларни даф этган инсон бахтиёр яшагга ҳақлидир. Ёзувчи Саид Аҳмад «Уфқ» (иккинчи нашри) асарининг сўнги саҳифасини ёпганида, дастлаб ана шундай фикр қалбининг ҳаяжонга солади.

Совет кишининг ватанпарварлик туйғусини, унинг қалб бойлигини, маънавий кудратини кўрсатиш асарининг асосий йўналишини ташкил этади. Икромжон марказий қаҳрамондир. У урушдан бир оёқ бўлиб қайтади. Қишлоғида обрў-эътибори зўр. Фронтидаги жасорати учун мукофотланганидан ўзи ҳам беҳабар бўлган «Қизил Вайроқ» орденини райондан келган лейтенант қишлоқдошлари кўзи олдига унга топширади. Аммо бу бахт устига бошқа бир бахтсизлик қора кўланга солади. Жондан севган янкаягона фарзанди Турсунбой армиядан қочибди.

Қаҳрамон қалбига икки олижаноб инсоний туйғу — Ватан, халқ олдига юксак бурч, масъулият ва фарзанд меҳри бир-бирига зид келиб қолади, бири иккинчисини инкор этади. Бу умум инсоний туйғулар зиддияти инсон қалбининг азалдан ойнаси бўлиб келган. Биз буни М. Горькийнинг Италия эртақларидаги ватанига хиёнат қилган фарзанди қалбига ханжар қадаган жасоратли она қиёфасида ҳам, хови ўғлини жонидан жудо қилган халқ исёнкори Тарас Бульба қалбига ҳам кўрган эдик.

С. Аҳмад Икромжон қиёфасида совет кишинига хос олижаноб инсоний туйғуни ҳаққоний чизади. Икромжон қориндошлик туйғуларини бирданга инкор этиб, ўғлини лаънатлаган, интиқой туйғуларини кўкракка уриб намоёйиш қилувчи китобий оталардан эмас. Икромжон жонли образдир. У ўғлининг ховинини қаттиқ ички изтироб билан чуқур ҳис этади. «Икромжоннинг юраги қуярди. Ота ўз боласини миғ марта оқ қилганда ҳам юрагининг бир чеккасида шу болага атаб ардоқлаган, унинг камолини кўришга асраган меҳрининг зарралари ётади».

Икромжон Ватанининг бахт-саодати учун юрагини беришга тайёр, аммо ўғли Турсунбой шу юрагининг бир парчасидир. У халқ учун тирноқ билан тоғ қўпоринишга тайёр, аммо Турсунбой шу тирноқ ётидир. Қаҳрамон шу руҳий исканжа орасида тўлғанади. Икромжон фарзандининг бундай ноқобил бўлиб чиқишида биринчи навбатда ўзи айбли эканини тушунади. Бу тушунча уни янада қаттиқроқ эзади. «Қўлини совуқ сувга урдирмади...

Инглаганда қўшилиб йнглади. Қалинини ҳам ювиб қўярди. Касал пайтида ҳам уни тойлоқдай қилиб опячиб юрарди». Шунинг натижасида Турсунбой меҳнатни кўрмай роҳатланидиган, мазмунни ўйламай чиройга уачидан тантиқ ўғил бўлиб ўсди. У Зебини ҳам Зухра ролидаги чиройли расмини кўриб севиб қолган эди.

Бош қаҳрамондаги бу маънавий конфликт асарнинг асосий сюжет чизгини ҳаракатга келтирувчи дастандир. Икромжондаги руҳий зиддият ўсиб боради. Ўзгаларнинг ҳар бир ишораси, ҳар бир хатти-ҳаракати Икромжон қалбига ниш уради. Қишлоқдоши, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Азизхон Умматалиевни қуттиш маросимига чиқишга ҳам юзи шувит. Ҳатто, меҳнатнаш мўминқобил ўғли Низомжонни оқ қилган пасткаш Иноят оқсоқол ҳам Икромжонни ховининг отаси деб ҳақорат қилади. Икромжоннинг пинҳоний қалб тугўни нихоясига этади. У қамишлар орасидан бўри кўзидек ёниб турган бир нарсга дуч келади. Ота уни уст-боши, афт-башарасидан эмас (уни бу ҳолатда уст-бошидан таниб бўлмас эди), тикилиб турган кўзларидан юрак билан ҳис этади. Жошжаҳди билан унга ташланади. Оч-ноҳорликда қолган Турсунбойни ғажиб ташлашга тайёр эди. Унинг орқасидан ўқ узди. «Тутун тарқалганда Икромжон ўғлининг қамишларни қайириб ҳамон чопиб кетаётганини кўрди. Хайрият тегмади, деди. Бу гап болани мўлжалга олмади. Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тепкинчи босди». Шу ҳолатда Икромжоннинг ўғлига бўлган ғазаб ва нафрати, фарзандлик меҳри худди алаंगा ва тутун сингари биргалликда кескин намоён бўлади. Турсунбой ота ўқидан эмас, ўз қилмишидан жазоланиб, кимсасиз қамишзорда дарбадар, оч-наҳор ҳалок бўлади. Эотан Ватанга хиёнат қилган, жамиятдан ажралган инсоннинг тақдирини шу эди. Соддадил ўзбек аёли, қалб фарзанд муҳаббати билан лиммо-лим меҳробни она Жаннат хола Турсунбой ҳасратиде ақлдан озиб дунёдан ҳис юмади. Буларнинг ҳаммаси қон томирлари сингари Икромжон қалбига уланади, уни ларзага солади.

Қаҳрамондаги руҳий зиддиятни кўрсатишининг ўзинга киёво қилмайди. Унинг бу зиддиятни енгиб ўтиши ҳам мўҳимдир. Умр йўлдоши Жаннат холадан, янкаягона фарзандидан жудо бўлиш — бу лаънати уруш доғи Икромжоннинг қаддини бука олмайди. Унинг қалбигади

жаниёвдан кейин Юсуп Аннамуротов, Юсуп Аннамуротовдан кейин Раҳим Холмиёзов, Раҳим Холмиёзовдан кейин Қурбонбой Матниёзов, Қурбонбой Матниёзовдан кейин Ханифа Машарипова бошқарди. Шу тариқа раҳбарлик тажрибаси тўпланди. Ун ўйлаб бир кесадагидан жонкуярлар, ернинг томирини ушлаб кўрайдиган омилкорлар пайдо бўлди.

1941 йил бошларидаги хисобот-сайлов йиғилиши Олтибўй Қурбоновни раислига сайлади. У ғуза ичида ўсган одам эди. Утмишдош раисларнинг ҳамма фазилатларини ўзига инамлаганга ўхшарди.

Қариялар: «Колхозни бир — тугилган йиллари, бир — уруш йиллари тебратиб азоб бўлган» дейдилар. Янги раисга оғир синов кўндаланг келди. Қишлоқда ҳамма таянган чоллардан бўлак, кетмон урса ернинг тит-питигини чиқарадиган чалдаст эркаклар қолмади. Олтибўй ана чоллар бригадаси тузди, нампирилар бригадаси тузди, қизлар бригадаси тузди; болалар бригадаси тузди, инвалидлар

бригадаси тузди. Улардан «Гвардиячи бригадалар» чиқди.

Тракторлар ёнилгисиз, занглаб ётар, оמוча михтуёғини қўшиб ер очишар эди. Чиллақорда ҳам пахта ичидан чиқишмасди. Кечалари қора чироқнинг ожиз шуъласида пахталик қавишиди: бола-бақралар нампирилар игна-сига ил ўтқазиб бериб турди. Келинлар оқ-шоқ туйишди. Оналар ёргичоқ айлантиришди. Сталинчилар самолёт, танк ясашга жамағарма топширдилар, ўзбек жангчиларига совғасалом жўнатдилар. Хуллас, бу хўжалик ҳам фронтнинг орқа кўрағи бўлди.

Замбаранлар товуши ўчғач, колхоз тагин гурнирай бошлди. Хўжалиқни пешцадамлар қаторига ўтказишда, колхоз қишлоғини обод, колхозчилар рўзгорини бут қилишда Олтибўй Қурбонов истеъдодининг ҳамма қирралари яриқиб кўринди. Қишлоқда элентростанция қурилди. Уртанкай ерига клуб тушди. Шийпонларда радио сайради.

Олтибўй ана ҳақида кўшиқлар тўқилди.

Мўйсифидлар: «Олти, олганинг олтин бўлсин!» деб, кўлларини юзларига суртдилар...

Олтибўй Қурбоновдан яхши от, ёқимли эс-далик, абадий қўшиқ қолди. Нотанти ўлим 1964 йили уни юлиб кетди.

Сталин номини «Коммунизм» қилиб ўзгартирган колхоз аҳли моҳир ташнилотчининг хотирасини абадийлаштириш иложини кўп ўйлади. Мармар қўйишсинман қабр тошига? Е гушом дарахти танасидан йўнишсинман обидасини?

Донлар йўлини топиб беришди. «Дехқонга ёқимли нарса ўзи тугилиб ўсган уйга ўзининг номини қўйишдир» дедилар қишлоқ оқ-соқллари.

Олтибўй Қурбонов тугилиб ўсган уйи — колхоз. «Олтин беланчаг» эди унинг. «Улан тўшаг» эди унинг.

Меҳнатнашлар депутатлари Хоразм область Совет ижроия комитети коммунизмликлар илтимосини инобатга олиб, 1965 йил 7 августда қарор чиқарди:

«Хева» районидаги «Коммунизм» колхозининг номини ОЛТИБҲОЙ ҚУРБОНОВ НОМИДАГИ КОЛХОЗ ДЕВ ЁЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА.

Хева районидаги «Коммунизм» колхозининг собиқ раиси Олтибўй Қурбоновнинг колхоз қурилиши ва колхозлар экономикасини мустаҳкамлашдаги ҳамда колхоз посёлкасини ободонлаштириш ташаббускори сифатидаги жуда катта хизматларини эътиборга олиб, «Коммунизм» колхозини аъзолари умумий йиғилишининг колхоз қурилиши ветерани Ол-

тибўй Қурбонов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги илтимосига мувофиқ

область Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Хева районидаги «Коммунизм» колхозини аъзолари умумий йиғилишининг маънур колхоз номини ўзгартириб, Олтибўй Қурбонов номли колхоз деб аташ тўғрисидаги илтимоси қондирилсин ва бундан буён у Олтибўй Қурбонов номидаги колхоз деб юритилсин.

Облазирком раиси ХУДОЙБЕРГАНОВ

Облазирком секретари ЕҚУБОВ



Булар Элгалдида биринчи колхоз туганлардан.

бу зиддият, ҳар қандай жудоликларга қарамай ижтимоий меҳнат, юртдошлар мадади туфайли маънавий таназзул фожиасига айланмайди. Дарҳақиқат биз Икромжоннинг характерини маънавий муаммо тасвиринидагина эмас, ижтимоий меҳнат, Езёвонни ўлаштиришдаги ташаббус ва жасоратида ҳам яққол кўрамиз.

Одамийлик, ижтимоий меҳнат Икромжоннинг назарини ерга қаратмайди, унинг олдида кенг ва бегубор уфқ очади, келажакка торлайди. Икромжон образи ана шундай муқаррар ҳаётбахш образ сифатида таассурот қолдиради.

Икромжон С. Аҳмад бадийн кашф этган янги одамдир. Икромжонгача адабиётимизда бундай образни учратмаган эдик. Бир асар билан адабий аҳолимизга сеvimли янги одам қўшиш ёзувчининг катта ютуғидир.

Бошқа образлар-чи? Булар ҳақида қисқа гапиришга тўғри келади.

Саид Аҳмад бир-икки одам иштирок этган ҳикоялар ёзишда кўпроқ тажриба орттирганди. Ҳикояларида тез-тез кўзга ташланадиган услуб — қаҳрамонларнинг ҳар бирини асосан ўзига хос тақдирни чизигида кўрсатиш, муаллиф сўзлари орқали янқа характерлаш, тавсифлаш хусусияти «Уфқ»да ҳам сезилади. Майин характерли меҳнатсевар Низомжон, «эркакшода доли-гули қиз» Асрора, қалб ҳиссиётлари эркинга берилган Дилдор, лирик табиатли Зеби, молпараст хасис Инюнт оқсоқол, колхоз раиси Райимберди тоға ва бошқалар айрим ҳолда мароқ билан чизилган образлардир. Лекин булар асосий ғоя конфликтлида кам алоқадор бўлиб, ҳар бирининг тақдирини бир мустакил новелладай таассурот қолдиради. Роман мураккаб қурилишга эга бўлиб, унда одамлар тақдирини ва курашини бош ғояни йўналишда тўзгунга калавадай бир-бирига қатишиб кетиши, мураккаб тўқнашувларда, ҳаракатларда кўрсатилиши лозим.

Агар асарда иштирок этувчи шахслар Икромжон воқеа чизиги билан чамбарчас боғланиб, ягона қарама-қаршилик доирасида ҳаракат қилганларида асарнинг бадийн қиммати ошар эди. Ҳамма гап шунданки, Икромжон мансуб маънавий қарама-қаршилик доираси ва хилма-хил образларни сингдирга олармиди? Бунинг учун асосий зиддият доирасини муҳим ижтимоий муаммо асосида кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарур бўларди. «Роман

бадийлигининг даражаси, — дейди В. Г. Белинский, — асосий ғоянинг чуқурлигига ва айрим хусусиятларда у ғояни ташкил этган кучга боғлиқдир».

Китобхонлар «Уфқ»ни севиб қолдилар. Асарнинг фазилати кўп. «Уфқ» тиниқ тил-таъсир хусусияти билан ҳам бизни ўзига мафтун этади. Саид Аҳмаднинг тили содда, лўнда, манзарали тилдир. Саид Аҳмад тасвираётганда сиз манзарани яққол кўрасиз, у ҳикоя қилаётганда сиз қалбдан ҳис этасиз. Бу — чинакам бадийликдир. У тийран кўз билан кўрган бир-икки деталлар орқали бизни ўша давр ҳаёти ичига олиб кира олади. Йигитларни фронтга жўнатаётгандаги Тошкент вокали манзарасига бир кўз ташланг.

Саид Аҳмаднинг қаҳрамони сўзлаётганда сиз унинг характерини, дилини сезасиз, образнинг кимлигини таниб оласиз. Бу образнинг индивидуаллигини очинишда сўз санъатидир. «Немиснинг қавишига қурт тушиб, чиқиб келган тарафга қараб тирақайлаб қочяпти. Ғалаба кунини Езёвон гуручидан ош дамлаб кутиб оламиз. Кимда-ким фашиста шу ердан туриб ўқ узаман деса, кимда-ким, душман қўлида қолган шахарларимизни озод қиламан деса, Езёвонга чиқсин!» деган сўзларга қулоқ солганда Йўлдош Охунбобоев халқ фикр-диғида мувофиқ шундай сўзлай олар эди, деб қаттиқ ишонамиз. Тўппонча полвон оқсоқол олдида келиб, «ўзимизга ўхшаб жўнгина гап-шасиз-а» деганида, бизнинг дилимиздагини ҳам ифода-ландай бўлади. Асарда Йўлдош Охунбобоев қисқа чизилган бўлса-да меҳнаткашини олга етакловчи раҳбар, донишманд халқ оқсоқоли сифатида асимизда қолади.

Асарда халқ ҳаёти ҳаққоний чизилган. Ешларнинг меҳнат ва муҳаббатиди ҳам, катталарнинг улкан ирода-сида ҳам, қўвонқоқ қулиги ва лирик тасвирларида ҳам урушини енга олган, ҳаётни барқарор этган чинордай мустаҳкам, жасоратли халқ қалбини кўрамиз. Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги мубосабати билан республика конкурсида иккинчи мукофотга сазовор бўлган «Уфқ» ҳаққоний тасвир услуби, Икромжон сингари мукамал чизилган образлари билан Саид Аҳмад ижодининг шу кундаги юксак чўққисидир.

Очыл ТОҒАЕВ

У Ф Қ И

Мен ҳалигача ўйлаб ўйиннинг тагига етолмайман: севгимиди бу, ё бошқами? Мана, йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди, ленин ҳанузгача уни эсласам, кўнглим сув ичгандай бўлади, қалбим дутор куйларидай ҳазин на ёруғ хисларга тўлиб-тошади.

Илк баҳор. Мантаб ҳовлисидаги бир туп ўрик довулча тункан.

Танаффус пайтида ҳаммамиз ҳовлига отилардик, ўқитувчиларнинг кўзларини шамғалат қилиб, ўрни шохларига осилардик...

Мен дин-кин санраб, ўрик шохини энди тутганимда нимдир этганимдан тортиди. Шохини қўйиб юбориб, маҳл билан ўгирилиб қарадим. Қаршимда Юлдуз турарди! Қўлида бир чангал довулча, қисси кўзлари ялингансимон мўлтирайди:

— Нима қиласан шу... ёмон болаларга қўшилиб? Ма, ол!—Юлдуз менга довулчасини узатди, юмалоқ рангпар юзига қон тепди.— Ма, олаюқ энди!

Унинг қарақлаб турган қисси кўзлари, қизил лента боғланган жингалак сочлари, қизил духоба нимча ярашиб турган нозиникина қомади, ҳатто оёғидаги пошнаси баланд этикчаси—ҳаммаси менга хуш ёқиб кетди, овозидаги титроқ эса кўнглимни эритди. Лекин ён-веримдаги болалар бизга илжайишиб қараётганини сездим қовогимни солдим ва бир уриб қизнинг қўлидаги довулчани ерга сочиб юбордим — Боре, керак бўлса ўзинг е, топган довулчагани!

Юлдузнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди, у тез бурилиб ўзини синфга урди.

Унинг дили оғриганини сезиб, юрагим шиг этди-ю, яна ўйинга берилиб дарҳол унутдим. Дарсдан кейин оламни бошига кўтарган болалар даврасидан чиқиб ўз кўчамизга бурилишим билан... яна Юлдузга кўзим тушди.

Юлдуз кўчаннинг у юзидagi шотут тагида, ўртоғи Лена деган малла сочили қиз билан нима тўғрисидадир шивирлашиб турибди. Мени кўриши билан Лена йўлимни тўсмоқчи бўлди, ленин Юлдуз унинг қўлидан шап ушлаб тўхтади. Бир зум давом этган курашдан кейин Лена қўлини тортиб олди-да, чопқиллаб олди-га келди. Чиройли кўн кўзлари менга об қўйгудек тинилган, лаблари қаттиқ қисилган.

— Сен нега Юлдузни хафа қиласан?—деди у муштарини тутиб,— ахир у сени...

— Лена!—деди Юлдуз йнгламсираб.

— Севади-ку!—деди шипшиб Лена.

Бу сўз нутилмаганда юрагимга чўгдек тегди, ленин ички бир гурур устун келди-ю, истеҳзоли жимлайдим, Ленани силтаб ташламоқчи бўлдим, у эса кафти билан оғзимни босди ва овозини пасайтириб пичирлади:

— Яна десанг... отаси касал. Уйлари нотинч. Уялмайсанми, шундай пайтда унинг кўнглини оғритиб!—Лена худди катта хотинлардай ваэмин гапирди:—ё кўшни бўла туриб билмайсанми?

Юлдузлар бизнинг маҳаллада, Анорбой деган машхур бойнинг катта боғида ўтов тики ўтиришарди: мен унинг отаси касал эканини ойим билан дадамлардан эшитган, ленин эйтибор бермаган эдим. Ҳозир Ленанинг гапидан кўнглим бир хил бўлиб Юлдузга қарадим.

Юлдуз юзини нафтлари орасига яшириб, теснари бурилиб турипти, йнглапти!

Юрагим илиқ бир меҳрга тўлиб, унинг ёнига бордим, секин қўлидан ушладим.

— Юлдуз!

Қиз зўрга қўлларини юзидан олди, киприкларида туриб қолган кўз ёшлари майин титраб эди. У худди яна рад қилишимдан қўрққандай ийманибгина тақлиф қилди:

— Юр, довулча еймиз!

Сояга офтоб тушгандай дилим ёришиб келди.

— Юр!—биз Ленани ҳам эсдан чиқариб, чопиб кетдик. Қандайдир полизлардан, чангалзорлардан ўтиб, ўт босиб ётган ариқ бўйида тўхтадик.

Юлдуз баланд паҳса деворга тегиб турган ўрик шохларига тинилди.

— Сен эгилиб тур, мен елканга чиқаман!—деди Юлдуз ва ерга ўтириб, шошқалоқлик билан этини ечди. Мен қўлларимни деволга тираб, елканни тутиб бердим. Юлдуз, ялангоёқ, абирлик билан елканга чиқди, ўрик шохлари чарс-чарс синди, довулчалар бошимга, ел-

камга дўлдай ёғилди. Тўсатдан боғда таниш бўрибосар аволлади, олсидан қоровул чол ҳайқирди:

— Бос, Қоплон! Бос!

Юлдуз ўзини ерга ташлади, биз нарироқ қочиб бордик, бошимиз бошимизга тегиб, қуруқ қамишлар орасига писиб қолдик.

Қоплон ақиллай-ақиллай орқасига қайтди, қоровул чол ҳам узоқлашди. Юлдуз менга қараб мугамбирона жимлайди. Унинг юзи шунчалик яқин эдинг, чанкамда майин дудокларининг иссиқ таптини сезардим, ҳар бир кипригини, кулиб турган қисси кўзларининг гавҳарини, сал қалинроқ лабларининг четидagi нафис кулгичларини кўрардим. Шунда нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай қолдим: юзидан чўлаб этиб ўпиб олдим.

Юлдуз хўжареймоқчи бўлди, лекин чўччайган лаблари беҳитвёр ёйилиб кетди-да, санраб туриб боғларига қочди.

Мен кун бўйи гўё оқ елканга миниб илиқ тўлқинлар устида сузим, боғлари атрофида бетиним айландим, кўзларим тўрт бўлиб олчалар орасидан ўтовларига тикилдим:

Қачон кўринаркин, менинг Юлдузим?!

Биз негадир бетиним хаҳолаб кулишардин, кўз қисимиш бошқаларни мазах қилардин: ахир дилимизда ажиб бир сиримиз бор, лекин бу сирни дунёда ҳеч бир кимса билмайди!

Кечаси туш кўриб чиқдим. Тушимда Юлдуз инкимиз Аҳмад Яссавий маъбарасига чиқибмиз, унинг булутлар билан ўпишган ҳаворанг гумбаздан осмонга парвоз қилибмиз, шаҳар боғлари, алланқандай полатор далаалар, кўнжук қирлар устида учибмиз, нушдай енгил қанот қочиб ўйнабмиз.

Эрталаб уйғонишим билан ичкари уйдан дадам билан ойимнинг пичир-пичирини эшитдим.

— Билмасам,—деди дадам оғир хўрсиниб,— милтиқ тозалаётганда бўлганмиш.

— Э, худо, ботоб одам милтиқ тозалаб нима қиларди?—деди ойим.

— Майли, у ёғи билан ишинг бўлмасин. Комиссия бахтсиз ҳодиса рўй берган деб топди. Болаларингга қарагини тезроқ чиқ!

Бахтсиз ҳодиса!.. Шундай қувончли кунда бахтсиз ҳодисага бало бормиди?



Йўқолган

Одил ЕҶУБОВ

Юлдузим

3. Лелявская расмлари.

У кечкурун кун ботиб, маҳалла болалари бекинмачоқ ўйнашга тўпланганда чиқди. Олдин ўйинга қўшилмай, бир четда маъюз кузатиб турди, кейин қизлар қўйишмай даврага тортиди.

Биз доим бир-биримизга «тўғри» келардик. У бекинганда мен қидираман, мен бекинганда у қидиради. Унинг этикчасини дунуллайти, ол кўйлагининг этакларини ҳилпиратиб қочиллари, тутиб олганимда киёл ўпналаб қарашлари шундай хуш ёқардини, ўйин тонг отгунча тугамаса дердим!..

Мен, тушимдагина эмас, ўнгимда ҳам учига тайёр, ўримдан санраб турдим, папкамга китоб-дафтарларимни апил-тапил жойлаб, мактабга чолдим. Юлдузни, тушимда бирга-бирга парвоз қилган қушчамни кўришга талпинардим.

Лекин кўнгироқ чалинса ҳамки Юлдуз кўринмади. У инкинчи ва учинчи соатга ҳам етиб келмади. Дарсинг охириги соатида муаллимимиз—сочлари оппоқ оқарган рус аёли—Юлдузнинг отаси, кенса коммунист, райком секретари вафот этганини эълон қилди!..

Тусатдан дадамнинг гаплари эсимга тушиб, юрагим орқамга тортиб кетди...

Муаллимимиз бизга тузувроқ кийимларимизни кийиб, галстукларимизни тақиб келишимизни тайинлади.

Кечкурун бутун синф тўпланиб, саф тортиб борганимизда, боғ олдиди тор куча одамга тўлиб кетган, қизил гилам ёпилган бир отлиқ бричка, унинг кетида шаҳар боғининг оркестри кутиб турарди. Сал ўтмай, тобут кўтарган эриаклар, сўнгра уч-тўртта аёл кўринди... Аёлларнинг орасида эгинида қора духоба кўйилан, бошида қора шол рўмол, кўнликини жувон билан Юлдуз ҳам бор эди...

Вужуд-вужудимизни жимирлатиб мотам марши янгради, тобут кўйилган арава кўзгалди, лекин шу пайт боғдаги кий-чув, йиги орасидан: «Тухта! Тухтанлар!» деган овозлар эшитилди, кейин дарвозада бошларига оқ ёпинғич ўраган беш-олтита кампирлар кўринди. Икки ёнидан икки аёл сулб олган узун бўйли қотма кампир, кўлида ҳасса, сезин тебраниб кўйлай кетди:

Улкан карвон кўчганда карвонбоши, боламов. Юним йўлда қолганда нор туюмов, боламов. Эрлар улоқ чопганда, асов тулпор, боламов. Кузда овга чиққанда олғир лочин, боламов. Назаримда, йигилган оламон кампирга кўшилиб тебрангандай, қандайдир юксан, бўлакча бир мунг, булаича бир найга билан «о-о-о» деб юборгандай туюлди. Икки кўзим Юлдузда, мен ҳам кампирнинг йўқсовига кўшилиб теб-

ранар, ўпкам тўлиб, унинг сўзларини такрорлардим.

Кампирнинг бошда тетин, ҳатто ўнтам янраган овози охирига борганда мунгли пардаларга кўтарилиб, ҳаммази зир титратди:

Бўтасидан айрилган оқ туюдай бўзлатиб, Кулунини йўқотган кўк биядай кишнатиб, Қўзисидан ажраган қари кўйдай маъратиб, Қўйга кетдиган боламов, қийғир бургут, боламов!.

Оломон, назаримда, тўлқинда чайқалган немадай чайқалиб, яна бир «о-о» деб юборди, шундан кейин дарвоза олдиди аёллар кампирни сулб олиб кириб кетишди, яна мотам марши янграб тобут кўйилган арава қабрис-тонга йўл олди.

Юлдуз, эгинида кўк кўйлак, гўё тобутга қарашга юраги бетламагандай, боши эгик, ойисининг пинжига тикилиб борарди. Мен у билан даярли ёнма-ён борарканман, унинг ўгирилиб қарашини, тириқираб оққан кўз ёшларини кўришини, баробар изтироб ченаётганимни билишини истардим. Лекин Юлдуз, отасини кўмиб қайтдиган ҳамки, бир марта ҳам қайрилиб қарамасди.

Эртасига тор ортидаги қозоқ дастларидан от ва туя минган одамлар бутун бир элат етиб келиди-ю. Юлдузини яна кўролмадим.

Мотам маросимининг бешинчи ё олтинчи кунини эди, чамаси. Юлдузини кўриш умидида мактабга ҳаммадан олдин бориб, синфга киришим билан Ленага тўқнашдим. У менга катталар-

дай маънос тинилиб, кўлидаги икки букланган қозонни тутқазди. Унда русча шундай дейилганди: «Биз ўз элимизга кўчдим. Энди ҳеч қачон кўришмаймиз. Умирбод хайр. Юлдуз...».

Мен папкамини партага ташлаб, ўзимни эшикка отдим. Кўчадан боришга сабрим етмай, боғлар оралаб, полизаларни босиб, ариқлардан иргичлаб аранг етиб бордим, Қоплон ҳам эсимда йўқ, пахса девордан ошиб тушдим.

Йўқ, етолмадим. Боғнинг ўртасидаги оқ ўтов кўтарилган, унинг ўрнида тап-тақир дўнгалак жойда гулхан ёнар, таниш қоровул чол қозғ-поғозларни супуриб оловга ташларди.

Мен секин бурилиб, шаҳар ташқарисига, кўналамоор қирларга чиқиб кетдим. Юлдуз кетган йўлларга, олисдаги тоғларда, қозоқ дастларини тўсиб турган қорли чўқиларга тикилиб кенгача ётдим... Сўнгра бир неча кун, ҳатто бир неча ҳафтагача, азиз бир нарсадан айрилган ёш боладай гариб бўлиб, ўзимни кўярга жой тополмай юрдим. Юрагим бўм-бўш, кўнглим фанат бир нарсага кўмасар, мен Юлдузини, тушимда бирга-бирга учган ўша анойиб нушчачани кўришни истардим, холос!..

Мен ҳалигача тушунолмайман: севгимди бу ё бошқами? Мана, кўп йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди, лекин ханузгача уни эсласам, кўнглим сув ичгандай бўлади, қалбим дутор нуйларидай ҳазин ва ёруғ ҳисларга тўлиб-тошади...



Менинг дадамни уста Пулат деб атаганлар. «Уста» қўшимчаси дадам хўнарга жуда ҳам мос бўлиб тушган. Нега десангиз, дадам ўз замонасининг атоқли сартароши, бунинг устига моҳир созанида ва хонандалардан бири бўлган. Дадамнинг ошна-оғайинлари ва яқин мижозлари устаса соч-соқол олдиришдан олдин ундан албатта бир-икки машқ тинглаш ва ашраф эшитишни орзу қилганлар. Шу тўғрйлай устанинг дўкони ҳамма вақт гавжум бўлган.

Айтишларига қараганда дадам дутор билан «Тўрғай», «Жигарпора», «Муножат», «Роҳат» ва «Сурнай навоси» куйларини айниқса жозибали қилиб чертган.

Дутор чертишда ҳам чертиш бор. Баъзилар дутор чертганларида кўзларини пардадан узмайдилар. Ўз машқларининг мазмунига қараб образга кирмайдилар, кўйинг қайси нуқтаси тингловчининг қалбига ураётганини ҳисобга олмайдилар. Ҳатто баъзан бармоқлар нозик пардалар устида моҳирона сузиш ўрнига дутор қорнида ишқаланиб, судралиб қолади. Бундай ҳолат кишига роҳат, сурур ва завқ бериш ўрнига таъбири хира қилади.

Менинг дадам дутор чертганларида ўз устозларининг насихатларига аялаб қилиб, юқоридаги нуқсонларни такрорламаслики қатъий кўзда тутганлар. Шунинг учун дадамнинг дутор машқи ва айтган таъбирли қўшиғи ҳамма вақт йўзга мафтун этган.

Биз жуда камбағал бўлганмиз. Беклар, амирлар, хонлар, бойлар ва савдогарлар замонасида 10 болани сартарошлик билан боқини қаччалик оғир ва машаққат эканлигини ким билмайди дейсиз. Дадам бечора сартарошлик бил-

лан тирикчилик қилган бўлса, дутор чертиши ва қўшиқ айтиши билан бошқаларга руҳий озиқ берган.

Дадам 1916 йилда вафот этган. Қўриб турибсизки, биз шундай оғир кунларда ўз оила бошлиғимиздан, севикли отамиздан, падари бузрукворимиздан жудо бўлганмиз. Бошимизга очлик устаси очлик, машаққат устаси машаққат тушди. Уша пайтда биз етимчалар, хонаси бузилган қушдек қаерга қайришимизни билмай жовдираб қолдик.

Ақмал ПУЛАТ

ДУТОРИМ

Дадам ўлмасидан салгина илгари ўзининг севган ягона, дилкаш дутори билан ўз замонасидан «ёдо» деб мана бундай нола қилган:

Замоннинг ханжари дўстлар,
Юрак-бағримни қон этди,
Очилган долазоримни
Мисоли бир хазон этди.
Юзимни сўлдириб,
Рақимни найлай заъфарон этди.
Бу кексиз гам, алам дўстлар,
Бўкиб қаддим камон этди.

* * *

Гам ўтида чекканларим,
Доим азобдир,
Торган жабуру ситамларим
Элга китобдир.

Дадам билан бирга қўшилиб диллаган, эски дунё азобидан ситам ва гўрбат чеккан ана шу табаррук дутор де-

яри 60 йилдан бери бизнинг қўлимизда, оиламиз қўлида азиз, мўътабар қилб сақланмоқда. Илгари дадам шу дутор билан «Замоннинг ханжари дўстлар, юрак бағримни қон этди» деб нола-фиғон қилган бўлса, мен инқилобдан кейин ҳамма вақт ана шу дутор билан озов ва бахтиёр халқимизнинг кувноқ ҳаётини, фидокорона меҳнатини, халқлар дўстлигини, улғур партиячиси, шонли Ватанимиз мадҳини куйламоқдаман.

«Дуторим» қўшиғини ҳам ана шу дадамдан ёдгор бўлиб қолган шу дуторга қаратиб ёзганман. Дадам шу дутор билан ҳамма вақт йиғлаб куйлаган бўлса, мен шу табаррук дутор билан ҳамма вақт ўз бахтимни, халқим бахтини тараннум этаман.

Чертсам кўнглим яйрар менинг дуторим,
Шўх булбулдай сайрар, менинг дуторим.
Қўшиғимга ҳамоҳангдир ҳамиша,
Ишқ-вафодан куйлар менинг дуторим.

Созлар ичра яносан дуторим,
Эл-юртима парвонасан дуторим,
Мард иштитлар мадҳияси тилингда,
Жон қизларга дуюнсан дуторим.

Коммунизм давронидир бу даврон,
Меҳнат билан озов ҳаёт фаровон,
Омон бўлсан халқим—улғур ишқодор,
Диллимагин тинмай куйлар дуторим.

Қон-қариндош ҳамма дўстлар менга ёр,
Ватанимда мангу тинчлик барқарор.
Жон Москвам, пойтахтим-шарофим,
Бахт-иқболдан тинмай куйлар дуторим.

Ана шу дутор таронаси бу. Уни тинлаб баҳра олсангиз дуторим янада жўш уриб кўйлайди. Мен ҳам отам тутқазган созим билан сизларнинг мадҳингизни куйлаганим-куйлиганим.



Мухаммаджон МАХМУДОВ

гач, чарчоги билингандай диванга чўқди: уни хаёл ўз исқанасига олди: «жиноят қилган суд ҳўми билан қамалган одамга қандай ёрдам кўрсатиш мўмкин-а? Иўқ! Бу оилани албатта бориб кўриши, кўни-кўшнилари билан гаплашиши керак. У ўрнидан турди. Ёнидан папиросини олиб, гўгурт чақди. Кетма-кет симириб тортди. Бирпасда хона тутунга тўлди. Нафаси қайтиб, деразани очиб юборди. Рўпарадаги боғда ўрик, бодом баҳорнинг оппоқ бодрогидан маржон тақандай. Дов-дараклар тағида эса кўмкўк беда бахмали. Янаб турган боғ нарёида улкан заводлар салобати, янгилари қуриляпти. Ундан ҳам нари — олисда нимранг қўп-қуруқ дашт-дўвонлар, юксак тоғлар. «Одамлар ҳам табиатнинг худди ана шу кўринишларидан қиёс олганде» — ҳар хил. Бирни меҳнаткаш одил, бири ботир. Баъзилари бойлик кўрбони, ўғри. Дунё шулар асосида қурилган Эҳ, одамлар, одамлар...»

II

Мухаммаджон Махмудов номига ойига ўнлаб, йилига юзлаб хатлар келади. Албатта, бир хил эмас — турли мавзуда. Уларнинг уйига тошкентлик йигит келиб кетганидан кейин 3 ой ўтгач, ана шундай хатлардан яна бири келди. Уни айнан келтирамаи:

«Салом Мухаммаджон ўғлим! Сиздан аввало мен, ўғлим Тулаган

ди. «Тошкент эилзиласи тўфайли айрим ўқув юртлири водийга кўчирилляпти. Иккинчи мақтаб-интернат биноси бўшатиляпти, жой йўқ» дейишди телефонда. Нима қилиш керак? Кейин у Марғилонга, Заркент қишлоғига сим қўнди. Ниҳоят «Фарғона» колхозини мақтаб-интернатидан жой топиб, уларни жойлаштирди.

Бунақанги мисолларни унинг олти йиллик депутатлик фаолятидан кўплаб келтириш мўмкин. Шу кўнларда у яна бир мураккаб масала устида бош қотириб юрляпти. Унинг номига «Ленинград» колхозининг дашт участкаси, Вешолиш маҳалласи, Турбат қишлоғи ахлидан хат келди. Унда бундай дейилган: «Азот заводининг 100 метрли баланд мўриси лойиҳа бўйича 150 метр бўлиши керак эди. Оқибатда мана энди ундан чиқаётган кўкинди-тутун қишлоқларимизда ўсимлик дунёсига, ҳайвонотга зарар келтиряпти. Қўшлар қамалиб, йўқолиб кетяпти. Бу муаммо тезроқ ҳал қилиниши лозим. Е лойиҳа бўйича мўри узайтирилсин, ёки бутун бошлиқ қишлоқлар бошқа жойга кўчирилсин!»

Хўш, энди бунга нима дейсиз. Бу масаланинг муаммоси, муаммонинг мураккаби, Кўпашлиб, кенгашиб ҳал қилинадиган катта масала.

III

Лоп-лоп лайлак қор ёғяпти, оёқ ости гарч-гурч, кўнгил хуш. Соф ҳаво Бундай оқшомда сайр қилиш қандай гаштли. У чирголарга боқадил. Сои-саноқсиз. Ўзича санамоқчи бўлади. Саноламайди. Чирроғлар кўплигидан, ой сайини кўпаяётганидан қувонади. Ахир, бундан бир неча йил илгари бу ерларда битта чироқ кўринармиди? Энди-чи, мана энди гурирлаб ишлаётган Фарғона азот ўнгитлари заводи, ўйсозлик комбинати, «Ўзбекистон 40 йиллиги» нефтин қайта ишлаш заводи. В И. Ленин номи кудратли ТЭЦ, янги қуриляётган Ўрта Осиёда ягона сунъий тола заводи чирроғлардан маржон таққан Бугун бу жой — водийнинг индустриал маркази. Чирроғлар чаманзори кўзни қамаштиради.

Ким эдим, ким бўлдим? У ўзига ўзи савол бериб, хаёлат денгизига гарқ бўлади. Дастлаб ўқувчи, кейин солдат, бинокор, ишчи... Хи-соблаб кўрса 1963 йил март ойдан шу кўнга қадар депутатлик фаолятида юзлаб сайловчиларнинг нақазини бажарибди. Яна бир йилдан кейин инженер. Шахсий турмушда ҳам ўзгариллар катта. Бир ўғил, икки қизнинг отаси. Техника нимагининг билмаган, бирорта мураватни ушлаб ҳам кўрмаган Махмуд юкчининг ўғли бугун ана шундай қамолот эгаси. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, кимё индустриясида мураккаб техниканинг яшловкори, шахсий хаётда бахтли оиланинг бошлиғи...

Ана шу хаёллар билан кўпинча у ўз ишўхонасига қандай етиб келганини сезмай қолади. Сўнгу ўз цехига кириб, фаолятида энг масъулятли ишчи ўрнини эгаллайди. Бу завод, бу цех, мана шу ишчи ўрни, кадрдон коллектив ардоқлаб, чиниқтириб шундай мартабага кўтарди уни. Мухаммаджон бунни ҳеч қачон унутмайди. «Меҳнат ва эл билан яқин бўлган, ўғлим унади-ўсади, муродига етади» деб отаси айтган бу гаплар ҳар доим унинг ёдида.

Бенмирза МАХМУДОВ

ЭНГ ЙИШ ДЕПУТАТ

Чўгдек безатилган саҳна. Преаидиумда уч депутат ва поселда Советининг раиси ўтирибди. Зал тўла одам. Депутатларга турли мавзуда саволлар берляпти: «Гулзорлар атрофи панжара билан ўралиши шартми?», «Шахсий участкадаги боғча, полизлар темир панжара билан ўралгани маъқулми, ёғоч панжара билан?», «Шаҳримизда нега гул дўконлари йўқ?». Шунга ўхшаш, бир қараганда ақўнгина саволлар...

Нефтчилар Маданият саройида бўлиб ўтган бу учрашувда ёш депутат Мухаммаджон Махмудов ҳам анча терлади. Аммо, кўп саволларга босқинлик билан ўйлаб жавоб берди. Панжара масаласини ҳам осонгина, яъни Ленинградда бундай, Ашхободда эса ундай, бизда бунақаси амалга оширилса бўлади. Бу масалани шаҳар Советида албатта, ҳал қиламиз...

I

Эрталаб соат санкис. Мухаммаджон тунги сменадан ҳозиргина қайтди. Маърифатхон болаларини кийинтириб боғчага отланыпти. Гулнора дадасининг кўчюгида ёркаланди. Отаси унинг юзларидан майингина ўйиб:

— Борақол, қизим, Боғча опанг кўтиб юляди, — деди Мухаммаджон қизчасига кўчани кўрсатиб. Гулнора аясининг кўчюгига бориб дадасига хайр, хайр қилиб, жанжи қўлларини силкитди. Баҳодир ҳам уч ғилдиракли велосипедининг кўнгиругини жиринглатганича, «дада, дада-чи, менга самолёт олиб келасиз-а?» деганича аясининг орқасидан чопқиллаб чиқиб кетди.

У онаси билан нонушта дастур-

хонига энди ўтирмоқчи бўлиб турганида, эшик кўнгируги жиринглаб қолди.

— Сен чарчаб келдинг, ўтир. Ўтиравер болам, — дея Тўтинисо хола ўрнидан кўзгалди, бориб эшикни очди.

— Келинг болам, келинг. Қани ичварига! — таслиф қилди, меҳмонни таний олмаган бўлса ҳам...

— Раҳмат, хола. Мухаммаджонларнинг уйлари шуми? — сўради нотаниш йигит...

Доирасимон стол атрофида она-бола ва меҳмон. Тўтинисо хола ҳам, ўғли ҳам бу йигитни биринчи бор кўришлари, Меҳмон йигит пиблани дастурхон четига қўйиб, Мухаммаджонга зимдан киши билмас назар ташлади. Жуда ёшқул! Шу йигит Республика Олий Советининг депутати бўлса-я! Кўнглидан ўтказиб қўйди.

— Тошкентда — Фарғонага келаянмида кўшнимиз эшитиб, шу хатни сизга бериб юборувдилар. — У кўкрак чўнтагидан ҳаворан конвертни олиб узатди. Мухаммаджон хатни олиб очди:

«... Ўғлим Тўлаган Оловиддинов 5 йилдан буён қамоқда ўтирибди. Уйда қолган уч фарзандининг ҳаммаси мақтаб ёшида. Отасиз оиланинг (болаларнинг онаси ишга яроқсиз) тирикчилиги не холга тушганини билсангиз эди. Илтимос, шу норасидаларнинг отаси афв этилишига ёрдамлашсангиз».

Мухаммаджоннинг юзи тундлашди. Хатга тинилганича, бироз ўйлашиб қолди. Кейин:

— Хўп, майли, Бугун Тошкентга кетятувдим, ўзим учрашаман, — деди.

Меҳмон йигит самимият билан бош иргайди... Мухаммаджон меҳмонни кузат-

ва унинг уч гўдаги жуда-жуда минаятдорми. Балки сиз бу раҳматноманинг боисини дафъатан англаб олмаётгандирсиз. Сиз уйимизга келиб, ҳол-аҳволимизни кўриб кетганингиздан кейин икки ой ўтгач, ўғлим Тўлаган афв этилиб, болаларининг бағрига келди. Қувончимиз ҳеч қаерга симагудек. Неवारаларим ота дийдорига етишгаиларидан беҳад шод. Минг раҳмат ўғлим Мартабангиз янаям баланд бўлсин.

Тошкент шаҳар, Максим Горький кўчаси, 92-уй, Х. Усмонова».

Мухаммаджоннинг депутатлик фаолятига назар ташласак, турли-туман муаммо ва масалаларнинг, воқеаларнинг гувоҳи бўлами.

Қиргули посёлкасида йилдан-йилга ўнлаб турар жой бинолари қад кўтарляпти. Аҳоли ҳозир 40 мингга яқинлашиб қолди. Энди пионерлар саройи лозим, ёш техниклар станцияси бўлсин, болалар кўтубхонаси, мағазини зарур. Нега энди болалар кино-театри қурилиши кечиктириляпти. Бу масалаларнинг ҳаммаси ёш депутатнинг ёш дафтарига ёзилган. У шу масалалар устида фикрини жамлаб қабулхонасида ўтирган эди, эшикни чертар-чертмас шартга очиб, бир ишчи болаларини етаклаб кирди.

— Шуларни деб ишдан ҳам қолаянми. Мақтаб-интернатга жойлаштиролмаб бир ойдан бери ораман. Ёрдам сўраб келдим, уна, — деди салом-аликка қўшиб.

— Ҳозир, ҳозир — Мухаммаджон кўзаларини мўлтиратиб турган иккала болага бошдан-оёқ разм солиб, телефон дастасини олди, Шаҳар маорифига кўнгиругоқ қил-

ШУ КУННИНГ ОЙНАСИ

Деҳқон юрса-турса далани, ерни ўйлайди, турли ноз-неъматлар бунёд этгувчи шу азиз тупроқни тўйдириш ташвишини чекади.

Унгадаги суратга қаранг-а, тупроқ сургич тракторлар олдида Аҳмаджон Одилов нималарнидир ўйлаб, хомчўт қилиб борапти. Ҳа, у обдон ўйлаши керак: нуқул учма тошлар ёстанган тақир тошлоққа уч-тўрт чақирим олисдан машина-араваларда тупроқ келтириб тўқиб, бу даштда ундирмоқчи бўлган экинларининг ҳосили қилинган сарф-харажатни қоплайдими? Бу ерда қайси экин яхши унади-ю, қанча ҳосил беради? Ташвишлари бугина эмас. Ахир, бутун республикага донғи таралган колхоз раисининг ташвишлари озмунчами?! Аммо ақл билан, ҳисоб билан иш тутилса — ҳамма иш битаверади. Шунинг учун ҳам у раислик қилаётган Ленин номли колхоз узоқ йиллардан бери хўжаликнинг барча соҳаларини бир текис ўстириб келяпти.


Ўртадаги суратда бригада бошлиқлари Ҳамид Жўраев билан Усмоижон Сотимовни кўриб турибсиз. Булар колхознинг жонқуярларидан. Ленин номли машғал хўжаликнинг байроғига Ленин нишони қадалган кунин улар ҳам барча қатори қувониб, юраклари фахр ҳисси билан тўлиб тошди.

Колхоз чорвачилигини ривожлантиришда мана бу опа-сингилларнинг каттагина меҳнати синган. Ўртадаги Норхон Йўлдошева ҳамда унинг шогирдлари Ҳабибхон Турсунова, Ҳалимахон Каримовалар сўтчилик фермасининг илғорлари ҳисобланадилар.

Ленинчилар беш йилликнинг учинчи йилига дадил қадам қўйдилар.

Наманган область,
Пош райони.

ЛЕНИН ОРДИНИ БУЙУЗДА



Юртинг тўйларига чалинган бу
жом —
Хабар берар, келса хатарли айём.
Қўнғиродаги ёзув.

Ога ботир эди, ҳақсўз, қахрамон,
Бунда ухлар ундан ёдгор бу ўғлом.
Отанинг ханжари унинг бошида,
Аллада отанинг мардлиги достон.
Бешидаги ёзув.

Тоглик икки нарсани эҳтиёт қилиши керак: папогини ва номини. Калласи бор одам папогини эҳтиёт қилади, юрагида ўти бор одам номини.

Отанинг дўстлари тўппонча отиб шипни илматешик қилиб юборишган. Бирор уйда ўғил туғилса шипга ўқ унчади, токи Доғистонда яна бир қарчгай дунёга келганини тоғ доғилари эшитсин.

Мен оламга келганимда, менга ном қўйишганда отанинг дўсти бираракай икки марта ўқ узган экан: биттасини шипга, биттасини ерга.

Менга қандай от қўйишганини онам ҳиқоқ қилиб берган. Мен оилада учинчи ўғил эдим. Менинг битта опам ҳам бор эди. Лекин бу ерда гап ўғил болалар ҳақида.

Тўнғичимизнинг оти туғилмасиданоқ бутун овулга маълум бўлган. Чунки у раҳматлик бобомнинг исмини олиши керак эди. Шунинг учун одамлар: Ҳамзатовнинг уйда яқинда Мухаммад туғилади, деб гапиршарди.

Бобомнинг ҳовлисига ит, мушудан бўлак тўрт оёқли жонивор кирмаган дейишди, умрида қўрпа ёпинган эмас, ич кийим нималигини билмаган, баданига докторнинг қўли термаган. Овулда биронта одам бобомнинг қачон туғилганини билмайди. Уни қоралаб ёзилган аризада айтилишча, бобом арабчани ҳам билган. Отам натта акамга Мухаммад бобомнинг исмини берди.

Иккинчи акам туғилишдан сал аввал отанинг Ахилчи деган тоғаси қаюқ қилган эди. Уйимизда иккинчи ўғил туғилганда бутун овул қувониб, мана Ахилчи тирилик келди, дейишган экан. Шундай қилиб иккинчи акамнинг номи Ахилчи бўлди.

Мен дунёга келганимда отанинг нақдинасида тайёр исм йўқ экан. Шу сабабдан менга от қўйиш учун овулниң қарилларини чақирибди. Улар худди бутун мамлакатнинг тақдирини ҳал қиладигандай давра олиб, чуқур ўйга чўмиб ўтиришибди. Қўллариде балхар чилангарлари ясаган кўзача. Кўзачаларда кўпириб турган бўза. Фақат энг кенса, энг нуруний бир чолнинг қўллари бўш экан. Мени онам олиб чиқиб ана ўша чолга тутибди. Мен чолнинг қўллариде типирчилар эканман, онам унга қараб шундай дебди:

— Сен менинг тўйимда пандур қалиб қўшиқ айтгансан. Эшитай, менинг боламга қандай қўшиқ айтар экансан.

— О, табарруқ она. Қўшиқни унга сен бешиги устиде айтасан. Майли, унга қилич ва ўқ қўшиқ айтсин. Аммо энг яхши қўшиқни ёри куйласин.

— Йўқса унга от қўй. Сен қўйган исмини бутун овул, бутун Доғистон эшитсин.

Шунда чол мени баянд кўтариб туриб шундай дебди:

— Қиз боланинг исми юлдуз жилвасига, гулниң табассумига ўхшашмоғи керак. Ригитнинг номида қилчидариниң жаранги-ю китоблариниң дониши мужжасам бўлиши мумкин. Менинг китобларим, менинг қиличим, бу боланинг номи РАСУЛ бўлисин депти.

Пайгамбар сиймо бу чол менинг бир қулгоғимга оҳрста: Расул, деди, иккинчи қулгоғимга Расул, дея қичирди. Сўнг мени онамга узатди:

— Мана, исми Расул бўлди.

Чоллар сукут билан менинг номини тасдиқладилар ва қўлларидеги кўзани бўшатиб мўйлов сийладилар.

Тоглик икки нарсани эҳтиёт қилиши керак: папогини ва номини. Папоқ оғирлик қилиб қолиши мумкин. Исм ҳам.

Расул арабчада «алчи», аниқроғи «вақил» маъносини билдиради. Мен кимнинг элчисиману кимнинг вақилиман?

ЕН ДАФТАРДАН. Бельгия. Дунё шоирлариниң анжумани. Турли мамлакат ва турли миллат шоирлари йигилган. Мен ҳам борман. Ҳаммаси ўз халқи, унинг маданияти, шەрияти ҳақида гапирди. Шунанга вақиллар ҳам бор эди: лондонлик венгер, парижлик эстон, сан-францисколик поляк... Не илож, тақдир уларни ўз она юртларидан йироққа, неча тоғу деңизлардан нарига улоқтирган бўлса улар гуноҳқорми?

Ҳаммасидан мени бир шоир қайратга солди. У шундай деди:

— Жаҳоблар, сиз бу ерда турли мамлакатлардан келгансиз. Сиз турли миллат, турли халқларнинг вақилларисиз. Бу ерда ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир халқнинг вақили бўлмаган ёлғиз мен. Мен ҳамма халқларнинг, ҳамма мамлакатларнинг вақилиман. Мен шёриятман. Мен бутун оламга тенг нур сочувчи офтобман. Мен ҳамма ўлжаларга тенг ёғувчи ёмғирман. Мен дунёнинг ҳамма ерида тенг гуллагувчи дарахтман.

Шу сўзларни айтиб минбардан тушиб кетди. Қўллар қарсақ чалди. Мен ўйга чўдим: унинг сўзлари тўғри,— биз, шоирлар, дунё олинда бурчлимиз. Лекин ўзиниң тоғларига бутун вужуди билан банд бўлмаган одам оламнинг вақили бўла оладими? Бундай одам ўз юртни ташлаб кетган, бегона юртда уйланган ва қайнонасини она деб юрган беватанга ўхшайди. Мен қайноналарга қарши эмасман, лекин она битта бўлади.

Сендан, кимсан, деб суриштирганда, сен паспортини кўрсатасан. Унда ҳамма нарсасиз ёзилган. Агар бирор халқдан, кимсан, деб суриштирсан, у паспорт сифатида ўз вақилини, олимини, шоирини, бастакорини, арбобини, лашкарбошини кўрсатади.

Боши 1-сонда.

Хар бир одам дунёга келганда шу нарсани билиши керак: у дунёга ўз халқиниң вақили бўлмоқ учун келган. Ҳар дақиқа ана шу вақифани бажармоққа шай бўлмоғи керак.

Иносонга ном беришди, папоқ ва қурол беришди. Бешиқдан ўз халқиниң қўшиқларини ўргатишди.

Тақдир мени қайларга улоқтирмасин, мен доим ўзим биринчи бор аргумоқ эгарлаган юртиниң, ўша тоғларниң, ўша овулниң элчисиман, вақилиман. деб ўйлайман. Қаерда бўлмай, Доғистонимнинг махсус мухбириман.

Лекин Доғистонимга қайтганимда мен бутун мамлакатимнинг, ҳатто бутун дунёнинг мухбириман.

Она юртим жамолин, кўркин
Мен оламга омонганим йўқ,
Елнамда бу юк тўла хуржум,
Тугунини ечолганим йўқ.

Оламда нўп тингладим кўшиқ,
Она тилда куйга солмадим,
Елнамда бу юк тўла сандиқ,
Қалитини топа олмадим.

Том лабида оёқни осилтириб ўтирибман. Овулдошлар мени саволга тутишди:

- У ёқларда бизнинг одамларни кўрмадингми?
 - У ёқларда бизнинг тоғларга ўхшаган тоғлар бўладими?
 - У ёқларда зерикмадингми, овулни соғинмадингми?
 - У ёқларда бизни билишадими?
- Мен жавоб бераман:
- Биз ҳали ўзимиз ўзимизни яхши билмаймиз, улар бизни қаёқдан билсин. Биз бор-йўғи бир миллионмиз. Бир миллион халқу, қирқ та тил...

— Шундай экан, биз ҳақимизда сен айтиб бер, бизнинг ўзимизга ҳам, бутун дунёга ҳам айт. Бизнинг тарихимизни асрлар давомида қилич ва ханжар бу заминга қон билан ёган. Сен шу ёзувни тарихимизга қил. Қада овулда тургилиб, шу ишни сен қилмасанг, ким қилади?

Расул ҲАМЗАТОВ



Фикриниңи яширма. Яширсанг йўқотасан. Ҳасисе одам хазинасини яшириб юради. Яширади-ю, кейин ўзи ҳам қўйган жойини эсдан чиқариб қўяди. Ҳасиселиг туфайли хазинадан айралади.

Ўз фикриниңи бироваг берма. Қимматбаҳо асобини ёш боланинг қўлига бериб бўлмайди. У ё синдиради, ё йўқотади, ё ўйнаб қўлини кесиб олади.

Отиниң феъли фақат эгасига маълум.

ОТАМНИНГ СЎҚМОҒИ ТУГРИСИДА ҲИҚОЯТ. Бизнинг кичкинатиға Қада овулида катта Хунаэх овулига машиналар юрайдиган кенг йўл бор. Район маркази ана шу Хунаэхда. Отам Хунаэхга катта йўлдан эмас, доим ўз сўқмоғидан юриб борарди. Бу сўқмоқни унинг ўзи солган, ундан фақат ўзи юрар эди.

Бу сўқмоқдан юриб, отам аjoyиб гуллар терар, аjoyиб гулдастлар тузар эди.

Қишда шу сўқмоқнинг четларига қордан одамларнинг, отларнинг галати шақлларини ясаб қўяр, кейин одамлар келиб томоша қиларди. У гулду гуддастлар алақачон сўлиб тамоғи бўлган, у қордан ясалган шақллар алақачон эриб кетган, лекин Доғистон гуллари, тоғлиқ одамлар тисмоли отанинг шёрилариде яшайди.

Мен ёш йигитча эдим. Отам ҳали тирик эди. Бир куни зарур иш билан Хунаэхга борадиган бўлиб юрдим. Катта йўлдан четлаб отанин сўқмоғига буридим ва шу сўқмоқдан кетавердим. Сал юрмай бошқа сўқмоқдан келаватган тоғлик чолга дуч келиб қолдим. У мени тўхташиб шундай деди:

— Болам, отанинги сўқмоғи — отамга бўлсин. Сен ўзиниңга бошқа сўқмоқ оч.

Мен ўша чолнинг сўзи билан отанинги сўқмоғидан чиқиб, ўзимга бошқа йўл излай бошладим. Мен тоғдан сўқмоқ жуда узоқ ва ағри-бурги бўлиб чиқди. Лекин мен шу сўқмоқдан ўз гулларимни териб, ўз гуддастамни тузишман.

Бу китобни ёзиш фикри ҳам менга ана шу сўқмоқда келди.

Ёзувчининг калласига келган хаёл киниңнинг қорнига илган боладай. У албатта туғилиши керак. Фақат фурсат ўтиши, бола етилиши керак. Ёши азоби туғиш тўлғоғига ўхшайди.

Бола туғилмасдан унга от қўйиш мумкин. Мен ҳали туғилмаган китобимга қандай от қўяй? Гуллардан исми сўрайми? Юлдузлардан излайми? Ёки пурдонин китоблардан кидирайми?

Нўқ, мен аргумоғимга бировнинг эгарини урмайман. Биров қўйган исм эмас, лақаб бўлади.

Бу-ку тўғри. Аммо китобнинг номи айтмоқчи бўлган гапнингдан, кўзлаган мақсадидан келиб чиқиши керак. Папоқни бошга ўлчаб оладилар. Бошни папоқча эмас. Пандурнинг тори ўзига мос бўлиши керак.

Овулим, тоғларим, Доғистоним, Хавёлларим, туйғуларим, истакларимнинг ошибни мана шу ер. Мен ўзим шу ошнбдан темирқанот бўлиб учиб чиқдим. Қўшнларим ҳам шу ошнбдан парвоз қилган. Доғистон менинг масканим, Доғистон менинг бешгим.

Шундай экан, ўйлашнинг фойдаси борми? Тоғлиқлар кўпинча ўғлига бобосининг исмини қўяди. Китобим — менинг фарзандим. Мен эса Доғистоннинг фарзандиман. Демак китобимнинг номи — «ДОГИСТОН». Бундан ҳам мос, бундан ҳам чиройли, бундан ҳам аниқ ном бўлиши мумкинми?

Элчини машинасидаги байроқчадан танийдилар. Китобим — менинг ватаним. Номи — ўша байроқча.

Ўзвучи одамнинг фикрлари ҳар бир саҳифада, ҳар бир сатрда, ҳар битта сўз учун бир-бири билан баҳс қилади. Менинг фикрларим ҳам худди натта министрлар халқаро масала муҳокамасида даҳанакан жанг қилгандай китоб номи масаласида ниқна мушт бўлишяпти.

Шундай қилиб бир министр бўлакан китоб номини «Доғистон» деб аташни таклиф қилди. Бошқа министрга бу ном ёқмади:

— Бўлмайди. Тўғри келмайди. Кичкина бир китобга бутун бошли бир ўлканинг номини қўйиб бўладими? Тўданкинг бошига отасининг папоғини кийдириб бўлмайди-ку. Папоқнинг ичиди йўқ бўлиб кетади.

— Нега бўлмайди?— дея эътироз билдиради таклиф киритган министр.— Ахир, осмонда сўзиб юрган ойнинг сувдаги акси ҳам ой. Уни бошқача аташнинг нима кераги бор? Тўғри эмиш, тулки ойнинг дарёдаги аксини қўйруқ деб бўрин алдаган экан, бўри ҳам лақча тушиб, дарёга сакрагану чўкиб кетган экан. Аввало, бу эртақ, қолаверса, тулкининг мугамбир, алдоқчилигини ҳамма билади-ку!

— Бўлмайди. Тўғри келмайди,— дея оёқ тираб олади ҳалиги министр.— Доғистон, аввалам бор, жуғрофий тушунак. Тоғлар, дарёлар, горлар, денгизлар... Доғистон деганда менинг кўз олдимга жуғрофий харита келади.

— Ундай эмас,— дейман ўзим баҳсга аралашиб.— Менинг юрагим жуғрофий харита эмас, аммо унга бутун Доғистон жў бўлади. Доғистоннинг чегараси йўқ, на жуғрофий, на бўлак. Унинг тарихини ҳам бир илга тизиб бўлмайди. Агар мен бу китобни ёза олсам, у Доғистон

ТОНИМ

тўғрисидаги дарсликча ўхшайди. Мен асрларни бир-бирига омухта қилиб, тарихнинг, халқининг, «Доғистон» деган сўзнинг фақат моҳитини ёзмоқчиман.

Аслида Доғистон ҳамма доғистонликлар учун битта. Лекин, ўйлаб кўрсам, ҳар бирининг ўз Доғистони бор экан.

Менинг ҳам ўз Доғистоним бор. Бу менинг кўзимдаги, менинг хавёлимдаги, менинг юрагимдаги Доғистон. Мен Доғистонда нимани кўрган бўлсам, ямайки кечирган бўлсам, мен билан яшаётган, менгача яшаган одамлар нимани кечирган бўлса барчасидан, қўшнлардан ва дарёлардан, қоялардан ва мақоллардан, лочинлардан ва тақалардан, тоғ сўмоқларидан ва ҳатто анс-садолардан барчаси ва барчасидан менинг тасаввуримдаги Доғистон, менинг Доғистоним яралган.

ЕН ДАФТАРДАН. Киселовдек. Палатада икки кишимиз. Мен ва бир ўзбек. Кун чиқаётган ва ботаётган вақтда биз Эльбруснинг икки юрсақ чўққисини кузатамиз.

Мен бу икки чўққини сочиня қирдирган икки дўстга, Шомилининг икки кўрмас мурдидаги ўхшатаман.

Шу вақтнинг ўзига қўшним шундай дейди:

— Бу қўшчўққи икки қўлида икки лаган палов кўтариб келаётган пайтда қаршисида пайдо бўлган ажойиб манарадан хайратга тушиб ютиб қолган бухоролик нуруний чолга ўхшайди.

ЕН ДАФТАРДАН. Калькуттада буюк Робиндранат Тагорнинг уйда ажойиб бир қўшнинг суратини кўрдим. Бунақа кўш дунёда йўқ, бўлган ҳам эмас. У Тагорнинг хаёлида пайдо бўлган, унинг фикр дунёсида яшаган. Агар Робиндранат оддий қўшларни кўрмаганда бу гаройиб қўшнинг чиқолмаган бўларди.

Менинг ҳам ажойиб бир қўшим бор. Бу менинг Доғистоним. Шунинг учун китобимнинг номи аниқроқ бўлиши деб, уни «ДОГИСТОНИМ» дея атамоқчиман. У меники бўлгани учун эмас, у ҳақдаги менинг тасаввурим бошқаларникидан фарқи бўлгани учун шундай демоқчиман.

Шундай қилиб масала ҳақ бўлди. Муқовага «Доғистоним» деб ёзилади.

Министрлар кенгашида бир дақна сукунат чўқди, ҳеч ким эътироз билдирмади. Шу пайт бирдан индамай ўтирган учинчи министр ўриндан турди ва минбарга кўтарилди:

— Доғистоним, Тоғларим, дарёларим... Умуман, ёмон эмас. Ҳақиқатан умумий ётоқхона фақат ёшилда, студентликда тузуқ. Кейинчалик одамга алоҳида уй керак бўлиб қолади. Лекин «менинг уйим» дейшининг ўзи етмайди. Уйда қозон осадиган ўчоқ бўлиши керак. «Менинг бешгим» дейшининг ўзи камлик қилади. Бешчида гўдан бўлиши ке-

рак. «Менинг Доғистоним» деган билан бўлмайди. Бу сўзда гоё бўлиши керак. Доғистоннинг тақдир, унинг бугунги кунини бўлиши керак. Доғистоннинг машҳур шоири Сулаймон Стальскийнинг доғистонлик оламга аён эди. Маю у нима деган: «Мен лазгинлик, ё доғистонлик, ё канкалик шоир эмасман. Мен совет шоирман. Мен буюк мамлакатимнинг эгасиман». Кенса доғистонда маю шундай деган. Сен бўлсанг икки гапнинг бирини менинг овулим, тоғларим, Доғистоним, дейсан. Гўё дунё Доғистон билан бошланади, Доғистон билан тугайди-ку! Ахир дунё Кремлдан бошланади-ку! Сен таллаган номда маю шу кўринмапти. Сен кўнрақ қафасини ясабсан, ичига юрак жойлаш эсинга келмади. Сен кўз ясабсан, унга нур бермабсан. Нурсиз кўз эса чумчуқ чўкиган узум донасидай гап.

Шу сўзларни айтган, учинчи министр ҳам ётиқдай папкисини қўлиқлаб, минбардан тушди. Гап тамом, баҳсга бошқа ўрин йўқ, ҳукм қатъий дегандай гердайиб бориб ўз жойига ўтирди.

Шундан кейин минбарга яраган бир мажлис қатнашчиси кўтарилди. У кўринишдан, бошқаларга қараганда ёшроқ эди. Шўхроқ, қувноқроқ экан, сўзини шешъ билан бошлади:

Киши ўтирган чоғда билинмас — соғми, чўмоқ.

Киши ухлаган чоғда билинмас — тинми, майлоқ.

Киши дам олган чоғда билинмас — мардми, қўрқоқ.

Сўз очмаса билинмас — тили ростгўйи, ё алдоқ.

— Мен айтмоқчиманки,— дея давом этди у,— албатта гоининг, айниқса менадан илгары гапирган нотиқ айтган гоининг бўлгани яхши. Лекин ўта гоили ўртоқлар ҳам бўладими, ундайлардан гоига фақат зарар етади. Мен сизларга Итли овулидан чиққан Миҳал деган одам тўғрисида гапириб бермоқчиман.

Мажлисда регламент деган гаплар бўлмагани учун нотиқ шошилмасдан ўзининг Миҳали ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Хунаҳ райкомда Михаил Григорьевич Гусейнов деган одам отбоқар бўлиб ишлар эди. Аслида унинг номи Миҳал эмас, Муҳаммад эди. Граждандар уруши вақтида аллақаврларда бўлиб, ўша ёқдан Муҳаммад эмас, Миша бўлиб келган. Кенса отаси Мишани чақириб шундай дебди:

— Бу кўнингдан ўлганин яхши. Сенинг бу номининг эшитганимдан кўра онаннинг «ной бошма» деб йилганини эшитсам бўлмасми. Муҳаммад деган отингни мен қўйган бўлсам ҳам, у сенинг отинг. Уни ўзгартириш сенинг ихтиёрида. Лекин менинг Ҳасан деган отимни Григорий қилишга қандай журъат қилдинг? Мен ўлганим йўқ-ку. Билиб қўй, Ҳасан бўлиб туғилганман, Ҳасан бўлиб гўрга кираман.

Аммо граждандар урушининг қатнашчиси ўз фикридан қайтмади. Миҳал Григорьевич бўлиб қолаверди. Отбоқарлигини ҳам қилаверди. Мишанининг билими отхонаси доирасида қолган, аммо ўзини жулда онгли одам деб ҳисоблар, бу ҳақда гапирини яхши кўрар эди. Кунлардан бир кун ўқитувчи Ҳожига ҳайфсан ёълон қилишди. Аманиваччасининг аллақандай қариндоши кеназ бўлиб ўтган экану, у аниқасига бу ҳақда ёзмаган экан.

Ҳожини ҳайфсанни кўтариб овулига хафа бўлиб қайтаётган экан, райком отбоқари Миҳал Григорьевич орқасидан етиб олиб аҳвол сўрабди. Ҳожини бўлган воқеани айтиб берибди.

— Сенга ҳайфсан нам,— дебди отбоқар,— партиядан қайдаш керак эди сени. Сен қандай коммунистсан? Ҳақиқий коммунист аманиваччасининг қариндоши туғул ўз акиси, ўз отаси бўлганда ҳам тегишли жойга хабар қилган бўларди.

Ўқитувчи бу гапни эшитиб шундай дебди:

— Сени беюрга гоаяраст дейишмас экан. Ҳайронман, шу вақтгача нега Доғистоннинг тоғларини тенсилаб қўймадинг? Ахир бу тоғлар сенинг қуёшқонинга сизмайди-ку. Дарвоқе, сенга гап ўқитиб бўлмайди.

Ҳожини шу сўзларни айтиб отбоқар билан йўли бир бўлса ҳам тўғри йўлдан четга бурилибди ва сўмоқ бўйлаб кетаверибди.

— Қаёққа?— ҳайрон бўлиб сўрабди Миҳал Григорьевич.

— Қаёққа бўлса ҳам сен юрган йўлдан бормайсан.

— Мен коммунизмга кетманман. Агар сенинг йўлинг бошқа бўлса...

— Коммунизмга ҳам сен билан бормайман,— дебди Ҳожини,— кўрмиш, манзилга ким олдин борад экан.

Нотиқ бу ҳикояни айтиб бўлган, давом этди:

— Бир шоир чўпон тўғрисида шундай шешъ тўқиган экан:

**Тоғда туман тарқалди,
Йўл ёруғ, равон,
Чўпон, бошла қўйларинг
Коммуна томон.**

Ёки, бошқа бир онгли ўртсқ райкомга шундай ариза ёзган экан: «Шунча ҳаракат қилишимга, ҳатто жисмоний таъсир кўрсатишимга қарамай хотиним «ВКП(б) тарихи қисса кўрсатиш сийлиқидан ўзимайди. Хотинимнинг гоивий тарбиясига алоҳида эътибор беришингни сўрайман».

Ёки, Доғистон Ўзвучилари оюзининг эшигида бир кун маю шундай ёълон пайдо бўлиб қолди: «Чўқур гоивий тайёргарликсиз бу эшидан киришга ҳақинг йўқ».

Доғистоннинг атоқли кенса шоири Абутолиб Гофуров союзга зарур иш билан келаётган экан, бу ёълонни кўриб орқасига қайтиб кетибди.

Ёки, кўпинга миллат вакиллари яшайдиган Махачқала шаҳрида бир неча қабристон бор: христиан, мусулмон, яҳудий мазорлари. Ўта онгли ўртоқлардан бири республика активининг йилгилишида сўзга чиқиб шундай дебди:

— Биз халқлар дўстлиги учун тинмай курашмоқдамиз. Аммо ҳанузгача бизда бир неча қабристон мавжуд. Битта — ягона қабристон ташқил қилишнинг вақти етди, ўртоқлар. Бу қабристонга лойиқ ном қўйиш керак. Масалан, «Бир оила фарзандлари». Ўйлаб кўринг, менинг ота-онам диндор одамлар эди. Мен эса 1937 йилдан бери партия

(Давоми 30-бетда).



Қурувчилар ишда.

ТУПРОҚ „ЖАРРОҲЛАРИ“

Яқин вақтгача Ўзбекистонда ернинг шўрини ювиш учун зовурлар қазиларди. Далалар оралаб очилган бундай улкан, чуқур зовурлардан зах сувлар оқиларди. Зовур қазилганда экин экиладиган 10 процент чамаси ер тупроқ уюмлари остида қолиб кетарди. Бунинг устига қанчадан-қанча ортиқча меҳнат, маблағ харажат қилинарди.

Ерларнинг шўрини ювиш ва захини қочиришнинг бошқа қулайроқ, арзонроқ, фойдалироқ усули йўқмики? Бу муаммо устида Ўзбекистон мелниораторлари ва «Главводстрой» ирригаторлари кўп бош қотирдилар. Ниҳоят, зах қочиришнинг янги усули топилди!


Мирзачўлнинг азалдан суғориб келинаётган эски қисмида пармалаш ускуналари ишга тушиб кетди. Саксон метр чуқурликда қудуқлар қазилиб, улардан насосда ер ости сувларини чиқара бошладилар. Кўп ўтмай сизот сувлар чўкиб, ернинг шўри йўқолди. Ҳар бир қудуқ 200 гектар ернинг шўрини кетказишга хизмат қилаши маълум бўлди.

Шундан кейин Мирзачўлнинг эски районларида қудуқлар қазииш ишлари авж олиб кетди. Ҳозир ишлаб турган 150 қудуқнинг ёнига бу йил яна 250 таси қўшилади. Бунчалик катта ишлар шу пайтгача республикамиздагина эмас, бутун мамлакатда ҳам қўрилмаган эди.

Бунинг яна бошқа ҳисоблари ҳам бор. Бу усулни кенг қўланиш орқали Ўзбекистонда экин майдонларини кўпайтириш имконияти туғилади. Мана, «Главводстрой»нинг Киров қурилиш-монтаж бошқармаси мисолида кўрайлик.

Ернинг захи қудуқлар қазилиб қочирилганда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 4 центнердан ортаркан. Демак, райондаги 59 минг гектар пахта майдонидан 23 минг 600 тонна қўшимча ҳосил олинади. Шунча пахтани етиштириш учун (агар ҳозиргидек ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта йиғиб олинадиган бўлса) яна 10—11 минг гектар янги ер очиш лозим бўларди.

Ернинг шўри ювилмоқда.



Захи қочирадиган қудуқлар мана шу кўринишда.

Ўзбекистон ССР Сув ишшоотлари қурилиши Бош бошқармаси ташкилотларининг ер шариотини яхшилаш юзасидан қилаётган ишлари кўп жойларда катта қизиқиш ўйотмоқда. Шунинг учун ҳам ирригация ҳамда тик қудуқлар қазииш йўли билан сизот сувларини қочириш масалалари бўйича бултур кузда Тошкентда халқаро семинар ўтказилди.

Пармакаш-қурувчилар худди бемор дардига шифо берувчи врачлар сингари ернинг шўрини ювмоқдалар. Бу тупроқ жарроҳлари кун сайин «касал» ерларни даволаб, ўша жойларда мўл ҳосил етиштиришга имкон яратмоқдалар. Бугун Ўзбекистонда неча юзлаб ана шундай қудуқлар ишлаб турган бўлса, эртага минг-минг қудуқдан сув тортилади. Демак, тупроқ шариоти яхшиланиб, ҳосилдорлик ортади.

В. СВАРИЧЕВСКИЙ
муаллиф фотолари.



АНВАР — Салом, дада.
 ВАЛИЕВ — Салом, Анваржон. Хўш, ўғлим. қаерларда юрибсан?
 АНВАР — Стадионда эдим. Виласизни, дада, бугун «Меҳнат» билан «Пахтакор» ўйнади.
 ВАЛИЕВ — Нима ўйнашди?
 АНВАР — Футбол-да. Дада, бормадингиз-да. Жуда қизиқ бўлди. «Пахтакор» дарвозабони ўн бир метрлини олди.
 ВАЛИЕВ — Ким ютди?
 АНВАР — Йечене «Пахтакор». Эртага бизнинг мактаб кўчини мактаб билан ўйнади. Мен ҳам ўйнаман, дада.
 ВАЛИЕВ — Сен ким бўлиб ўйнайсан, Метреленими?
 АНВАР — Пўк, чап қанотда. Абдурайимов бўламан.
 ВАЛИЕВ — Оббо, коллекционерлик ишлари қалай?
 АНВАР — Яхши. Бугун жуда кўп маркалар тўпладим. (Ўзингидан ўзидан ортиқ конверт олади). Мана, дада, кўринг. Жуда аjoyиб маркалар. Космонавтлар.— Мана буниси Тагарини.
 ВАЛИЕВ — (Кўра бошлади)... Қизиқ... Аjoyиб маркалар ояна... (Веш-олтитасини кўриб, кейингисига бориб тўхтаб қолади)... Гоголь, 12... Анваржон, мана бу конвертни менга бериб тур. Бунинг ўрнига сенга бошқасини олиб бераман.
 АНВАР — Хўп, дада, ҳалиги «Спутник» солинган марнадан олиб беринг, хўпми?
 ВАЛИЕВ — (Ўйлашиб конвертга тисилади). Хўп, ўғлим, хўп. (Ўнгироқ чалинади. Сано бар, Тиллаев билан киради).
 ТИЛЛАЕВ — Салом, Қозим Қосимович!
 ВАЛИЕВ — Салом. Ҳамид Абдуллаевич! Зеридим... Вирпас валақлашиб ўтирайли деб чақирдим.
 ТИЛЛАЕВ — Жуда соза, жуда соза... Қалай футболбост? Соғлиқлар юйдими?
 АНВАР — Раҳмат.
 ВАЛИЕВ — Анваржон, кейинроқ кир олдим-га. Гап бор.
 АНВАР — Хўп, дада. (Анвар чиқади).
 ВАЛИЕВ — Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди.
 ТИЛЛАЕВ — Ҳа, ўша қабристонда, маросимда кўришганимиз...
 ВАЛИЕВ — Саломат, чарчамай юрибсизми?
 ТИЛЛАЕВ — Чарчагани ҳам вақт етмайди.
 ВАЛИЕВ — Бир партия шахмат сураимизми, Ҳамид Абдуллаевич.
 ТИЛЛАЕВ — Майли, лекин мен унча зўр шахматчи эмасман.
 ВАЛИЕВ — Биламан, биламан, камтарлик қилманг. (Санобар шахмат олиб келади. Чинади. Валиев ва Тиллаев шахмат тузинишди. Ўйнайдилар). Эси ҳиндча ҳимояга ўлдингиз-ку.
 ТИЛЛАЕВ — Марҳум Маҳмудов қора доналар билан ўйнаганда, албатта шундай ҳимояга ўтарди... Афсуски, ҳаётда ўзини ҳимоя қилолмади.
 ВАЛИЕВ — (Ўйлашиб). Унга бирор киши ҳужум қилганими?
 ТИЛЛАЕВ — Ҳужум қилганда ҳам анойи ҳужум эмас. Ахир унинг устидан нималарини ёзмадилар!.. (Ўриндан туради). Анониминглар уни дунёда қандай жинойят бўлса, ўшанда айблашдилар. Мени унга шерик қилдилар. Ҳа, Маҳмудов менга дўст эди... Ҳали ҳам шундай киши билан дўст бўлганимдан фахрланаман. У аjoyиб инсон эди...
 ВАЛИЕВ — Бу гаплардан кўп киши хабардордир?
 ТИЛЛАЕВ — Бунақа гап тез тарқалади. Тенгириш вақтида кўп кишилар чақирилди, улардан сўралди, шундан кейин миш-миш бошланди. Лекин, бирор киши на Маҳмудовга, на менга расмий равишда айб қўйган эмас. Аксинча, хабарингиз бор, Маҳмудовнинг вафотидан сўнг мени унинг ўрнига область соғлиқни сақлаш бўлимига мудиர் этиб тайинлашди.
 ВАЛИЕВ — Шунинг ўзи миш-миш гаплар пуч эманлигидан дерак берарди...
 ТИЛЛАЕВ — Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Раҳбарларимизга раҳмат. Тасдиқ пайтида ҳам «сенинг айбиг бор» деб шама ҳам қилишгани йўқ. Лекин у иблис топилиб кўнгила мудири тушмайди.
 ВАЛИЕВ — Ҳамид Абдуллаевич! Сиз 8 Маҳмудов бирор кишидан гумон қилмадингларми?
 ТИЛЛАЕВ — Шу тўғрида гап бошласам, Маҳмудов «Қўй, Ҳамиджон, ишни қилсанг-чи,



Хайитбой Азимов — сурхондарелин драматург. Унинг «Тақдир» асари область музыкали-драма театрида қўйилди — томошабинлар илиқ кутиб олдилар. Езувчи янгида «Ниқоб» номли янги драмани тугатди. Бунда пок виждонли, олижаноб инсон — касалхона бош враччи Маҳмудовни тухмат-бўхтон билан руҳий касалга гирифтор қилиб, оқибат заҳарлаб ўлдирган жигилдон қурбонларининг фош этилиши кўрсатилади.
 Дарвоқе, Хайитбой Азимов — Сурхондарё область партия комитетининг идеология бўйича нотиб.
 Куйида «Ниқоб» драмасынинг иккинчи пардасидан парча ўқийсиз.

НИҚОБ

Хайитбой АЗИМОВ

Осон ишнинг охири бор. Тегишли ташкилотлар албатта товади уни», дерди. У ҳеч волимас эди... Ҳамма гапни ичига ютарди. Лекин меда кўндан бери бир кишига нисбатан гумон пайдо бўлган.
 ВАЛИЕВ — Сир бўлмаса, билсан...
 ТИЛЛАЕВ — Мен яна бир ўйлаб кўрай, Қозим Қосимович. Вирон гумон қилиш учун асос керак. Асос йўқ. Лекин юрагим сезиб қорибди.
 ВАЛИЕВ — Врачлар унинг касалини нимадан деб топиганди?
 ТИЛЛАЕВ — У гипертоник эди. Касалхонага келтирилганда милда қон айланishi бузилиб, касалини анча мураккаблашди, кейин қон томирлари узилгани оқибатида, миёга қон қурилиб, ўлимга сабаб бўлди.
 ВАЛИЕВ — Касалнинг пайдо бўлишига нима-лар сабаб бўлиши мумкин, Ҳамид Абдуллаевич?
 ТИЛЛАЕВ — Бунинг асосий сабаби асабларнинг психотда чарчаши... ишдан чиқили, албатта... аммо бўхтонлар ҳам охири ролни ўйнамади. У ҳеч кимга волимаса-да, охири кунлари табиати анча ўзагарган, умида бировга қаттиқ гапирмаган, ҳаминча «азимиз, қимматлим» деб юрадиган одам, баъзан кўноллини қилар, кам ухлар, кам дам олар эди. Ахир «одам ўлдирди» деган бўхтонга чидаш осон эмас...
 ВАЛИЕВ — Ҳа... (Ўйланади. Магнитфондан Раҳмоновнинг «Шубҳа ёмон нарса. Бунинг азобини ҳозирча Маҳмудов ва Тиллаевлар тортоқда» деган сўзлари эшитилади).
 ТИЛЛАЕВ — Бир нарса дедингизми?
 ВАЛИЕВ — Пўк, йўқ. Энди дейман. Шох, Ҳамид Абдуллаевич!
 ТИЛЛАЕВ — Кучли юриш қилдингиз! (Телефон жиринглайди.)
 ВАЛИЕВ — (Трубкани олиб). Эпитаман, Салом, Виктор Петрович. Яхшимис... Келинг, меҳмон бор. Қўшнимиз ҳа, ҳа... Ҳамид Абдуллаевич. (Трубкани қўяди. Санобар киради).
 САНОБАР — Ҳозир лағмон келтираман, Вой, Қозим ака, қўйинг шу шахматни. Анови Исловодсидан келтирилганларингиз бузилгани йўқ. Олсангиз-чи (чиқади).
 ВАЛИЕВ — (Серватор олдига бориб). «Армиская» сидан бормикан?
 ТИЛЛАЕВ — Овора бўлманг. Виласиз-ку, мев ичмайман. (Телефон жиринглайди).
 ВАЛИЕВ — (Трубкани олиб). Ҳа, ҳа шу ерлар Рафиқангиз... (Трубкани Тиллаевга беради).
 ТИЛЛАЕВ — Ҳа... шундайми... Ҳозир... Ҳозир этиб бораман (Валиевга). Кеңирасиз... Касалхонага оғир бир беморни олиб келишибди. Мен бормасам бўлмайди. Бу ёни дураинг. Кучлар нисбати тенг. Хўп, кеңирасиз.
 ВАЛИЕВ — Шундайми. Ҳа, майли. Дуранга розиман (Тиллаев кетади). Дуранг... Пўк, Ҳамид Абдуллаевич, Томонларнинг бири албатта галаба қилиши керак... (Қозлов киради). Келинг, келинг.
 ҚОЗЛОВ — Ҳамид Абдуллаевич қанилар?
 ВАЛИЕВ — У кишини касалхонага чақириб кетинди.
 ҚОЗЛОВ — Яхши бўлмабди. Санобаржон қанилар?
 ВАЛИЕВ — У киши уйғурча лағмон тайёрляятдилар. Ҳозир овқатланамиз. (Қоньякини қўратиб). Вундан кетадими?
 ҚОЗЛОВ — Пўк, Қозим Қосимович, ишга борамиз-ку.
 ВАЛИЕВ — Ҳа, майли... Хўш, лягиликлар борми?
 ҚОЗЛОВ — Секретарь шофёр жўнатилган турмадан сўроқ протоколи олинганлигини айти.
 ВАЛИЕВ — Хўш, шофёр нима дебди?
 ҚОЗЛОВ — Протокол билан танишолганим йўқ.
 ВАЛИЕВ — Виктор Петрович, авария тўғрисида олинган ариза нечанчи кунни ёзилган эди?
 ҚОЗЛОВ — Марҳум вафотидан беш кун аввал.
 ВАЛИЕВ — Марҳум аризадан хабари бормиди? Сизнинг фикрингиз қандай?
 ҚОЗЛОВ — У шубҳасиз бу воқеани ашитган.
 ВАЛИЕВ — Ҳамид Абдуллаевич ҳам «одам ўлдирди» деган бўхтонга чидаш мумкинми, деди. Лекин, унга аризанинг мазмунини ким айтган бўлиши мумкин?
 ҚОЗЛОВ — ...
 ВАЛИЕВ — Авария масаласида шофёрдан бошқа бирор киши билан суҳбатлашолдингизми?
 (Давоми 32-бетда).

НАВРЎЗ ВАЙРАМИ

Нарим МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари номдори

Октябрь инқилоби ўзбек халқининг социалистик миллат бўлиб ташкил топишига зўр имкон берди. Социалистик миллат миллий ҳаётнинг олий ривожланган шакли бўлиб, бунда миллий тил, миллий маданият, миллий ифтихор, миллий характер ва шу набилаҳнинг юксак ривожланишига мислсиз имконлар туғилди. Анъана ва урф-одатлар ҳам социалистик миллатда барқ урмоғи керак. Негаки, аввало ҳар қайси миллатнинг анъана ва урф-одатлари шу миллатнинг аср-асрлардан буён таркиб топиб келган маънавий маданиятининг бир қисми ўлароқ, тарихий ва иқтисодий ҳаётнинг натижаси ҳисобланади. Сунгра эса миллий анъана ва урф-одатлар ривожланиш, шовинистлар даъво қилганда, миллатчилини нўжаймайди, балки марксистлар исботлаганда, интернационализм вужудга келади.

«Бизнинг шioriимиз — демократизм ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг ИНТЕРНАЦИОНАЛ МАДАНИЯТИ шioriининг иборат», — деб уқитган эди В. И. Ленин.

Яна В. И. Ленинга мурожаат қилсан, у дейди: «ҲАР БИР миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократин ва социалистик ЭЛЕМЕНТЛАРИ бор, чунки ҲАР БИР миллатда меҳнатнаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократин ва социалистик идеологияни туғдиради». Ленинизм таълимотидаги бу ҳақиқат, миллий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган наврўз байрамини анализ қилганимизда ҳам нечоғли ҳаётий эътиборга тасдиқланади.

Наврўз байрами ўзбекларда унутилган анъана ҳисобланади. Бундай бўлишига жуда кўп сабаблар бор. Шулардан бири шуки, илгари чор Россияси даврларида мустамлака ўлкалар, айниқса Урта Осиё, хусусан Ўзбекистон аҳолисининг миллий маданияти калака қилинар, камситилар ва ҳатто таъқиб қилинар эди. Анъана ва урф-одатларимизнинг бажарилишидан великорус шовинизми маъиёда бўлган эксплуататорлар заҳархандалик билан кулар, миллий маросимларни маданиятсизлик деб талқин қилардилар.

Октябрь инқилоби халқ анъана ва урф-одатларининг тикланиши эрини ва дахлсиз, миллий турмушнинг барча қоидалари бемалол ва баҳузур амалга оширилаверди, деб эълон қилди. 1917 йил 20 ноябрь Халқ Комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон, меҳнатқиларига» қарата чиқарган мурожаатида шундай дейилган эди: «Уртоқлар! Биродарлар!

Россияда улуг ҳодисалар рўй бермоқда... Бу муқаддас ишда Россия янча эмас...

Россия ва Шарқнинг меҳнатқил ва маълум мусулмонлари, биз сизларга ана шу улуг ҳодисалар рўй бериб турган бир маҳалда мурожаат қилаямиз...

Сизнинг урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буюн эрини ва дахлсиз деб эълон қилинади. Уз миллий турмушингизни эринлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг хуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг хуқуқи наби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларнинг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».

Мана шундай кенг имониятлар очилган бўлса ҳам халқ анъана ва урф-одатларининг ҳанузгача дурустроқ ривожланмай қолиб кетётганининг яна бир сабаби шуки, социализм қуришда жуда мураккаб ва энг зарур

вазифалар кўп бўлган. Ана шу вазифаларни тўла ва уziel-несил ҳал қилишга ярим аср вақт нетди.

Миллий республикалардаги анъана ва урф-одатларни тиклашга, сирасини айтганда, энди гал келди. Динга қарши курашининг наравёнида йўл кўйилган хато ва напчиликлар туфайли анъана ва урф-одатларимизга ўзимиз ҳам қарши курашганимиз. Анъана ва урф-одатларимиз тўғрисида илимий асарлар жуда кам ёзилган.

Бинобарин, мавзуимиз наврўз байрамини эънан, мана шу анъана диний эмас, балки халқнинг демократин асосга эга бўлган одати, одамларни йилдан-йилга дўстлик, биродарлик, коллективизм ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаб борадиган бир мактаб эънаминини кўрсатишга ҳаранат қиламиз.

Шу вақтгача наврўз диний маросим деган тушулмча хуни суриб келди.

Бунинг шундай эмаслигини куйндаги далиллар билан исбот этиш мумкин:

а) Исом дини билан боғлиқ бўлган барча маросим ва байрамлар (рўза тутуш, рўза ҳайити, қурбонлик, қурбон ҳайити ва ҳ. к.) диний солномага биноан айланиб, йилнинг турли фоллариде келади. Наврўз байрамини эса қувёш солномаси бўйича баҳорда муҳим бир сана — 21—22 мартда келади. Мана шу кўл Наврўзнинг диний маросимларга алоқаси йўқлигининг биринчи далилидир;

б) Афғон, Эрон, Покистон халқларида ҳар йили маромига кўйиб байрам қилинади. Уларнинг таъсифчи, бу маросим баҳор байрами бўлиб, келиб чиқиш тарихи 3000 йилга бориб тақалади. Худди шу фикрни биз озарбайжонлик атеист С. Ашуравонинг «Науна и религия» журналининг 1967 йил 3-сонига эълон қилганга мақолада ҳам ўқиймиз. «Наврўз,— деб ёзади у,— уч минг йил муқаддамги байрам бўлиб, у билан боғлиқ бўлган одатлар ва унинг ўзгармас санаси исломгача бўлган табиат кучларига, қувёш ва баҳорга сажда қилиш асосида келиб чиққан бўлиши керак».

Наврўзнинг исломга қадар келиб чиққанлиги ушбу маросим диний эмаслигининг иккинчи далилидир;

в) диндорлар Наврўзни араб халифаларининг тўртинчиси, шахидларнинг биринчи имоми Али ибн Абу Толиб тахтга ўтирган йили жорий қилинган байрам деган талқинни пеш қилдилар. Биз машхур исломшунослардан И. Ю. Крачковский ва Э. Мосэ асарларига мурожаат қилганимизда, бу талқин тасдиқланма.

аъзосиман. Улар билан бир қабристонда ётишим мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Шаҳримизда янги типда, юксак гоёвий асосда бошқа бир қабристон ташкил қилишнинг вақти алақачон етган!

Айтишларига қараганда, шўрлик янги қабристонни кўрмай дунёдан ўтибди.

— Мен айтмоқчиман,— сўзини давом эттирди министр.— Китобнинг номи папоқча ўқшайди. Ҳўш, папоқ муҳимми ёки бошми? Энди сизларга учта овчининг бўри овлагани ҳақида ҳикоя қилиб бераман. ОВЧИННИНГ БОШИ БОРМИДИ? Учта овчи қишлоқдан учта узоқ бўлмаган дарада бўри борлигини билиб қилишибди. Уни тутиб ўлдирмоқчи бўлишибди. Улар бўрини қандай тутишгани ҳақида халқ ичиде кўп ривоятлар юрарди. Мен ёшлигимда шулардан бирини эшитганман.

Бўри овчилардан қочиб горга кириб кетибди. Горнинг оғзи жуда тор экан. Одамнинг қалласи сизга экану елкаси сизга экан. Овчилар тош орқасига беркиниб миллиқни тўғрилаганча пойлаб ётишибди. Лекин бўри ҳам ахлоқ эмас экан. У ҳам горнинг ичиде индамай ётаверибди.

Нихоят, кутавериш бир овчининг жонига тегибди, у бир амаллаб горга кирмоқчи ва бўрини қувёш чиқармоқчи бўлибди. Горнинг тешигидан ичкарига бош сунибди. Уртоқлари эса унинг ҳаракатини кувёш туришибди. Қараша ҳалиги овчи ичкарига ҳам кирмас эмиш, гордан бошини ҳам тортиб олмас эмиш. Охири кутуш уларнинг ҳам жонига тегибди. Бориб овчини тортиб олиб қараша боши йўқ эмиш. Ҳайрон бўлиб, ўйлашибди: овчининг боши аслида бормиди, йўқми. Виттаси бордай эди деса, иккинчиси йўқ эди шеняли, дебди.

Шундай қилиб бошсиз танани овулга судраб олиб келишибди. Овулдагиларга бўлган воқеани айтиб беришган экан, бир чол шундай дебди: Бўри ётган горга бош тиқинишдан маълумки, бу овчининг илгари ҳам қалласи йўқ экан. Жасадни бева қолган хотинининг олдига олиб келишибди. «Эрининг боши илгари ҳам бормиди ёки йўқми!» деб сўрашибди.

— Мен қайдан билай,— дебди хотини,— ҳар қалай ҳар йили ўзига янги папоқ буюртирар эди.

Гоя сўзда эмас, амалда кўриниши керак. У китобнинг ўзиде бўлиши керак. Муқовада мана мен деб туриши шарт эмас. Гапининг охирида айтиладиган сўзи бошида айтилмайди.

Янги туғилган боланинг бўйнига, ёмон кўздан асрасин деб, тумор осинади. Туморнинг фойдаси борми, йўқми, гап бу ҳақда эмас. Лекин

шуниси маълумки, тумор ичдан тақилди. Ҳеч ким уни тўғининг устидан, кўрсатиб тақиб юрмайди.

Ҳар бир китобда ана шундай тумор бўлиши керак. Уни ёзувчи билиши, ўқувчи сезиши керак, аммо у китобнинг ичиде бўлиши керак.

Вомбайда ажойиб бир бот бор. Ҳар қандай жазирма иссиқ бўлишига қарамай, бу бот доим кўнмиқ бўлиб яшнаб туради. Маълум бўлишича боғнинг тағиде кўзга кўринмайдиган кўл бор экан. Ана шу кўл боғнинг гулларига ҳаёт сувни беради экан.

Гоя тошдан тошга сакраб, кўпириб сув сакратиб оқувчи жылға эмас, балки эканининг томирига жон берувчи, аммо ўзи кўрнимай қолувчи сизот бўлиши керак.

— Бу нима деган гап! — деб бақирди ҳалиги семиз папаник министр.— Демак, сенинча папоқ бўлса бўлди-ю, унда қандай белги бўлиши мумкин эмас: оқ саллами, қизил ҳошиями, беш қиррати юлдузи — сенга барибир. Сенинча, одам кўнрағиде қанақа ипшош бўлиши аҳамиятсиз: қизил тануни, ё қора зуннориди! Кўнги тоза бўлса бас. Йўқ, Одам худди танусини Ҳасанга ўқшаб бир вақтининг ўзиде ҳам Гонахда муаллим, ҳам Гиничтуде комсорг, ҳам Хунзахда мулла бўлиши мумкин эмас. Китоб ҳам шундай. Гоя — байроқ. Уни кўздан яшириш керак эмас. Асанича баланд кўтариш керак, токи одамлар уни узоқдан ҳам кўрсин ва унинг ортидан бориш.

— Эй! Ким сенин сўзларинг нотўғри деса хотини талоқ бўлиши, — деди яна ҳалиги ёшроқ министр.— аммо сен байроқни одамлардан акратиб кўйдинг. Сенинча, гоя бошқа-ю, юрак бошқа. Сен уларни бошқа-бошқа аравага солисан. Нарироқ бориб бу аралар бошқа-бошқа йўздан кетса нима бўлади? Сенинча одам явар ҳам, доғистон-

ДОГИСТОНИМ

ганининг гувоҳи бўламиз. Бу — Наврўз диний маросим эмаслигининг учинчи далили: Г) Наврўз байрамада, диний байрамларда бўлганидан, руҳонийлар учналик фаол иштирок этавермайдилар. Рўза ва кўрбон ҳайитлариданкед оммавий номоз ташкил этишмайди ва хатми кўрбон ҳам қилишмайди. Наврўзнинг антив иштирокчиси—халқ. Бу—байрам халқиники эканлигининг тўртинчи далилидир:

Д) ҳозирги замон расмий мусулмон дини назорати ҳам диндорларни Наврўз байрами ўтказишга ундамайди, диндорлар ўртасида наврўзнинг тарғиб этмайди.

Мана бу ҳол наврўзнинг исломга ҳеч қанақа алоқаси йўқлигининг бешинчи далилидир.

Биз Ўзбекистон ва Тожикистонда истиқомат қилувчи ўтмишнинг тирин тарихчилари бўлмиш ҳурматли кексаларнинг кўпи билан суҳбатда бўлдим. Уларнинг хитосига кўра наврўз 21 март (куёш календарии бўйича) кундузи билан нечасининг баробарлашган даврида бошланади. Ушбу байрамнинг баҳорда бўлишига сабаб—баҳор йилнинг боши ҳисобланади: ўсимликлар гуллабди, йил бағр чиқаради. Қишлоқ хўжалик ишларининг бошланиши ҳам баҳордан. Ариқларда сув тўла оқади. Тупроқда янги ҳаёт бошланади. Баҳорни шорлар муҳаббат рамзи қилиб кўрсатишлари ҳам бениз эмас.

Наврўзга тайёргарлик бир ҳафта бурун бошланади: ҳамма ўзига янги кийим тиндиради. Уй, ҳовли ва кўчалар тозаланиб супурилади ва сувлар сепадилади. Сумалан учун бугдоя ундирилади.

Байрам бир ҳафта, ўн кун давом этади. Шу улуг айём давомида ҳамма хафагарчилигини унуттиша, ўтган-кетган араз-гиналарга барҳам беришга интилади. Наврўз кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап чикмаслиги шарт ҳисобланиб, уруш-жанжал, ҳақорат ман қилинади. Ҳар қандай бевазғарчилик, ўғирлик, бадмастлик ва нимайини инсонга иснод нарса бўлса, жамоат газабига учрайдиган бўлади. Шу сабабли наврўз кунлари ҳамма жойда интизом, озодалик ҳукм суради, юзлардан табасум аримайди.

Ўзбек ва тожикларда шу кунлари айниқса, меҳмоннавозлик авжига минаяди. Ешлар ҳурматли кексаларга алоҳида наврўзлик соғалари: ширинлик, нон-насиба, лаззатли тоғам, кийим ёки бошдан-оёқ сарпо олиб борадилар. Қарилар эса ўз навбатига ёшларга ўқиш, меҳнат ва ҳаётида муваффақиятлар, бахт.

саодат, узоқ умр кўришлари учун дуо қиладилар, ёки бошқача айтганимизда, сиддиқиллик билан истон билдирадилар. Шу кунларда насал ётган беморни бориб кўриш, хол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади, камбағал, етим-есир, бева-бечорани йўқлаш ҳам худди шундай.

Урта Осиёда наврўзни байрам қилишнинг классик намунаси илгариги Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрига яқин Сирдарё соҳилларида ўтган. Баҳорни кўтлаб ашулалар айтилган:

Баҳор омад, баҳор омад,
Баҳори лолазор омад.
Ва деҳқон пешу омад,
Баҳор омад, баҳор омад.

Сайроғолларда эса палов дамланган, бир томонда кадоб, бир томонда шўрва... Қандолатчилар турли ҳовла, новот, нишолдалар тайёрлаб ўз маҳоратини намойиш қиладди. Дор ўйини, кўғирчоқбозлик, қизилчилик, аския... Чор атрафга ялла ва музика садолари таралади. «Дилдор», «Ушшон» куйлари наврўз кунлари айниқса кўп ижро этилади. Ҳатто наврўз байрамнинг гимни то ханузгача яшаб нелаётганининг шохидимиз: «Наврўз Анам» ўша вақтларда басталанган халқ навосидир.

Шоира Бону ўзининг «Келди наврўз» номли бир шеърда бундай сатрларни ёзиб қолдирган:

Келди наврўзи ажойиб, сайри гулзор айлангиз.
Тўтию, булбул сифат оҳанги «Дилдор» айлангиз.
Жам бўлиб аҳбоб ила тузмонда базми боғ аро,
Ошиқи девона айтмай, бизни ҳам ёр айлангиз.
Очилиб гул-гунчалар ўт солса жисму юно аро,
Бу аламлар марҳами деб бодани бор айлангиз.
Андалиби бенаводек, оҳ уриб гул ишқиди,
Соз этиб «Наврўз Анам» оҳанги рафтор айлангиз.
Базмингиз авжида бўлган чоғда, эй дўстлар,
Бонуий кўнгли учун оҳанги «Хайёр» айлангиз.

Наврўз байрами ўтаётган дала майдонларида одамлар янги йилнинг илк нишонлари бўлмиш лола, бойчечан ва бошқа гулларни териб сайр қиладилар. Ялпиз, отқулоқ, жағ-

жағ, шўра, йўнғичча ва яна бир мунча янги кўнарлиб чиққан ўт-ўланларни териб келиб, дармондори ва турли жавҳарларга бой бўлган таомлар: кўн чучура, кўн сомса, кўн патир, кўн бийрон тайёрлайдилар. Тухумни найкамаланинг рангига монанд етти хил қилиб бўвб пиширадилар ва тухум уриштириш ўйини бошлаб юборадилар. Бунда ҳам маъно бор: тухум ҳаётнинг рамзи ҳисобланади, шу тушунчуга асосланиб, уни турли рангга бўяш билан ҳаётимиз гўзал, ранго-ранг бўлсин деб оруз қилганлар. Илк баҳорнинг майин шабадасида ёш болалар, ҳатто катталар ҳам варрак, парпак учуриш каби мароқли ўйинни бошлаб юборадилар. Бу инсоннинг фазога интилишидаги орузи эмасмикан?

Қизлар ва келинчалар наврўз кунлари ўса ва сурма қўядилар. Ўса ям-яшил баҳорнинг рамзи. Алоҳида қизлар мажлиси ташкил этилиб, даврада ўса кўйиб рақс билан ижро этиладиган ашула бундай бошланади:

Усмалар кўнди қизгина,
Сурмалар кўнди қизгина.
— Қани, қани?
— Мана, мана!
Йўраб юради қизгина,
Уйнаб кулади қизгина.

Ўсимр болалар далаларда илк очиладиган бойчечани териб дўпчиларига ва кўлоқларига тақадилар, томири ва лойи билан кўчириб келганларини эса хондонларга олиб кириб янгилик, баҳор нишонаси сифатида тортиқ қилиб чиқадилар ва бу яхши одатни умумий хор айтиб адо этадилар. Болалар ҳар бир дарвоза ёнида шу ашулани айтадилар:

Бойчечанинг боласи, боласи ей,
Кўлогимда донаси, донаси ей.
Боласини, терай десам,
Бодраб чиқди онаси, онаси ей...

Шундай қилиб, одамларнинг эсида қолган фольклор, этнографик, тарихий ва ҳамда ҳаётий маълумотларга кўра анализ қилганимизда ҳам наврўз байрами диний эмас, балки халқимизнинг жуда қадим замонлардан бери демократик асосда тарғиб топган миллий анъанасидир.

Халқнинг миллий шайлдаги бу анъанасига социалистик мазмун ато қилинса, коммунизм нуриш ва янги шахсни тарбиялаш ишида яна битта ажойиб воситага эга бўлардик. Бас, шундай экан, наврўзни қайта тиклайлик. У абадий яшамоғи керак!

дик ҳам эмас, совет кишиси бўлиши керак. Мен эсам. Ўзим аварман, Догистон фразандиман, шу билан баробар СССР гражданиман. Бу тушунчаларда индиёт бўлмаса керак?

Олам Кремлдан бошланади. Бу маълум. Аммо мен учун дунё менинг уйимдан, менинг овулимдан ҳам бошланади. Кремль ва овулим, коммунизм гоёси ва ватан тушунчаси — булар бир қушнинг икки қаноти, бир павдурнинг икки тори.

— Шундай экан, бир гапни такрорлайверишдан нима фойда? Китоб-а унинг маъносига мос келадиган иккинчи ном қидириш керак.

Мен уни жуذا кўп қидирдим. Ҳинди тупроғида кезиб юрганимда ҳам Догистон тўғрисида ўйладим. Бу мамланатнинг қадимий маданиятида, фалсафасида аллақандай сирли нидо эшитдим. Ленин Догистонининг индосида ҳеч қандай сир кўрмайман. Ахир уни дунё тинглайди. Бир вақтлар «Догистон» деган сўзга фақат кимсасиз жариллар акс-садо берав эди. Бугун «Догистон» сўзи бутун мамлакат, бутун дунё узра янграмоқда, миллион қалбларда акс-садо кўзгамоқда.

Бир вақтлар Югославияда савҳат қилиб юрганимда Адриатика денгизи бўйидаги Дубровника шаҳрида бўлган эдим. Бу шаҳарнинг кўчалари жарликка, уйлари қояларга, зина-зина бўлиб юсалган гранит чуққиларга ўхшайди.

Бутун шаҳар девор билан ўралган. Худди ўзинингиз Дербентга ўхшайди. Девор бўйлаб баланд тош миноралар қад кўтарган. Ҳар бир минорада инкитдан тешик-шинак бор. Булар худди миноранинг гавабкор кўзларидай тикилиб туради. Бу миноралар бир дақиқа тин олмай хизмат ўтаган фидойи мурдидларга ўхшайди.

Мен деворга чиқиб шинақдан денгизни томоша қилмоқчи бўлдим. Аммо шинак олдида бошқа сайёҳлар уймалашиб ётар, унга яқин боришга ҳеч имкон йўқ эди. Мен оёқ учида туриб, чўзилб, узоқдан шинакка қарадим. Қаргдек келадиган шинақдан қафтдеккина кўн нарса кўрипти.

Ниҳоят мен шинакка яқинлашиб бориб, унга юзимни қўйиб қараган эдим, қаршима побисиз денгиз пайдо бўлди, бутун гўзаллиги, ранглар жилоси билан Адриатика намоян бўлди. Денгизда ҳар бири бизнинг овулдай келадиган кемалар сузиб юрар эди.

Шунда мен Догистон ҳақида ўйладим. Ахир у ҳам мен каби узоқ вақт шинакка интилди, побисиз оламни кўрмоқча ҳаракат қилди. Аммо унинг олдида бошқа омади юришганлар турар эди. У узоқ вақт навбат кутди.

Энди у кичкина даричадан нег оламини кўрди. Ўзи ана шу бепоев олам билан қўшилиб негди.

Турли вақтда турли шорлар ўзларининг Догистон ҳақидаги тасавурини ифода қилиш учун турли ташбўқ қидирдилар. Дарди куйчи Маҳмуд Догистон халқларини тожикларга ўхшатган эди. Бу жылғар доимо бир бири бирини кўшилиш учун интилади, аммо қўшилмайди. У яна шундай деган эди: Догистон халқлари торгина дарада ўсган гулларга ўхшайди. Улар бир-бирига томон эгилади, аммо бир-бирини кучолмайди.

Бугун Догистон халқлари ягона оқим бўлиб оқаётин, битта гулдаста бўлиб жилва қилаётин.

Вогайра айтган экан: камбағал ўзининг ёсиқ пўстинири бир чеккага улоқтиргандей, табиат ҳам Догистонни тоғу даралар орасига, кўздан нарироқча ташлабди.

Отам Догистон тарихини ўқиб, уни май қўйилладиган шохга ўхшаган эди. Догистон май тўла шох каби даврада узоқ вақт қўлдан-қўлга ўтди.

Догистоним, энди мен сени нимага ўхшатай, сен ҳақингда — сенинг тақдиринг, сенинг тарихинг ҳақида ўз хабарларини ифода этувчи қандай ташбўқ топай? Валки тузукроқ ташбўқни кейин топарман, хоёрча шундай дейман: «Каттакон уммонга очилган кичкина дарча». Ёси қисқароқ қилиб «каттакон уммонга кичкина дарча».

Мана, ўртоқ министрлар, ёзимчи бўлган китобимнинг иккинчи номи. Ўиламан, бошқалар ҳам ўзининг юртини шундай деб аташи мумкин. Майли, булар отдosh бўладилар.

Шундай қилиб лапоқ — «ДОГИСТОНИМ», унинг юлдўзи — «Каттакон уммонга кичкина дарча».


Куй чалоқча ҳозирланаётган одамдай қўлимга пандур олдим. Вашта тинмоқчи бўлгандай илнинг учини игнага тўғриладим. Министрларим халқаро кенгашда кун тартибининг тасдиқлагандай янхот китобимнинг номи ҳақида бир фикрга келдилар.

Гоҳида икки ана-уна битта отга мингашиб юради. Гоҳида эса битта йилит кичина отни сугоршиша олиб боради.

АБУТОЛИВ АЙТГАН: Анови Лев Толстойниқдай шляпа сотиб олибди. Упанақа каллани қаердан сотиб оларини?

ДЕПДИЛАР: Боланинг номи-ку яхши, ўзи қанақа одам бўларкин?

(Давоми бор).




Ҳар бир жониворнинг уйи бор.


табиат оламида

А. Губенко фотолари.

Излар.



Шарбат қидириб...




Овга.



УРУШ

ВА



ТИНЧЛИК

Кинорепортаж

«Уруш ва тинчлик» киноэпопеянинг тўртинчи саҳифаси томошабинларга ҳади этилди. Олқишланди у. Толстой қаршисида одамлар яна бир бор таъзимга эгилди. Демак, бобо Толстойнинг жаҳонда шуҳрат қозонган тўрт жилдик асарини устида киночилар чеккан заҳмат ва машаққатнинг сўнгисини юзага чиқди ва кўриқдан ўтди.

Кўп кино усталари, режиссёрлар Лев Толстойнинг бу доҳиёна асарига қўл уриб кўришди, унинг экран талқинини топишга ҳўп уринишди. «Уруш ва тинчлик» бўйича қилинган талқинлар тилсиз эди. Бу тилсиз фильмларнинг муаллифлари романдаги асосий қаҳрамонларни ҳаракатлантирдилар ҳолос. Толстой гоёсига, Толстойнинг чексиз ҳаёлига кириб бора олмадилар.

Бундан бир неча йил муқаддам совет томошабинларига «Уруш ва тинчлик» деб аталган америка-итальян фильми кўрсатилган эди. Олдинроқ яратилган фильмларга қараганда дурустроқ бўлган бу икки серияли фильмнинг муаллифи Кинг Видор Толстойга яқинлашишга кўп уринди, аммо, барибир романдаги асосий ҳодиса — миллий руҳ ва фалсафий умумлашманни юзага чиқара олмади, ёки Толстой кўдратига тиши ўтмади.

«Уруш ва тинчлик» романи ўз кўламини ва тасвир манбалари жиҳатидан жуда улдуввор асардир. Бу асарнинг инсон онги, ақли ва қалбига таъсири жуда катта. Киночилар ана шу томонни, ўз аҳамияти жиҳатидан ҳозир ҳам замонавий бўлган ана шу қимматни худди Толстой маромида томошабинга етказишлари керак эди. Бу муқаддас вазифага СССР халқ артисти, кинорежиссёр Сергей Бондарчук бошлиқ кинояждорлар киришишди ва муваффақиятли амалга оширишди ҳам.

Буни янкор қилиш мумкинмас, Толстой нима ёзган бўлса, шунини кино тилига кўчиришди, бинобарин, Толстой қаҳрамонлари бахт қидиришди, Пьер Безухов ва Андрей Болконский шу бахт учун неча йилларни саргардон ўтказдилар. Толстой чизган бу ҳолатни биз кино талқинида тўлқинланиб кўрамиз.

Сергей Бондарчук Толстойга қўл урганда кўплар ҳайратдан ёқа ушлади, баъзилар ияк қашиб ўйга чўмди: бир нарса чиқармикин? Сергей Бондарчук ва унинг кўмақдошлари: бош оператор А. Петрицкий, бош ҳарбий маслаҳатчи М. М. Попов, артистлар романини экранлаштирар эканлар, улар ундаги воқеаларни, манбаларни, маълум сюжет йўналишларини саралаб олдилар ва шу саралаган нарсаларга замон кўзи билан қарадилар. Томошабинларга Толстой орқали кино тили билан одамларнинг бирлиги ҳақида, ҳаётга муҳаббат руҳи ҳақида тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Аслида ҳам Толстойнинг шу гоёсини фильмга асос бўлди.





Бу гоёни экран юзига чиқариш осон бўлмади. Минглаб саҳифаларнинг ички юз бетлик сценарийга жо бўлгани ажабтовур ҳодиса. Бу кўп йиллик заҳмат самараси.

Лев Толстой гоё ва муаммоларни фақат сўз билан эмас, ҳас-туйғулар орқали ифода қилади.

Шу маънода «Уруш ва тинчлик»нинг гоёсини бир актёр, ёки айрим, ҳатто муҳим саҳна орқали ифодалаш мумкин эмас. Толстойнинг ўзи айтганидай, шахслар тақдирини халқ тақдири билан қўшиб ифода қилиш орқали, ички кечинмалар орқали очилди лозим. Киноижодкорлар Толстойнинг кўрсатган йўлидан изчил боришди.

Фильм тўрт серияли: «Наташа Ростова», «1812 йил», «Андрей Болконский», «Пьер Безухов». Бу тўртала серия бир-бири билан қучоқлашиб, бири-киб кетади. Воқеалар бир-бирини тўлдириб, бир-бирини етаклаб фильмнинг сўнгги нуқтасига олиб боради. Кутузов Наполеон истиқболига Москвага ўт қўйдиранди ва шу ерда у золимини тиз чўқтиради. Лекин, бизни фильмнинг гоёвий ҳулосаси қизиқтиради.

Мана, тўртинчи серия ҳам чиқди. Бу серия фильмнинг асосий қахрамони — ХАЛҚНИ қуйлайди. Халқ ўзининг буюк ватанпарварлиги, Ватанга чексиз муҳаббати, мардона садоқати билан кўринади. Халқ — қахрамондир, у эзгулик, ҳақиқат учун курашгудек бўлса, унинг қудратига, мардлигига тараф йўқ. Фильм мана шу руҳ билан ҳулосаланади.

Л. Н. Толстой айтганидай, сўз фикрлар ифодасининг манбаи бўлса, санъат ҳислар ифодасининг манбаи бўлиши лозим, — деган эди Сергей Бондарчукнинг ўзи. — Бизнинг исганимиз шуки, фильм томоша залида ўтирганларнинг ҳисларини бирлаштиради. Бу бирлик, майли, бир дақиқа, бир соат давом этсин, лекин шу дақиқа ва соатларда одамларнинг ҳислари бирлашади-ку! Толстой санъатнинг кучини ана шунақа бирлаштирувчиликда деб билган.

«Уруш ва тинчлик» фильми ҳислар ифодасини бирлаштира олган асардир.

У кино санъатимиз яратган аjoyиб асарлар қаторидан мужосиб ўрин олади.

Асрор САМАД,
аспринт



Қовун пишиғида

(Ҳазил)

Дўстлар, нима десам

Кўнгил экан-да.

Қовун пишиғида бир деҳқон қизни

Севиб қолдим, лекин ҳа деганда

Қўлга киритолмай —

Тунлари ҳижжалаб чиқаман сўзни.

Ёки тун чўкканда,

Ё тонг саҳарда

У полиз оралаб,

Мен девор мўралаб,

Унга яқинлашиб борсам агарда,

Бир қовун чўзади очмасимдан лаб.

Мен лолман...

Бир донга ёриқ қовунни

Қўлтиқлаб телбадай жўнайман уйга,

Тундагисини пийпаслайман:

«Ёриқ қовунми?»

Яна ёриқ...

Нима қилсам — чўмаман ўйга.

Саҳарлаб бораман,

Буниси ҳам ёриқ.

Ҳар кун аҳвол шу — ҳеч бутуни йўқ.

Олмайман десам, дер у, қайтманг қуруқ,

Яна ширингина кулиб қўяр шўх...

Вой-воей, кулиши ўртаворида,

Қовундан ҳам кулиши ширин.

Қовуннинг шираси тилни ёради,

Ўзи юрагимни ёқади тун-кун.

Баъзида ўтириб ўйлаб кетаман,

Наҳот бутун полиз ёриқ қовун-а?

Бу қизи тушмагур бўшанг-да, ёмон,

На менга қарайди, қовунига на...

Майлига, бунга ҳам кўникиб қолдим,

Ёринг қовун билан боқса ёмонми?

Қовун еявериб қорин ҳам солдим,

Роса ростлаб олдим қадди-қоматни.

Қовун пишиғи ҳам кетди-ку ўтиб,

Соддалигим қурсин, нима қилайин?

Ишлар шундай кетса ёриқ қовун еб,

Қовундай ёрилиб кетишим тайин.

Қамбар УТАЕВ

Дорбозлик касбини шарафлайлик

Юсуфжон ҲУЗУРИИ

Э 2 0 6

БАЪЗИ ҲИСОБОТЛАРГА НАЗИРА

Янгида қишлоқ чойхонасининг баланд сўрисида сайёр дорбозларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда дорчилар оғ-соқоли Мамарайим тоға «Кечаги кўрсатган томошамизнинг яқуни ва галдаги вазифалар» деган темада доклад қилди.

Докладчи ўқитиб айтдики, кечаги томоша давомида дорбозлар коллективи катта ютуқларни қўлга киритди. Яъни, томошабинларнинг чексиз ҳаяжонга солиди, кувонтирди. Бу борада нарнайчи Муҳаммад Усмон, ногорачи Сотволди Первойларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Бу азаматлар томошабинларни тўплашда ва уларни ўзаро гаплашгани имкон бермай, бутун диққат-эътиборини майдон томон тортиб туришда мислсиз улкан жасорат кўрсатдилар.

Аммо, деди докладчи ўз сўзида давом этиб, ишимизда индиди камчиликлар ҳам борни, улардан нўз юмиб ўтолмаймиз, албатта. Масалан, сурнайчи Облоқул ана Шамсиевнинг бутун томоша давомида уйқисираб юришини нормал ҳол деб бўладими? Мутлақо!

Ҳаммамизга маълумки, дорбоз айна индикна борганда «Роҳат», «Жонон», «Олмача анор» наби энгил ва шўх машқларни чалиш керак. Облоқул ана бўлса, шундай долзарб, шундай қалтис пайтда ҳам уйқисираб «Мўғулча сарвинози»ни чалиб юрибди. Бунинг учун бағида дорбоз Бахтиёржон фикри форумуш бўлиб, бирмунча ўн-гайсизланди, қийналди.

Ногорачи Умматали ана бўлса, ногора чўпни белга қистирганча йўқ бўлиб кетди ва анчадан кейин иарвон сарой томондан ранг-лари бир ҳолатда кириб келди.

Келажакда бу наби қўпол нуқсонларга узилик-кесил барҳам беришимиз, барча номерларни бенамин-кўст амалга оширишимиз керак.

Доклад юзасидан музокаралар бўлди. Дўмбирачи Шариф Фасон, масхарабоз Қилтирқ полвон ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, ишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил тўхтадилар.

Йиғилиш ахли муҳоама этилган масала юзасидан ионнрет наор қабул қилди.

Анвар МУҚИМОВ

Д О Ғ

Ироқлардан кўзимга кўриюр бир нечта рангсиз доғ, Тилардим ўчмоғини, ҳур ҳаётимдан бу ёлғиз доғ. Гаҳи урайди оила ичнда эски «эрлар» дек, Вафодорин фарзандини қўйнаб бу вафосиз доғ. Текинхўр суратга киргизюр маслаксиз одамни, Бировнинг ризқидан тўймоқни ўргатгай бу тўнғиз доғ. Салом берсанг, алик ўрнига «қўйлакин ювайлик» дер, Емоқ-чмоқ учун «ювмоқни ўрганган» бу очкўз доғ. Олиб виждонини инсондан қилур шарманда эл итра, Хиёнат қилдириб судхонада чўнгургуси тиз доғ. Йаҳлолатни бериб, ахлоқни олгай «паҳлавонсан» — деб, Тилдан айтдиюр одобсиз сўзларни тилсиз доғ. Ҳузурий, бу замона лугатидан ўчириб ташла, Йўқолсин давримиз ҳуснига нуқси тушмай ҳаргиз доғ.

ХҲҲҲҲ НЕГА ҚИЧҚИРАДИ?

- Ҳўш, хўроз нега қичқиради?
- Оч қолганидан.
- Қандай қичқиради?
- Ҳар хил.
- Нима учун?
- Тўрт фаслда тўрт хил қичқиради-да
- Бирламчи?

(БИР КОЛХОЗ РАИСИ БИЛАН ПАРРАНДАЧИЛИК БРИГАДАСИ БОШЛИГИНИНГ ФАВҚУЛОДДА СУҲБАТИ).

чатоқ. Қиш-ғамини емаган. Тожи совуқ урандек оқариб, катаега кириб олиб, нос қовоққа нон борми дегандай эрта кеч қичқиради-қичқиради.

— Ҳўш, гапинени хуллас-каломи нима?

— Муддаом шуки, баъзи сизга ўхшати табиатли раислар ҳам айл бўли амалий ишдан хабар олмай кўринганга бақириб юрaverдилар. Сўнга йил ҳисоб-китобида план тўлмай қолса юқоридаги хўроз сингари қичқириб қўл остидагиларни сўккани-сўккан.

- Чик, идорадан, йўқол!
- Йўқ, раис ўзингиз бу каттаингиздан далага чиқинг.
- А...
- Ҳа...

жахўрозларга топшириб қўяди.

- Тўртламчи?
- Қор тушиди. Қараса иш



— Эртага баҳорда баланд ўрик шоҳига чиқиб олиб чираниб-чирганиб «Қиқ, қиқи, гу!» деб қаттиқ қичқиради.

— Иккиламчи?
— Ёз қунлари иссиқ ҳароратидан зорланиб, қип-қизил тожлари шаллайиб, «ғиғи-ғуқ» деб тажангелани қичқиради.

— Учламчи?
— Куз. Йиғим-терим, серобгарчиликдан димоғи чоғ бўлиб, гўё жигҳадонига дон тиқилгандек, «ғиғуқ-ғиғуқ, қут-қут!» деб, қичқиршини жў-

Бош муҳаррир: ИБРОҲИМ РАҲИМ, Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АНБАРОВ, ЯУЛДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН (масъул нотиб), САҲЕР, СИРОНИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, СУЛТОН АКБАРИИ, ҲАМИД НУРИИ (бош муҳаррир уринбосари).

«Гултистон» — общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, 47, КАРЛ МАРКС КҲЧАСИ, 30-УЯ.

«Гултистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В 33520. Бош муҳаррир уринбосари — В 33590. Масъул нотиб — В 33659. Интимоий-сиёсий бўлим — В 33602. Адабий-бадиий бўлим — В 33519, Қабулхона — В 33519.

Теришга топширилди 21/ХИ-67 й. Босишга имозат берилди 20/ИИ-68. Р 09614. Қоғоз 70 × 108/8. Ҳаним 5,5 босма тобоқ. Буортма 5596. Наҳсахи 160.000. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахо-наси. Тошнент ШКР.

М. БЕК

Andantino espressivo

Куёш тў - бар ошмадан зи - ё

су - чо - гин, да меҳр, даи шуъ - ла,

мавн у - ра, да бағримда дарё

ман - гу менга тўқиб а шу - ла

Аг. f. ato

А шуъ - си гул - да, а шуъ - си да - ли - да

А шуъ - си гул - да, қў - ли о - раб, қў - ли о - раб, қў - ли о - раб

Мо - мим сўр - са - раб, ўз - бе - кли - гим му - бо - рақ ун

Темпо I

Юздай ёруғ пахта - м,

пах - там кўр - са - лаб, ум - римда, тин дўста меҳ - ри - бои

Музыкальные ноты для правой и левой рук.

Кўёшистон

Хамид РАҲИМ музикаси
САИЕР шеъри

Кўёш тўкар бошимдан зиё
Кўчоғимда меҳрдан шуъла,
Мавж уради бағримда дарё
Мангу менга тўқиб ашула:

Ашуласи тилимда,
Ашуласи дилимда,
Ашуласи элимда
Кўнгли овлаб дилни безайди.

Ўзбек дейман номим сўрсалар
Ўзбеклигим муборақ унвои,
Юздай ёруғ пахта, пахта кўрсалар
Умрим олтин дўста меҳрибон.

Ҳар бир гардим кўзга тўтиё,
Шифо яшар томчи сувимда,
Кўксим тўла ҳаётбахш зиё
Гул-лолалар унар кўксимда.

Ашуласи тилимда,
Ашуласи дилимда,
Ашуласи элимда
Кўнгли овлаб дилни безайди.

Ўзбек дейман номим сўрсалар
Ўзбеклигим муборақ унвои,
Юздай ёруғ пахта, пахта кўрсалар
Умрим олтин дўста меҳрибон.



Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233